САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Ғолиб МУСТАФОЕВ

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИ



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

САМАРҚАНД ИҚТИСОДИЁТ ВА СЕРВИС ИНСТИТУТИ

Ғ.С. Мустафоев

ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРИДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИ

Монография

САМАРҚАНД – 2022

УДК: 330.364

Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли бандлиги. Монография / Ғ.С.Мустафоев – Самарқанд.: СамИСИ, 2022. – 190 бет.

Тақризчилар:

Н.У.Арабов – Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети профессори, и.ф.д.

Б.Б.Мардонов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти доценти, PhD.

Монографияда Ўзбекистонда хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳасини қандай ривожлантириш масалалари кенг ёритилган. Аҳоли бандлигини ошириш аввало давлат миқёсида турган долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу сабабли мамлакатимизда аҳоли бандлигига қаратилган турли дастурлар қабул қилиш, ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш, тижорат ва шунингдек касаначилик билан шуғулланувчи турли тадбиркорлик субъектларини аҳоли бандлигидаги ўрни асосланган.

Монография олий ўқув юртлари талаба ва ўқитувчиларига ҳамда докторантларга мўлжалланган. Ундан аҳоли бандлиги соҳаси ва аҳоли фаровонлигини юксалтириш муаммолари билан қизиқувчи мутахассислар ҳам фойдаланишлари мумкин.

Монография Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган. Баённома №2 “30“ Сегтябрь 2022 йил.

УДК: 330.364

© Ғ.С.Мустафоев 2022 й.

©Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти. 2022 й.

МУНДАРИЖА

КИРИШ..... 4

I БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1.§ Хизмат кўрсатиш соҳасининг моҳияти ва уни қишлоқ жойларда ривожлантириш зарурияти ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти..... 8

1.2.§ Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш босқичлари..... 22

1.3.§ Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлиги муаммоларини бартараф этишдаги вазифалари..... 40

Биринчи боб бўйича хулоса..... 56

II БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИ КЎРСАТГИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1.§ Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари таҳлили..... 58

2.2.§ Қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлашда таъсир этувчи омиллар таҳлили..... 80

2.3.§ Қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасининг таъсири тахлили..... 91

Иккинчи боб бўйича хулоса..... 112

III БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ РОЛИНИ ОШИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1.§ Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари..... 115

3.2.§ Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва унинг қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш истиқболлари..... 122

3.3.§ Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш ўринлари яратиш бўйича тавсиялар..... 130

Учинчи боб бўйича хулоса..... 138

ХУЛОСА..... 140

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ..... 145

ИЛОВАЛАР..... 161

КИРИШ

Жамият тараққиётининг ҳозирги босқичида хизмат кўрсатиш соҳаси жаҳон иқтисодиётининг асосий соҳаси сифатида ўзининг салмоқли ҳиссасига эга. Жаҳон ялпи маҳсулотининг 60-70 фоизи хизмат кўрсатиш соҳаси ҳиссасига тўғри келади. Жумладан, жаҳон миқёсида 45,3 фоизи аҳоли қишлоқ жойларида истиқомат қилади[1]. Маълумотларга қараганда "жаҳондаги жами қашшоқ аҳолининг 70 фоизи ҳам айнан қишлоқ жойларда яшовчи аҳолидир"[2]. Бугунги глобаллашув шароитида қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини оширишни концептуал ёндашувлар ва рақамли технологиялар асосида такомиллаштиришга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Жаҳонда қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини ошириш, хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш истиқболлари, рақамли технологиялар асосида норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш бўйича илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ҳозирги кунда хизмат кўрсатиш соҳасида аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш йўллари, қишлоқда коммунал хизмат кўрсатиш сифатини АКТдан фойдаланиб ошириш, хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлигини ошириш, қишлоқ меҳнат бозорини самарали ривожлантириш асосида аҳолини иш билан бандлигини ошириш каби устувор йўналишларда илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соҳага имтиёзлар бериш, қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. "Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш

[1] https://www.eurekalert.org/pub_releases/2019-03/ifpr-2gf032219.php
[2]https://www.undp.org/content/undp/en/home.html

соҳасини ривожлантириш, улар учун етарли миқдорда унумли иш ўринларини яратиб бериш, қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини шаҳар аҳолиси тумуш даражасига қадар кўтариш”[3] бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Мазкур устувор вазифаларни ижросини таъминлашда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли бандлик даражасини ошириш, рақамли технологиялар ҳамда инновацион фаолиятни ишлаб чиқариш, инфратузилма ва илмий таъминот интеграцияси асосида ривожлантириш каби йўналишларида илмий тадқиқотларни амалга ошириш долзарб масала ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2020 йил 16 июнда “Хизматлар соҳасини қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4752-сон, 2021 йил 11 майда “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-5113 сон, 2018 йил 14 июлда “Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3856-сон, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрда “Андижон вилоятининг марҳамат туманида саноат, хизматлар соҳаси ва қишлоқ хўжалигини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 723-сон Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда мазкур иш тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Хорижий мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасини назарий асослари ҳамда аҳоли бандлигини ошириш бўйича Д.Белл, Д.Гэлбрейт, М.Грановеттер, П.Дракер, Ж.М.Кейнс, Ф.Котлер, Б. Клауссен, Р.Кеган, П.Томрсон, М.Фридмен[4] ва бошқа олимларнинг илмий ишларида ўз аксини топган.

[3] Ўзбекистон Республикасини 2017-2021 йилларга янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон Фармони. lex.uz/acts/3107036

[4]Keynes J.M. The general theory of employment, interest, and money. – Springer, 2018. – 404 p.; Котлер, Ф., Маркетинг менеджмент. Экс пресс-курс. 2-е изд. / Пер. с англ. под ред. Божук С. Г. СПб.: Питер, 2006.- 464 с. Bell D. The Winding Passage: Sociological Essays and Journeys. – Routledge, 2019. – 399 p.; Galbraith J. K. The culture of contentment. – Princeton University Press, 2017. – 176 p.; Drucker P. F. The essential drucker. – Routledge, 2020. – 294 p.; Thompson P. The Natureof Work: AnIntroduction to Debatesonth eLabour Process. L., 2015; Claussen

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини оширишга муносиб ҳисса қўшган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари иқтисодчи олимлари қаторига З.И.Белкина, В.Н.Бобков, Б.М.Генкин, Л.С.Дегтярь, Р.И.Капелюшников, Р.П.Колосова, С.И.Ожегов, Ю.Г.Одегов, Г.Г.Руденко, Ю.Г.Одегов, Т.О.Разумова[5] ва бошқаларни киритиш мумкин.

Ўзбекистонда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ва аҳоли бандлигини ошириш борада иқтисодчи олимлар О.С.Аманов, У.А.Абдуллаев, С.Б.Бобоқулов, Ш.О.Кувандиков, Қ.Ж.Мирзаев, Ш.Х. Мухитдинов, Б.Б.Мардонов, М.Қ.Пардаев, Э.Э. Рустамов, Б.Э. Тагаев, Д.И. Усмонова, Ю.П. Урунбоева, Б.Ҳ.Қўзибоев[6] ва бошқа олимлар илмий тадқиқот ишларини олиб борганлар. Аммо, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш аҳоли бандлигини ошириш билан боғлиқ масалалар

B. Health and re-employment in a two year follow up or long term unemployed // Epidemiol. Community Health. 2013. V. 47(1); Kegan R. In over our heals: The mental demands of modern life. Cambridge, MA: Harvard University Press, 2014; Friedman M. Money and Economic Development/ M.Friedman// 2013. №4. – P.70. Granovetter M., SwedbergR. (eds.).The Sociology of Economic Life. Boulder, Oxford, 2012.

[5] Белкина З.И. Экономика: учебно-методический комплекс. М.: Проспект, 2015. -224 с. Словарь русского языка/Сост.С.И.Ожегов. - М.: Гос.изд-во словарей, 1953. -776 с. Экономика труда: учебник и практикум для вузов / Ю.Г. Одегов, Г.Г. Руденко. – 3-е изд., перераб. и доп. – Москва: Издательство Юрайт, 2020. - 387 с.; Мобильность и стабильность на российском рынке труда / Под ред. В.Е.Гимпельсона, Р.И.Капелюшникова. - М.: Высшая школа экономики (ГУ ВШЭ), 2017. – 536 с.; Бобков В.Н., Вередюк О.В., Колосова Р.П., Разумова Т.О. Занятость и социальная прекаризация в России: введение в анализ. – М.: ТЭИС. 2014. – 96 с; Генкин Б.М. Экономика и социология труда: учебник для вузов / 5-е издание, дополненное. – М.: Норма, 2005. - С.79. Одегов Ю.Г. Управление персоналом в структурно-логических схемах.-М.: Академический проект. 2005. – С.348. Дегтярь.Л.С. Мировой опыт пенссионных реворм и риформирование пенсионной системы в России. М:, 2002, -142 с.

[6] Пардаев М.Қ. Хизмат кўрсатиш тармоклари иқтисодиётининг айрим муаммолари. Монография. -Т : Навруз, 2014.-264; Мирзаев Қ.Ж. Агро сервисни ривожлантиришнинг асосий йўналишлари. -Т.: Фан ва технология, 2007, -16 б.; Қўзибоев Б.Ҳ. Минтақада хизматлар соҳасини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш: иқт.фан.фал.док.(PhD) автореф.–Урганч.: 2021, 52 б.; Усмонова Д.И. Қишлоқ аҳолисига савдо хизматларини кўрсатиш самарадорлигини ошириш: иқт.фан.фал.док.(PhD) автореф.–Самарқанд.: 2018, 57 б.; Урунбоева Ю.П. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш асосида аҳоли турмуш даражасини ошириш истиқболлари: иқт.фан.фал.док.(PhD) автореф.–Самарқанд.: 2018, 58 б.; Тагаев Б.Э. Рақамли иқтисодиёт шароитида норасмий меҳнат билан бандлик даражасини камайтиришнинг методологик асосларини такомиллаштириш: иқт.фан.док.(DSc) автореф.–Т.: 2021, 67 б.; Рустамов Э.Э. Иқтисодиётни инновацион ривожлантириш шароитида аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш йўллари: иқт.фан.фал.док.(PhD) автореф.–Т.: 2019, 65 б.; Мухитдинов Ш.Х. Қишлоқда коммунал хизмат кўрсатиш сифатини АКТдан фойдаланиб ошириш: иқт.фан.фал.док.(PhD) автореф.–Урганч.: 2021, 55 б.; Мардонов Б.Б. Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлигини ошириш: иқт.фан.фал.док.(PhD) автореф.–Самарқанд.: 2018, 52 б.; Кувандиков Ш.О. Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда оилавий тадбиркорлик ролини оширишнинг методологик масалалари: иқт.фан.док.(DSc) автореф.–Т.: 2021, 69 б.; Бобоқулов С.Б. Аҳолига коммунал хизмат кўрсатиш тизими самарадорлигини ошириш йўллари: иқт.фан.фал.док.(PhD) автореф.–Самарқанд.: 2021, 53 б.; Аманов О.А. Қишлоқ меҳнат бозорини самарали ривожлантириш асосида аҳолини иш билан бандлигини ошириш: иқт.фан.фал.док.(PhD) автореф.–Т.: 2019, 48 б.; Абдуллаев С.У. Аҳоли бандлигини оширишнинг ижтимоий механизмлари: соц.фан.фал.док.(PhD) автореф.–Т.: 2021, 53 б.

етарлича ўрганилмаганлиги, мазкур йўналишда илмий изланишлар олиб бориш зарурлигини тақозо этади. Бу эса мазкур монография тадқиқот иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

I БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ХИЗМАТЛАР КЎРСАТИШ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1.§ Хизмат кўрсатиш соҳасининг моҳияти ва уни қишлоқ жойларда ривожлантириш зарурияти ва ижтимоий-иқтисодий аҳамияти.

Ўзбекистон Республикаси мустақилликка эришгач, ривожланишнинг илғор ва оптимал вариантини танлашга интилди. Бундай танловлар орқали хизматлар соҳасини ҳар томонлама ривожлантириш, иқтисодиётни босқичма-босқич ислоҳ қилиш масаласини қўйди. Аҳолининг социал муаммоларини ҳал қилиш, аҳоли турмуш шароитини яхшилаш ёш мамлакат учун қуйидаги ислоҳотларни амалга ошириш керак эканлигини кўрсатди:

Биринчидан мулкий муносабатлар ислоҳоти;

Иккинчидан аграр ислоҳоти;

Учинчидан молия-кредит ислоҳоти;

Тўртинчидан социал ислоҳотлар;

Бешинчидан ташқи иқтисодий алоқалар ислоҳоти[7].

Ҳар бир мамлакат ривожланишнинг муқобил усулларини излашга ҳаракат қилади ва шу орқали мамлакатда мавжуд ресурслар, аҳолининг илмий салоҳияти, инновацион қобилият, фан техника ютуқларидан унумли фойдаланади. Бизнинг мамлакатимиз ҳам, дастлабки кунлардан иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда мавжуд ресурслар ва усуллардан мақсадли фойдаланди. Бироқ, аҳоли талабининг турлича ўзгариши оқибатида, иқтисодий ресурслардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Ҳозирги кунга келиб, мамлакатда ресурслар кам талаб этадиган хизматлар соҳасини танлаш, рақамли хизматларни ривожлантириш ва кенг кўламда фойдаланиш керак эканлигини кўрсатмоқда. Сабаби хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётни инновацион ривожлантиришда локоматив вазифасини бажаради. Шу асосдан келиб чиқиб хизмат кўрсатишнинг мазмун моҳиятини тўлароқ англаш зарурати янада кучаяди.

[7] Ё.Абдуллаев “Бозор иқтисодиёти асослари 100 савол ва 100 жавоб” Тошкент – “Меҳнат”- 1997 йил 120 бет.

Хизматлар соҳаси асосида хизмат бўлиб, ушбу фаолият турли жараёнларни амалга оширишда иштирок этади. Аввало, “хизмат” сўзи, асосан, қуйидаги икки хил луғавий маънога эга: - бошқа бировга фойда келтирувчи ҳаракат ва бирор кимга хўжалик қулайликларини тақдим этмоқ[8].

Буюк иқтисодчи Адам Смит (1723-1790) хизмат шаклидаги ноз-неъматларнинг иқтисодий мазмунини тўлароқ очиб бериш ҳамда унинг мамлакат ижтимоий бойлигининг манбаи сифатида қараш муаммосини ҳал этиш мақсадида ўзининг жаҳонга машҳур “Ҳалқлар бойлигининг табиат ва сабаблари тадқиқоти” (1766) номли асарида «унумли меҳнат» ва «унумсиз меҳнат» тушунчалари хусусида фикр билдирган[9]. Шу орқали А.Смит моддий ва номоддий ишлаб чиқаришни фарқлаб дастлабки хизмат тушунчаси яралишига катта хисса қўшган.

Хизмат тушунчаси яралишига катта хисса қўшган А.Смитнинг моддий ва номоддий қарашини янада мукаммал акс эттирган олим М.М.Мухаммедов ўзининг “Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари” номли монографиясида “инсон истеъмоли учун зарур бўлган ҳар қандай ноз – неъмат (яъни у моддий ёки номоддий бўлишидан қатъий назар) ишлаб чиқаришга сарфланган меҳнат барибир жамият учун фойдали, самарали унумли деб қаралиши ва ижтимоий бойлик таркибига албатта киритилиши лозим”[10] деб қарайди. Шу орқали олим ҳар қандай неъмат яратишга қаратилган меҳнат қатори хизмат кўрсатишда банд бўлганларнинг меҳнати ҳам қиймат ва истеъмол қийматини яратишга қодирлигини илмий исботлайди.

“Хизмат” атамаси олимлар томонидан иқтисодий адабиётларда турлича нуқтаи назардан қўлланилиб иқтисодий билим соҳасига боғлиқ ҳолда талқин қилинади. Ушбу атама доирасида кўплаб хорижлик ва маҳаллий олимларимиз назарий тадқиқотлар олиб боришган. Таниқли олимлардан бири Ф.Котлер

[8] Словарь русского языка/Сост.С.И.Ожегов. - М.: Гос.изд-во словарей, 1953. -776 с.
[9] Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. М.: Эксмо, 2009. – С.104.
[10] Мухаммедов М. М. ва бошқалар. Хизмат кўрсатиш соҳаси ва туризмни ривожлантиришнинг назарий асослари. Монография. - Самарқанд: Zarafshon, 2017. - 31б.

бўлиб, у хизматга қуйидагича таъриф беради: “**Хизмат** – бу бир томон бошқасига таклиф қилиши мумкин бўлган ҳар қандай фаолиятдир”[11].

Республикамизнинг таниқли олимларидан И.С.Тухлиев: “Хизматлар - бу кўзга кўринмас товарнинг ўзига хос туридир”[12] дейди ва ушбу ёндашувда олим хизматни товар хусусиятини ифодалаган, яъни, хизматлар ишлаб чиқариш, моддий ишлаб чиқариш жараёнларидаги меҳнат муносабатларини ўзида акс эттиради, аммо ишлаб чиқариш жараёни натижаси номоддий шаклга эга бўлади деб таъкидлашга ҳаракат қилади. Хизмат тушунчасига И.Очилов томонидан берилган таъриф бошқаларига нисбатан мазмун ва моҳият жиҳатидан такомиллик касб этган ва у қуйидаги шаклда берилган: “Хизмат дейилганда, инсоннинг, хўжалик юритувчи субъектларнинг, давлатнинг ва жамиятнинг маълум бир эҳтиёжини қондиришга йўналтирилган кишиларнинг наф келтирадиган хизмат жараёни билан боғлиқ онгли фаолияти тушунилади”[13] деб таъриф берган.

Профессор М.Қ.Пардаевнинг фикрига кўра, “Хизмат кўрсатиш соҳаси дейилганда, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг моддий-буюмлашган кўринишга эга бўлмаган истеъмол қийматларини яратишга йўналтирилган соҳалари тушунилади. У ўз ичига моддий хизматлар кўрсатиш (қурилиш, транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат ва бошқалар) ҳамда номоддий хизматлар кўрсатиш (ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ўқитиш, малака ошириш ва бошқалар)ни олади”[14] дея мукаммал таъриф бериб, инсон ижтимоий фаолияти ривожланишида унга кўмаклашадиган муҳим тармоқ ва соҳа сифатида айнан хизмат кўрсатиш соҳасини келтиради. Шу орқали олим хизмат кўрсатиш соҳасини тўғридан – тўғри инсон истеъмолига йўналишини моддий ва

[11] Котлер, Ф., Маркетинг менеджмент. Экс пресс-курс. 2-е изд. / Пер. с англ. под ред. Божук С. Г. СПб.: Питер, 2006.- 464 с.

[12] Тухлиев И.С., Ҳайитбоев Р., Ибодуллаев Н.Е., Амриддинова Р.С. Туризм асослари: Ўқув қўлланма – С.: СамИСИ, 2010 - 247 б.

[13] Очилов И. Бозор муносабатлари шароитида хизматларнинг турлари ва уларнинг тавсифи. // Хизмат кўрсатиш, сервис ва туризм соҳаларини ривожлантириш: муаммолар ва уларнинг ечимлари. Монография. Т.: “IQTISODIYOT-MOLIYA”, 2008, 37-б.

[14] Пардаев М.Қ. ва бошқалар “Хизматлар соҳаси иқтисодиёти”. Ўқув қўлланма. – Т.: “IQTISOD-MOLIYA”, 2014. -384 б.

номоддий хизмат кўрсатиш соҳаси сифатида ҳар бир истеъмолчи оғирини енгил қиладиган соҳа эканлигини илмий исботлайди.

Б.Б.Мардонов иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзган диссертациясида хизмат кўрсатиш соҳасининг моҳиятини очишда истеъмолчи нуқтаи-назаридан қараш муҳим эканлигини асослаган. Хусусан тадқиқотчининг фикрича: “Хизмат бу иқтисодий категория бўлиб, у истеъмолчи эҳтиёжини қондиришга (оғирини енгил, узоғини яқин, мушкулини осон қилишга) ва уларнинг манфаатларини таъминлашга қаратилган меҳнат фаолиятининг кенг тарқалган туридир”[15] деб таърифлаб истемолчи хизматнинг муҳим буғини эканлигини асослаган.

Юқоридаги олимларнинг фикр-мулоҳазаларидан келиб чиқиб айтиш мумкинки давлат, жамият, корхона ва ташкилотлар ёки якка истеъмолчи бўлишидан қатий назар ўз талаб ва эҳтиёжларини қондириш мақсадида турли кўринишдаги хизматларни истеъмол қилмоқда. Шу сабабли хизматларни истеъмол қилишга қаратилган уларнинг талаб ва эҳтиёжи хизмат кўрсатиш соҳасининг муносиб ривожланишида айнан хизмат кўрсатиш соҳасининг ўзи соҳа ва тармоқларнинг локомотиви эканлигининг яққол далилидир.

Бугунги кунда хизмат турларининг кенгайиши кишилик жамиятида талаб ва эҳтиёжнинг кучли таъсир доирага эга бўлаётганлигини кўрсатади. Хизматлар соҳаси инсон тамаддуни тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ ҳолда ривожланди. Иқтисодчи олимлар томонидан хизмат кўрсатиш соҳасининг мазмун моҳиятини очишга уриниш назарий-мантиқий аҳамияти ҳусусида кўплаб илмий-фикр мулоҳазалар билдирганлар. Аммо, улар эволюцион модел хусусида тўхталишмаган. Шу сабабли бизлар хизмат кўрсатиш соҳасининг эволюцион моделини шакллантирдик.

[15] Мардонов Б.Б. “Хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлигини ошириш” мавзусидаги иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) илмий даражасини олиш учун ёзган диссертацияси Самарқанд 2018 йил 156-бет.

Хизмат (дастлабки ибтидоий шакл)

- Шахсий қорин тўйғазишга уриниш
- Ўзини ўзи ҳимоя қилиш
- Овчилик (якка манфаат учун)
- Расм чизиш, турли қуроллар ясашнинг дастлабки шакллари
- Ўзини-ўзи даволаш
- бошқалар

Хизмат кўрсатиш

- Қорин тўйғазиш учун жамоавий мақсад учун бирлашиш
- Ёлланма жангчилар, овчилар, уй хизматкорлари
- ўзи ёки бошқа бировнинг талабига кўра расм чизиш, рассомчилик қилиш шу кабилар
- Манфаат учун ёлланма фаолиятнинг барча кўринишлари
- Таълим бериш, табиблик қилиш
- Бошқа бировлар учун қурол ясаш, кийим тикиш, уй қуриш ва шу кабилар

Хизмат кўрсатиш соҳаси

- Таълим соҳаси
- Соғлиқни сақлаш соҳаси
- Туризм соҳаси
- Банк, молия ва суғурта хизматлари соҳаси
- Транспорт хизматлари соҳаси
- Алоқа хизматлари соҳаси
- Коммунал ва маиший соҳа
- Маъданий мультимедиа, аудио-видео телевидения, дастурий таъминот

Рақамли хизматлар

- Таълим соҳасидаги онлайн дарслар, электрон дарсликлар, электрон журналлар, махсус педагогик воситалар ва бошқа шу кабилар
- Соғлиқни сақлаш соҳасидаги касалликни аниқлашда фойдаланиладиган барча махсус апаратлар, онлайн маслаҳатлар, мослаштирилган web-дастурлар ва бошқалар
- Сайёҳлик, дам олиш, сафар қилиш учун маълумотларни тақдим этадиган дастурий таъминотлар
- Мобил қурилмалар, банкомат, электрон дастурий воситалар ва электрон пуллар шу кабилар
- Интернет, алоқа линиялари, роутер, кабеллар, тўлқин тарқатувчи қурилмалар ва шу кабилар
- Броузер, web-сайт, махсус порталлар, электрон ҳукумат, мўлжалланган дастурлар

1.1.1-расм. Хизмат кўрсатиш соҳасининг эволюцион модели[16]

[16] Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

1.1.1-расмдаги моделдан кўриниб турибдики хизмат даставвал ибтидоий жамоа даврида шаклланган бўлиб, шахснинг ўзига-ўзи томонидан амалга оширилган. Хизматнинг бу даврдаги шакли шахсий қорин тўйғазишга уринишдаги мақсад, ўзини ён атрофдаги ҳавф-хатарлардан ҳимоя қилиш, шахсий манфаът учун ов қилиш, ўзини ҳимоя қилиш мақсадида ёки ўзи учун ов қуроллари ясаш, ўзини-ўзи даволаш, турли қоятошларга расм чизиш каби шаклларида хизматнинг дастлабки белгилари намоён бўлган. Кейинчалик оила қуриш қабилаларнинг кенгайиши, манфаатлар тўқнашуви, турли мақсадларни кўзлаган ҳолда, ёрдамчи кучларга эҳтиёж сезилди. Бу эса айнан хизмат кўрсатиш шакли яралишига олиб келди. хизмат кўрсатиш эса хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланишига замин яратди. Шу сабабли таълим соҳаси, соғлиқни сақлаш, туризм каби турли хизмат кўрсатиш соҳаларининг ихтисослашуви янги босқични бошлаб берди.

Ҳозирги кунда 1.1.1-расмда келтирилганидек рақамли хизматлар иқтисодиётнинг барча соҳаларини қамраб олиш даражаси юқорилигини билдиради. Бу эса хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг асосий секторларидан бири эканлигидан далолат беради.

Иқтисодиётнинг турли даврларда сайқалланиши кишилик жамиятидаги иқтисодий эволюция натижаси демакдир. Шу сабабли кишилик жамиятидаги иқтисодий эволюция натижасида хизматлар соҳасининг иқтисодиётда муҳим секторлардан бири бўлишига олиб келди. Унинг ҳолати қолган секторларнинг ривожланишига боғлиқ ва муносиб ҳолда шаклланди. Хизматлар соҳаси дунё иқтисодиётининг асосий таркибий қисмига айланди. Шу сабабли хизматлар соҳасининг иқтисодий моҳиятини англашда ривожланиш цивилизациясини учта катта босқичга бўлиб кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Ушбу босқичлар аграр жамият, индустриал ва постиндустриал жамиятлардир.

Аграр жамиятда (қулдорчилик, феодал формациялар ва капиталистик ривожланишнинг дастлабки босқичлари) саноат умуман ривожланмаган, қишлоқ хўжалигига қараганда кам одамларни иш билан таъминлар эди. Ўша даврларда хизматлар соҳасида асосий ўринни уй хизматкорлари эгаллаган.

Америкалик машҳур иқтисодчи Джон Гэлбрейт ушбу даврдаги хизмат хусусиятларини қуйидагича таърифлайди: «Индустриалдан олдинги даврда қишлоқ хўжалигидан ташқари иқтисодиёт фаолият билан шуғулланувчиларнинг кўпчилик қисми бир инсоннинг иккинчисига шахсий хизмат қилишига қаратилган. Бундай фаолиятга овқат пишириш, таълим бериш, инсонни ташқи хавфдан ҳимоя қилиш, ва бошқа бир қатор хизматлар киради. Хизмат кўрсатувчи инсон (фақат дин вакилидан ташқари) хизматлар истеъмолчисидан бевосита боғлиқ бўлган. қулларча хизмат кўрсатиш ўз ўзидан хизматнинг таркиби ҳисобланган. Астойдил хизматкорга йўналтирилган мақтовлар унинг паст ижтимоий ҳолатини алоҳида кўрсатарди»[17].

Постиндустриал жамият назариясининг асосчиси Даниэл Белл ушбу ижтимоий тизимни қуйидагича таърифлайди: «Паст меҳнат унумдорлиги ва аҳоли сонининг кўплиги банд бўлмаганлар сониниг ошишини асослайди, улар қишлоқ хўжалиги ва уй хизматлари соҳасига тақсимланади. «Шу сабабли хизмат соҳасида банд бўлганларнинг кўпчилик қисми шахсий хизматлар билан шуғулланишганлар. Кўпинча хизматкорлар фақат қорин тўйғазиш учун ҳам меҳнат қилишганлар, уйдаги иш арзон ва кенг тарқалган. Англияда викториан даврининг ўрталарида хизматкорлар синфи энг кўпчиликни ташкил этган»[18].

Хизматкорларни у ёки бу жиҳатдан таъминланган кишилар сақлашганлар. Шу сабабли инсонларнинг жуда катта қатлами ёки синфи вужудга келдики, улар профессионал даражада уй хизматкорлари функцияларини бажара бошладилар, айрим ҳолларда кўпчилик авлодлар давомида ушбу синфда ўзига хос ҳаёт тарзи, урф-одатлар, анъаналар шаклланди.

Индустриал, яъни ривожланган капиталистик ва социалистик жамиятда саноатнинг ривожланиши уй хизматкорлари сонининг кескин камайишига олиб келди. Ушбу даврда иқтисодиётнинг бош вазифаси бўлиб оммавий товар ишлаб чиқариш бўлган фабрика туридаги ишлаб чиқариш яъни ижтимоий

[17] Гелбрейт Д.К. Экономические теории и цели общества / пер. с англ. М: Прогресс 1979. с 87-88.
[18] Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество. Опыт социалного прогнозирования / пер. с англ. М: Academia 1999 с 169.

муҳитни шакллантирди, унга кўра жуда кўп сонли ёлланма ишчиларнинг бир ёки бир неча хўжайинларга тўлиқ бўйсинишини тақазо этди. Ишлаб чиқаришни механизациялаштириш ва синфий кураш аста секинлик билан шунга олиб келдики, фабрика ишчиларининг иш ҳақи шахсий хизматлар учун тўловлардан юқори бўла бошлади.

Индустриал жамиятда хизматлар соҳасининг ривожланиши қуйидаги икки йўналиш бўйича амалга ошди:

Биринчидан, уй хўжалигидаги юмушларнинг аксар қисми аёллар зиммасига ўтади. 1.1.2-расмдаги социологик тадқиқот шуни кўрсатадики, кунлик меҳнат бозорида ишловчиларнинг 68 фоизи эркак кишини ташкил этмоқда. Бу эса ҳозирги жамиятда аёл уй хўжалигини юритиш учун эркакка қараганда бир неча баробар кўп вақт сарфлашини англатади. Ўзбекистонда ва бошқа бир қатор мамлакатларда шундай миллий ананалар мустаҳкам ўрин топдики, рўзғор фаолияти бўйича бир қатор қийин ишлар (ювиш, тозалаш, харид қилиш, овқат тайёрлаш ва ҳоказо.) аёллар бажарадиган иш ҳисобланади.



1.1.2-расм. Сўралганларни жинси бўйича таркиби[19].

Иккинчидан, аввалларии оила аъзолари томонидан (масалан деҳқон хўжаликларида) бажариладиган жуда кўп сонли хизматлар кичик фирмалар ва хусусий тадбиркорларга ўта бошлади. Уй меҳнатини енгиллаштирадиган турли хилдаги мосламалар (кир ювиш машиналари, чанг ютгичлар, ошхона комбайнлари ва бошқалар) яратилди, шунингдек уларни таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш билан банд бўлган корхоналар тизими ташкил этилди. Жумладан

[19] **Мардонов Б.Б., Мустафоев Ғ.С.** Кунлик меҳнат бозори ҳолатини ўрганиш ва уни тартибга солиш (социологик сўров натижалари). Рисола. Самарқанд-2020 й.- 48 б.

собиқ иттифоқда якка тартибдаги буюртмалар тайёрловчи, кийим-кечак ва оёқ кийими, маиший техника, кимиёвий ювиш ва ҳоказолар билан шуғулланувчи аҳолига маиший хизмат кўрсатиш билан банд бўлган жуда кўп сонли корхона ва ташкилотлар фаолият юритган. Давлат раҳбариятининг фикрига кўра уй ошхоналари тизими ва оммавий овқатланиш корхоналари оилани кўпчилик маиший ташвишлардан озод қилиши лозим эди. Таълим ва соғлиқни сақлаш бўйича бепул хизматлар ривожлана бошлади, сайёхлик, айрим ахборот хизматлари, маданият ва санъат муассасаларининг хизматлари ривожлана бошлади. Саноат ва қишлоқ хўжалигининг фаолият юритишини таъминловчи (техникани таъмирлаш ва унга хизмат кўрсатиш, юкларни ташиш, иқтисодий ва техник тавсифга эга бўлган, маълумотларни тақдим этиш) ишлаб чиқариш тавсифига эга бўлган хизматлар кенг тарқала бошлади.

Хизматлар секторининг кенгайиши ҳам капиталистик ҳам социалистик давлатлар иқтисодиётида вужудга кела бошлади. Ушбу ижтимоий - сиёсий тизимлардаги хизмат фаолияти характеридаги фарқ асосан шундан иборат эдики, социалистик давлатларда бепул хизматлар кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар сони кўп бўлса, капиталистик давлатларда пулликлари кўп эди. Яъни кўпчилик ҳолларда улар конкрет истеъмолчининг чўнтагидан эмас, балки давлат бюджетидан тўлана бошланди. Ундан ташқари собиқ иттифоқда хизмат фаолияти соҳаси қариб тўлиқ давлат томонидан монополлаштирилганди (хусусий тадбиркорлик қонун томонидан тақиқланганди). Капиталистик давлатларда эса фойдани олишга мўлжалланган пуллик тижорат хизматлари кенг тарқалганди. Натижада капиталистик давлатларда аҳолининг кам таъминланган қатламлари учун хизматлар қиммат ҳисобланган, лекин хизматлар сифати ва хилма хиллиги билан социализм шароитидагилардан анча устун турган. Унинг асосий сабаби турли хилдаги хизмат фирмалари ўртасидаги кучли рақобатнинг мавжудлиги ҳисобланган. Хизмат фаолиятининг хусусияти шундайки, у билан асосан хусусий шахслар, кичик фирмалар ёки йирик корхоналарнинг ихтисослаштирилган махсус бўлинмалари шуғулланишадилар. Шу сабабли социализмда хусусий

тадбиркорликни тақиқлаш хизмат соҳасини ривожлантиришга тўсқинлик қилди.

Постиндустриал жамият саноати ривожланган давлатларда XX аср иккинчи ярмидан бошлаб шакллана бошланди. Унда фаолиятнинг асосий тури бўлиб товар ишлаб чиқариш эмас, балки ахборотни қайта ишлаш ва хизматлар кўрсатиш ҳисобланади. Шу сабабли цивилизациянинг постиндустриал ривожланиш босқичи «ахборот жамияти» ва «хизматлар иқтисодиёти» деб номланади. Д. Белл 1999 йилда қуйидагича таъриф беради: "авваламбор бу хизматларга асосланган жамиятдир". Бугунги кунга келиб қўшма Штатларда 70% дан зиёд ишчи кучи хизмат кўрсатиш соҳасида банд[20]. Хизматлар ҳар қандай жамиятда муҳим рол ўйнайди. Аграр жамиятда шароитларида бу асосан уй ва шахсий хизматлар бўлган. Индустриал жамиятда хизматлар-бу ишлаб чиқаришга нисбатан ёрдамчи фаолият: коммунал хизматлар, транспорт, молия соҳаси, кўчмас мулкни бошқариш ҳисобланган.

Постиндустриал жамиятда хизматларнинг янги турлари кенг тарқала бошланди. Булар гуманитар-таълим, соғлиқни сақлаш, ижтимоий хизматлар ва профессионал хизматлар, тахлил ва режалаштириш, дизайн, дастурлаштириш ва шу кабилар. Иқтисодиёт классикларининг тасаввурларида (марксизмни қўшган ҳолда) хизматлар ноишлаб чиқариш фаолияти деб ҳисобланган, чунки бойликлар товарлар билан ассоциациялашганди, сартарошлар, официантлар, адвокатлар миллий бойликни кўпайтирмас эди. Албатта, таълим ва соғлиқни сақлаш инсонлар имкониятларини оширади ва аҳолининг саломатлиги мустаҳкамланишига имконият яратади, профессионал хизматлар эса, корхона ва жамият унумдорлигининг ошишини таъминлайди. Постиндустриал жамиятнинг ривожланиши шуни талаб қиладики, имкони борича кўпроқ инсонлар олий маълумотга эга бўлишлари, абстракт-концептуал фикрлаш тажрибасига эга бўлишлари ва техник, харфли-рақамли услубларни эгаллашлари лозим».

[20] Fiscal year 2014 APPENDIX Bedget of the U.S. GOVERNMENT 751-pp.

Ривожланган ғарб давлатлари мисолида постиндустриал жамиятнинг шаклланишини кузатиш мумкин. (Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, постиндустриал жамият ҳали ҳам шаклланиш босқичидадир.). Индустриал жамиятдан постиндустриал жамиятга ўтиш ўз ичига хизмат фаолиятини ривожлантиришнинг қуйидаги уч давомий босқичини олади.

1. Саноатнинг ривожланиши транспорт хизматлари ва умуман товар харакати билан боғлиқ хизматларнинг кенг тарқалишига олиб келади;

2. Неъматларни оммавий истеъмол қилиш шароитида тақсимот соҳасининг ўсиши бошланади (улгуржи ва чакана савдо), молиявий хизматлар, кўчмас мулк билан операциялар, суғурталаш;

3. Овқатланиш учун сарфланадиган оилавий даромад ҳиссаси камаяди. Бўшаган маблағларни аҳоли дастлаб узоқ фойдаланиладиган товарларни харид қилишга (кийим-кечак, автомобиллар) ва кўчмас мулкка, кейинчалик эса қимматбаҳо товарлар харид қилишга ва дам олишга сарфлайди. Шу тариқа шахсий хизматлар кенгаяди. Улар жумласига ресторанлар, меҳмонхоналар, автомобил устахоналари, саёҳат, дам олиш ва спорт индустрияси кабилар киради. Хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий соҳасилари бўлмиш соғлиқни сақлаш, таълим, туризм ва шу кабиларга кескин қизиқиш кучаяди. Буларнинг барчаси хизматларнинг янги турларининг шаклланиши ва ривожланишига олиб келади.

XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, саноати ривожланган давлатларда ижтимоий, тақсимот ва маиший хизмат соҳаларида банд бўлганлар сони ортиб борди. XXI аср бошларида ишлаб чиқарувчиларга хизматлар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаси билан боғлиқ хизматлар тез суръатлар билан ўсди.

Ҳозирги кунда Ўзбекистон саноати ривожланган давлатлардан энг муҳим иқтисодий кўрсаткичлар ҳисобланган жон бошига тўғри келадиган миллий даромад, иш ҳақи миқдори, меҳнат унумдорлиги, ишлаб чиқариш самарадорлиги кабилар бўйича бироз ортда қолмоқда. Бир томондан бу қолганларга қараганда хизматлар иқтисодиёти ва постиндустриал жамиятнинг барча хизматлар секторини кечроқ ташкил этилишини кўрсатсада, иккинчи

томондан бизда қолган давлатлар тажрибасига суянган ҳолда хизмат фаолиятини мақсадли йўналтирилган ҳолда ривожлантириш имконияти вужудга келади.

Хозирги пайтга келиб товар ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш мамлакат тадбиркорлик салоҳиятига боғлиқ. Мамлакат тадбиркорлик салоҳиятини ошириш бевосита янги истеъмол қувватини аниқлашга асосланади. Кам ресурслар талаб этадиган хизматлар соҳаси бизнинг мамлакатимиз учун ҳам айни муҳим масаладир. Бунинг учун хизматлар соҳасини инновацион ривожлантириш уни ҳар томонлама мукаммаллаштириш, иқтисодиётдаги ўрнини сезиларли даражада оширишда инновацияни қўллаш муҳим аҳамият касб этади. Бундай инновацияларни рақамли иқтисодиёт орқали амалга ошириш янги турдаги хизматлар яратилишига ва талабнинг тез қондирилишига олиб келади.

Хизмат кўрсатиш маълум даврларда турли холатларда намоён бўлади. Инсоният олами томонидан эҳтиёжнинг талабга таъсири ўзгариши, ишлаб чиқариш, саноат тармоқларининг ривожланиши янги турдаги талаб пайдо бўлишига олиб келди. Бу эса хизматлар соҳасини ҳам четлаб ўтмади. Инновацион юқори самарадорликка эга бўлган техника - технологиялардан барча тармоқлар ва соҳаларда ёппасига фойдаланиш макроиқтисодиёт даражасида ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол фазаларида ресурсларнинг ортиқча сарф бўлишининг олдини олишга кўмаклашди. Юқори технологияларнинг бундай кўмаги рақамли хизматлар шаклида намоён бўлди. Айнан рақамли хизматлар қишлоқ жойларида хизмат кўрсатишни ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Рақамли хизматлар назарияси тўлалигича ҳали шаклланмаган аммо кўпчилик иқтисодчилар томонидан илмий адабиётларда уларнинг назарий қарашларини учратиш мумкин. Масалан, “Постиндустриал иқтисодиёт” (Д.Белл), “Ахборотлашган иқтисодиёт” (О.Тоффлер), “Мегаиқтисодиёт” (В.Кувалдин), “Ахборот ва алоқага асосланган иқтисодиёт” (И.Ниинилуто), “Техноиқтисодиёт ёки рақамли иқтисодиёт” (Б.Гейтс), “Билимларга

асосланган иқтисодиёт” (Д.Тапскотт)[21] каби илмий қарашларини илгари суришган.

Рақамли хизматлар – бу ишлаб чиқариш, тақсимлаш, айрибошлаш ва истеъмол қилиш жараёнида электрон ахборот-коммуникацион технологиялари ёрдамида чекланган ресурслардан оптимал фойдаланишга инсоннинг яшаш ва хўжалик фаолиятини яхшилашга кўмаклашадиган хизмат кўрсатишнинг замонавий шаклидир[22].

Ўзбекистон Республикасида рақамли хизматлар ривожланишига асосий қадам бўлиб 2015 йил 9 декабрдаги “Электрон ҳукумат” тўғрисидаги ЎРҚ-395-сон қонуни[23] қабул қилинганлигини айтишимиз мумкин. Унгача “Электрон рақамли имзо”, “Ахборотлаштириш тўғрисида”, “Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида”ги, қонунлари рақамли хизматларнинг ривожланишига асосий пойдевор вазифасини бажарди. Бу эса мамлакатда иқтисодий муҳитни яхшилаш, динамик фаолиятни ошириш учун хизмат қилди.

Рақамли хизматларнинг асосий қулайликларидан бири мамлакатнинг чекка қишлоқ жойлари ҳудудларигача хизмат имкониятининг мавжудлиги бўлиб, бундай рақамли хизматлар қуйидаги воситалар орқали амалга оширилади (1.1.3-расм):

[21] С.С. Гулямов, Р.Ҳ. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 8 бет.
[22] Муаллиф томонидан берилган таъриф
[23] «Халқ сўзи» газетасининг 2015 йил 10 декабрдаги 237 (6420)-сони.



1.1.3-расм. Рақамли хизматларни шакллантирувчи асосий воситалар[24]

Муфассал айтганда рақамли хизматлар бугунги инсоният тараққиётининг ажралмас қисмига айланган ва айланиб бормоқда.

[24] Муаллифнинг илмий тадқиқотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

1.2.§ Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш босқичлари

Ўзбекистон хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожланишига мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб катта эътибор берди. Шу кунга қадар хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиши бир қанча босқични ташкил этди. Чунки, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини ривожлантириш аҳоли фаровонлиги ва иш билан бандлик масалаларининг ҳал бўлишини таъминловчи муҳим омилдир. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ислоҳотлар учун эмас, балки инсонларнинг муносиб турмуш шароити ва ҳаётини яхшилашга, турмуш сифатини оширишга, уларнинг турли хилдаги талабларини қондиришга қаратилган.

Мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳатларнинг провард мақсадлари, бу энг аввало, инсон учун муносиб турмуш шароитларини яратишдир. Бу эса хизмат кўрсатиш соҳасини янада ривожлантиришни талаб қилади.

Қишлоқ аҳолиси учун хизмат кўрсатишни таъминлашнинг бирқанча тармоқ масалаларини аниқлаштириш юқори аҳамият касб этади. Хусусан қишлоқ аҳолисининг қариши ва камайиши, қишлоқ жойларда хизматлар соҳасининг ҳолати жамоат транспорти воситаларининг мавжудлиги, янги ахборотни тақдим этиш ва коммуникация технологиялари, таълим ва тарбия учун етарли ва сифатли ресурслар, соғлиқни сақлаш ва инновацион ёндашувларга эҳтиёжлар борлиги шулар жумласидандир. Шу мақсадда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатишни таъминлаш усулларини аниқлаш даркор.

АҚШлик социолог ва постиндустриал жамият назарияси асосчиси Даниел Белл таъкидлаганидек, иқтисодий соҳада асосан, ишлаб чиқаришни саноатнинг ривожланишидан тортиб, дунёнинг кўпгина мамлакатларида иқтисодиётни таркибий қайта қуришга олиб келадиган хизматлар ишлаб чиқаришга ўтишдан иборат[25] эканлигини такидлайди.

[25] Белл Д. Грядущее постиндустриальное общество: опыт социального прогнозирования / Пер. с англ; Под ред. В.Л. Иноземцева. М.: Academia, 1993

Мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиш жараёнини қуйидаги босқичларга бўлиш мумкин:

Биринчи босқич Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишининг 2006 йилгача бўлган давр;

Иккинчи босқич Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш даври;

Учинчи босқич Ўзбекистон Республикасида 2010-2016 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини барқарор ривожлантириш даври;

Тўртинчи босқич Ўзбекистон Республикасида 2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ва мувозанатлашган тарзда ривожлантириш даври.

Ҳар бир босқич хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Айниқса уни кетма-кетлик шаклида амалга оширилиши бозор иқтисодиётига ўтишнинг «Ўзбек модели» тамойилларига амал қилинганлигидан далолат беради. Чунки иқтисодиётни янгиланиши ижтимоий ларзаларсиз кечмайди. Шунинг учун ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини босқичма-босқич ривожланиши мақкадга мувофиқ саналади. Хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишининг дастлабки босқичи Республикамиз Биринчи Президенти И.Каримовнинг мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишланган маърузаси асосида шаклланди. Унда хизмат кўрсатиш соҳаси аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш даражасини оширишда ҳар доим устувор вазифаларидан бўлиб қолишига алоҳида эътибор берилган.



Манба: Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қумитасининг маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тузилди.

1.2.1-расм. Ўзбекистон Республикасида хизматлар соҳасининг 1990-2006 йиллар динамикаси.

1.2.1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики хизматлар соҳасининг ўзгариш динамикаси 1990 йилда 1,3 фоизни ташкил этган бўлса 2006 йилга келиб эса 39,5 фоизни ўсишга эришган. 2006 йилни 1990 йилга таққослайдиган бўлсак 38 баробар фарқ билан ўсган. Давлатимиз мустақилликни қўлга киритган илк кунлардан бошлаб иқтисодиётнинг барча соҳаларида таркибий ўзгаришларни амалга ошира бошлади. Ўз навбатида бу давр - хизматлар соҳасининг барча турлари ислоҳ этилишига, хизмат турларининг янги шакли ривожланишига замин яратди.

Иккинчи босқич Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида шаклланган. Унда хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликнинг фаоллигини янада кучайтириш, хизмат кўрсатиш соҳасини 2010 йилда ЯИМдаги улушини 49,0 фоизга етказиш, аҳоли бандлигини 1,6 мартага кўпайтириш, қишлоқ жойларда хизмат ва сервис соҳасини жадал ривожлантириш, шунингдек, мамлакатда анъанавий хизмат турларини ривожлантириш, унутилаётган хизмат турларини тиклаш, хизматларнинг янги истиқболли турларини ривожлантириш каби йўналишлар назарда тутилиб, изчилик билан амалга оширилиб келинди.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2006 йил 17 апрелдаги ПҚ 325-сонли “Ўзбекистон Республикасида 2006-2010 йилларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлатиришни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори ушбу соҳага, ундаги субъектлар самарадорлигини оширишга қаратилган тадқиқотлар олиб боришни, соҳа тараққиётининг концептуал йўналишларини белгилади.

Қарорда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари этиб қўйидагилар белгиланган:

- хизматлар кўрсатиш соҳасида тадбиркорларнинг фаоллигини кучайтириш учун шарт-шароит яратиш ва шу асосда 2010 йилгача хизматларни ялпи ички маҳсулотдаги улушини 49 %га етказиш;

- 2006-2010 йилларда хизматлар кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сонини 1,6 марта кўпайтириш;

- қишлоқ жойларида истиқомат қилаётган аҳолига кўрсатилаётган хизматлар, биринчи навбатда, коммунал-маиший, уй-жойларни таъмирлаш ва қуриш, сувдан фойдаланиш, ветеринария, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини тайёрлаш ва машина-трактор парклари соҳасидаги хизматлар ҳажми ва турларини янада ошириб бориш;

- анъанавий хизмат турлари билан бир қаторда янги истиқболли – юридик, консалтинг, банк, молия, суғурта, лизинг ва баҳолаш хизмат турларини жадал ривожлантириш;

- мамлакатимиз корхоналарининг халқаро бозордаги хизматлари даражаси ва сифатини ошириш ҳамда шу асосда хизматлар экспортини кўпайтириш;

- хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳасида ишлайдиган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш.

Биринчи Президентимизнинг ушбу қарорига асосан аҳолига, айниқса, қишлоқ аҳолисига, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги ҳузуридаги аҳоли бандлигини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан шу соҳа билан шуғулланадиган тадбиркорлик субектларига имтиёзли кредитлар ажратиш ва шу асосда аҳолининг бандлик даражасини ошириш вазифаси ҳам юклатилган эди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 21 майдаги 640-сонли «Ўзбекистон Республикасида 2010 йилгача бўлган даврда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантиришни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Давлат дастурининг қабул қилиниши ва амалга оширилиши катта аҳамиятга эга бўлди. Унда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижасида мамлакатимизда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаси барқарор юқори суръатларда ривожланиб борди (1.2.1-жадвал).

Шахсий автомобиллар, маиший ускуналар сонининг ортиши уларга сервис хизмати кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича хизматларнинг кескин ошишига олиб келди. Алоқа (айниқса, уяли алоқа) ва ахборотлаштириш хизматларини кўрсатиш ҳажми кескин ўсмоқда. Молия хизматлари, транспорт хизматларининг ўсишида барқарорлик кузатилди.

1.2.1-жадвал

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий фаолият турлари бўйича ҳажми *(миллиард сўм)*

№ Т/Р	Хизмат турлари	Йиллар			2012 йил 2010 йилга нисбатан ўзгариши
		2010	2011	2012	
1	Жами хизматлар	126,6	121,3	116,7	92,1
2	Савдо ва умумий овқатланиш	132,5	126,8	121,8	91,9
3	Транспорт хизматлари	121,1	112,7	110,4	91,1
4	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари	151,5	140,1	121,6	80,2
5	Молия хизматлари	123,8	132,2	124,7	100,7
6	Туристик-сайёҳлик хизматлари	122,3	126,2	130,4	106,6
7	Меҳмонхона хизматлари	133,5	122,5	112,3	84,1
8	Коммунал хизматлар	109,3	108,4	101,1	92,4
9	Маиший хизматлар	128,0	129	122,6	95,7
10	Автомобиллар ва бошқа техникани таъмирлаш хизматлари	138,7	139,2	130,2	93,8
11	Бошқа хизматлар	142,5	130,6	128,6	90,2

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қумитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Аммо, аҳолига хизматлар кўрсатиш соҳасини ривожлантириш борасида фойдаланилмаган имкониятлар мавжудки, бу ҳол уларни ишга солиш, айниқса, қишлоқ жойларида хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш заруриятини янада кучайтирган.

Масалан, Республикамиз бўйича ўртача ҳар 100 минг кишига деярли 40 та йирик маиший хизмат корхонаси тўғри келса, бу кўрсаткич шаҳар жойларида 64 тани, қишлоқ жойларида эса 26 тани ташкил этади. 2008 йил натижаларига кўра қишлоқ аҳолисига кўрсатилган хизматлар ҳажми жами аҳолига кўрсатилган хизматларнинг бор-йўғи 26,8 фоизини ташкил этган. Шу сабабли

қишлоқ жойларида хизматлар соҳаси устувор ривожлантириш долзарб вазифа эканлигина кўрсатган.

Шунинг натижасида хизматлар соҳасининг мамлакат ялпи ички маҳсулотидаги улуши 2007 йилда 42,5 фоизга, 2008 йилда 45,3 фоизга, 2009 йилда 47,3 фоизга, 2010 йилда 49 фоизга, 2012 йилда 54,6 фоизга етганлиги иқтисодиётда рўй бераётган ижобий тенденцияларнинг далилидир. Аммо бугунги кунда ривожланган мамлакатларда бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотда 60-70 фоизни ташкил қилади.[26] Демак, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси бошқа тармоқларга нисбатан тез ривожланиши зарур. Шунингдек, хизмат кўрсатиш соҳаси ривожи халқимиз фаровонлигининг ошишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 — 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 17 апрель, ПҚ-1957-сон қарори қабул қилинди. Ушбу қарорда назарда чора тадбирлар асосида қишлоқ жойларда жами хизматларнинг ўртача ўсиш истиқболи +1,9 пунктни ташкил этди (1.2.2 – жадвал). Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари асосида қишлоқ жойларида оптик толали интернет кабелларини ўтказиш, телефон линияларини тортиш, масофавий таълим, қишлоқ почта хизматлари ва бошқа хизмат турлари ривожланди. Қишлоқ жойларида пластик карточкалар асосида нақд пулсиз тўловлар тизимини янада ривожлантириш қишлоқ жойларда 35,6 минг тўлов терминаллари ўрнатилиши (ҳар йили 8,9 минг) ва қишлоқ аҳолиси орасидан мижоз — пластик карточкалар эгалари сонининг 1328 минг пластик карточкага (332 минг) кўпайиши туфайли янги хизмат терминаллари ўрнатилди[27].

[26] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қумитаси маълумотлари

[27] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 — 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 17 апрель, ПҚ-1957-сон қарори

1.2.2 – жадвал

Ўзбекистон Республикасида 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш бўйича хизмат турлари[28]

№ т/р	Хизмат турлари	Хизмат кўрсатиш суръатлари (ўтган йилга нисбатан) ўзгариши				2016 йил 2012 йилга нисбатан (+;-).
		Йиллар				
		2013	2014	2015	2016	
	Хизматлар, жами	**114,7**	**115,1**	**115,7**	**116,1**	**+1,8**
1.	Алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари (жумладан, mobil алоқа хизматлари, Internet тармоғидан фойдаланиш, телевизион кабел алоқаси, почта ва телекоммуникациялар)	118,5	118,8	119,3	119,7	+ 2,0
2.	Компютер дастурлаш хизматлари (шу жумладан электрон таълим ва консалтинг хизматлари)	114,9	115,4	115,8	116,2	+1,8
3.	Молиявий хизматлар (банк, суғурта, лизинг ва бошқалар).	114,5	115,1	115,8	115,9	+1,8
4.	Транспорт хизматлари (жумладан, логистика хизматлари)	116,6	117,0	117,2	117,6	+1,9
6.	Қурилиш хизматлари (шу жумладан биноларни қуриш ва таъмирлаш ҳамда инжиниринг ускуналарини ўрнатиш бўйича хизматлар)	116,7	117,0	117,5	117,9	+1,9
7.	Қишлоқ хўжалиги техникаларини таъмирлаш ва техник хизмат кўрсатиш бўйича хизматлар	110,7	111,3	112,2	112,7	+1,6
8.	Туристик хизматлар (шу жумладан меҳмонхона хизматлари)	118,0	118,3	118,9	119,6	+2,0
9.	Савдо ва умумий овқатланиш хизматлари	118,4	118,8	119,0	119,1	+2,0
10.	Маиший хизмат	115,7	116,2	116,9	117,4	+1,9
11.	Таълим хизматлари	110,6	111,5	112,0	112,6	+1,6
12.	Соғлиқни сақлаш хизматлари	115,0	115,3	115,8	116,1	+1,8
13.	Қишлоқ хўжалиги хизматлари	103,9	104,0	104,5	105,0	+1,2
14.	Бошқа хизматлар	110,9	111,2	112,3	113,0	+1,6

Бу маълумотлардан кўриниб турибдики, хизмат кўрсатиш соҳаси умуман олганда ўсиш тенденсиясига эга. Мазкур қарорда кўрилган чора–тадбирлар ва уларга берилган имтиёзлар келажакда ушбу соҳанинг жадал ривожланишини таъминлаш билан бирга, хизматлар сифатининг ошишига, унинг халқаро андозалар даражасидаги ҳолатининг шаклланишига олиб келади.

[28] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2013 — 2016 йилларда Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада жадал ривожлантириш юзасидан қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги 2013 йил 17 апрель, ПҚ-1957-сон қарорининг биринчи иловаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Хизмат кўрсатиш соҳасига эътибор фақат мазкур қарор билан чегараланиб қолган эмас. Бунга муттасил эътибор берилиб келинган. Чунки, мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришнинг ҳозирги ва яқин келажакдаги устувор вазифаларидан бири хизмат соҳасини ривожлантиришдан иборатлиги белгилаб қўйилди.

Ўзбекистонда хизмат кўрсатиш соҳаларини рағбатлантирилиши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг ҳал қилувчи стратегик омилларидан бири хисобланади. Хукуматимиз томонидан чиқарилган бир қатор қарорлар натижасида бошланган кичик корхоналар ташкил этиш ва уни рағбаталантириш жараёни кейинги йилларда иқтисодиётимизда мухим ўзгаришларга олиб келди.

Хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари умуман олганда, мамлакат бўйича иқтисодий фаол корхоналарнинг асосий қисмини ташкил этади. Бунда айнан кичик оилавий корхоналар катта муваффақият билан ажралиб туради. Шуни таъкидлаш керакки, бундай вазият Ўзбекистон учун анъанавий ҳисобланади ва буни ҳунармандчиликка бориб тақалувчи моддий хизматлар яратувчи тадбиркорликнинг тарихий шаклларида кузатиш мумкин.

Бизнинг назаримизда Республикамизда хизматлар соҳаси тадбиркорлик субектлари жаҳон стандартлари талабларига мувофиқ ўзининг махаллий характерига ҳам эга. Ушбу соҳада яратилаётган моддий хизматларнинг асосий қисми, қўл меҳнати ёки меҳнат жараёнининг бироз механизациялашуви натижасида яратилмоқда. Кейинги йилларда меҳнат бозорида юқори технологиялар базасида турли хил ахборот хизматларининг пайдо бўлиши ҳам бу борадаги ишларни енгиллаштиришга сабаб бўлди.

Бу кўринишдаги тадбиркорлик фаолиятининг қулайлиги ва афзаллиги шундаки, уни ташкил этишнинг осонлиги ва ихчамлиги, ишчи кучи ва меҳнат ресурсларининг оиладан етишиб чиқиши, аниқ мижозлар талаби учун махсулот ишлаб чиқариши, маҳаллий хом ашёлардан кенг фойдаланилиши ҳамда товар ва хизматларни сотиш эса маҳаллий бозорларда амалга оширилади.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, айнан кўп сонли корхоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳаларини қамраб олади. Бундай турдаги корхоналар аҳолига кўрсатилаётган моддий ва номоддий хизмат турларини ташкил этади. Моддий хизматларга, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа, маиший хизмат ва уй-жой комунал хўжалиги киради. Ушбу корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар инсонни турли хил моддий эҳтиёжларини қондиришни таъминлайди.

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг учинчи босқичи республикада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишининг 2012-2016 йилларга мўлжалланган бўлиб, у Давлат дастури асосида шаклланди. Унда хизматларнинг 2-3 баробарга ошириш назарда тутилган. Шунингдек, шаҳар ва қишлоқ аҳоли пунктлари ҳудудларининг қурилишини режалаштиришда тасдиқланган меъёрлардан келиб чиққан ҳолда минтақалар аҳолисига турли ижтимоий ва коммунал – маиший хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш масалалари кўзда тутилган[29].

Хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг тўртинчи босқичи 2016-2020 йилларга мўлжалланган бўлиб, у Давлат дастури асосида шаклланди. Унда хизматлар соҳаси корхоналари фаолиятини балансли ривожлантириш ва диверсификациялашни таъминлаш, улар кўрсатадиган хизматларнинг рақобатбардошлигини ва сифатини ошириш, хизматлар соҳасини ривожлантиришга тижорат банклари томонидан бериладиган кредитларнинг ҳажмларини кўпайтириш эътибор қаратилган[30].

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралда “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сонли Қарори қабул қилинди. Мазкур Қарорга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 29 июндаги 219-сонли Қарорига мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

[29] Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-1754-сонли қарори.10.05.2012 й.
[30]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги 55-сонли қарори. 26.02.2016 й.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорида 2016-2020 йилларда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги устувор йўналишлар ва вазифалар этиб қуйидагилар белгиланган.

Биринчидан, хизматлар соҳасини ривожлантириш ҳисобига ялпи ички маҳсулотни кўпайтириш, унинг республика иқтисодиётидаги улушини 2020 йилга бориб 48,7 фоизгача етказиш белгиланган (1.2.3-жадвал).

1.2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида хизмат кўрсатиш соҳасининг истиқболда ўсиб бориши[31]

№	Кўрсаткичлар	2016 йил	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил	2020 йилда 2016 йилга нисбатан ўзгариши фоизда, (+;-)
1	Хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши	47,1	47,8	48,2	48,5	48,7	+1.6
2	Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиши, %	111,2	111,6	112,2	112,8	113,3	+2,1
3	Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиши, %	111,4	111,8	112,3	112,9	113,4	+2,0

Иккинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасини 2020 йилга бориб қишлоқ жойларда +2,1 бараварга ўстириш ҳам кўзда тутилган. Бу қишлоқ жойларда хизматларни кўпайтириш масаласига алоҳида аҳамият берилаётганлигидан далолатдир (1.2.3-жадвал).

Чунки ҳозирги пайтда хизматлар асосан шаҳарларда ривожланган бир паллада қишлоқ жойларда ҳам ушбу масалага етарлича аҳамият берилиб, унинг ривожланишини тўлиқ таъминлашга катта аҳамият қаратилади. Зеро, қишлоқ аҳолисининг яшаш даражаси ва сифатини ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантирмасдан туриб амалга ошириб бўлмайди.

Учинчидан, соҳада рақобат ва тадбиркорлик муҳитини шакллантириш, ҳамда бир вақтнинг ўзида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

[31] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2016 йил 26 февралда тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги 55-сонли Қарорининг 1-2-иловалари маълумотлари.

субъектларини ривожлантиришга кўмаклашиш масаласи ҳам параллел қўйилган. Зеро хизмат кўрсатиш соҳаси асосан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик эвазига шаклланиб ривож топмоқда. Мазкур хизматларнинг ўсиши билан бир қанча муаммоларнинг ҳал қилинишига эришиш мумкин. Жумладан, мамлакатимизда янги иш ўринлари яратилиши билан бирга бандлик муаммоси ҳал қилинади, ишлаб чиқариш жараёнининг хизматларга бўлган эҳтиёжи қондирилади, пировардида аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати оширилади.

Айни вақтда мамлакатимиз босиб ўтган тараққиёт йўлининг чуқур таҳлили, бугунги кунда жаҳон бозори конъюнктураси кескин ўзгариб, глобаллашув шароитида рақобат тобора кучайиб бораётгани давлатимизни янада барқарор ва жадал суръатлар билан ривожлантириш учун мутлақо янгича ёндашув ҳамда тамойилларни ишлаб чиқиш ва рўёбга чиқаришни тақозо этмоқда.

Олиб борилаётган ислоҳотлар самарасини янада ошириш, давлат ва жамиятнинг ҳар томонлама ва жадал ривожланиши учун шарт-шароитлар яратиш, мамлакатимизни модернизация қилиш ҳамда ҳаётнинг барча соҳаларини либераллаштириш бўйича устувор йўналишларни амалга ошириш мақсадида, аҳоли ва тадбиркорларни ўйлантираётган долзарб масалаларни ҳар томонлама ўрганиш, амалдаги қонунчилик, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва илғор хорижий тажрибани таҳлил қилиш, шунингдек кенг жамоатчилик муҳокамаси натижасида ишлаб чиқилган 2017- 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси қабул қилинди. Ушбу стратегия аслида жамиятнинг барча жабҳаларида тизимли ислоҳотлар учун “йўл харитаси”га айланди. Ушбу харитада ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш натижаларидан бири бўлди. Бугунги кунда хизмат кўрсатиш соҳаси халқ хўжалигининг муҳим тармоқларидан бири ҳисобланади. Давлат томонидан қўллаб-қувватлаш сиёсатини амалга ошириш, республикада хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришни рағбатлантириш ҳисобига ижобий натижаларга эришилди.

Мамлакатмизда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишининг ушбу тўртала босқичи мамлакатларнинг жумладан, МДҲ мамлакатларини хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш йўналишларидан қуйидаги жихатлари билан фарқ қилади:

Биринчидан, мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишнинг устувор вазифаси сифатида қаралади. Бу, ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектларни ҳам ушбу соҳада хали қилинмаган улкан ишларни амалга ошириш учун имконият яратади.

Иккинчидан, мамлакатда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланиши бўйича қабул қилинаётган давлат дастурлари 4-5 йилга мўлжаллангандир. Бошқа ривожланаётган мамлакатларда эса, жумладан, Россия Федерацияси, Латвия Республикаси каби мамлакатларда соҳани ривожланиши бўйича давлат дастурлари 10-15 йилни назарда тутади.

“Ўзбекистон Республикасида 2013-2016 йилларда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш 2013 йил 17 апрел ПҚ-1957-сон дастури” да бу соҳанинг асосий йўналишларини белгилаб берди.

Ушбу қарор қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасининг республикамизда янада қисқа муддат ичида жадал суръатлар билан ривожланишига туртки бўлди.

Ҳозирги кунда қишлоқ жойларда хизматлар соҳасининг ривожланиши истеъмолчиларнинг якка тартибдаги эҳтиёжларини қондиришга кўпроқ эътибор қарата бошлади. Чунки бундай йўл тутишига уларни соҳада вужудга келаётган рақобат муҳити мажбур қилмоқда. Рақобат ўз навбатида хизматлар сифатига қаттиқ талаблар қўяди. Лекин бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатувчи корхоналар ўртасидаги рақобат муҳити мамлакатимиз бозор конъюктурасига мувофиқ равишда энди шаклланиб бормоқда.

Ўзбекистоннинг қишлоқ худудларида хизмат кўрсатиш фаолиятларини ривожлантириш ва такомиллаштириш, хизматларга янги харидорларни топиш, аҳолининг қишлоқ жойларидаги талабини аниқлаш, таъминлаш мақсадида

хизматларнинг ассортиментини тааллуқли нархларда шакллантириш ва табақалаштириш учун қўшимча дастак бўлиши зарурдир.

Қишлоқ жойларда хизматлар соҳаси қоида тариқасида, функционал аҳамиятга эга бўлган барча кўринишдаги хизмат кўрсатиш фаолият турлари тушунилади ва ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш шароитида қишлоқ аҳолисига хизмат кўрсатиш ҳамда реализация қилиш жараёнларини тушуниш мумкин.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг 1000 дан ортиқ тури мавжуд. Аммо Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойлари ўзига хос хусусиятларга эга. Шу нуқтаи назардан қаралганда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасининг баъзи – бир турларини ривожлантириш мумкин. Масалан, маиший хизмат кўрсатиш, агро сервис, агроконсалтинг, агротуризм, агролаборатория хизматлари ва бошқалар.

Тадқиқотимиз қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш учун қуйидаги жиҳатларга эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб топди:

- аҳоли даромадлари.
- урф – одатлари (анъаналари).
- ҳудудлар ихтисослашуви.
- табиий иқлими.
- табиий хом ашё ресурсларининг мавжудлиги ва миқдори.
- инвестиция қуйилмалари миқдори.
- тадбиркорларнинг муайян фаолият турига ихтисослашуви шу жумладан савдо ва умумий овқатланиш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, туризм ва бошқалар.

Аҳоли даромадлари – қишлоқ жойлардаги аҳоли даромадлари хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишига таъсир этади. Қишлоқларда аҳолининг реал даромадлари ошган сари товар ва хизматларга бўлган талаби ҳам ошади. Қишлоқ аҳолиси даромадлари билан шаҳар аҳолиси даромадлари ўртасида анча тафовут мавжуд. Шаҳар аҳолиси даромадлари қишлоқ аҳолисининг

даромадларидан 3-4 мартага зиёд. Шаҳар аҳолисининг хизматлардан фойдаланиш даражаси қишлоқ аҳолисининг хизматлардан фойдаланиш даражасидан 3-4 баравобарга ортиқ. Шу сабабли ҳам шаҳарларда хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг турлари жадал суръатларда ривожланади. Қишлоқ аҳолисининг даромадлари паст бўлишига сабаб аҳолининг мавсумий ишларда ишлаши, натурал шаклда иш ҳаққи олиши, тадбиркорлик субъектларининг паст иш ҳақи тўлаши кабилар сабаб бўлмоқда.

Урф – одат (анъана) лар – мамлакатимиз қишлоқ жойлари тузилиши нуқтаи назардан урф – одат (анъана) лари бир биридан фарқ қилади. Ўзбек ҳалқи миллатининг асрлар давомида ташкил топишида иштирок этган эллат ва қабилаларнинг маъданий малакалари урф – одат (анъана) лари мураккаб жараёнлар оқибатида ташкил топган. Мамлакат қишлоқ жойларининг урф – одат (анъана) лари кўпчилиги оилавий хаётга боғлиқ холда боланинг туғилишидан тортиб (бешик тўйи, хатна тўйи, фотиҳа тўйи) қиз узатишда ҳам ўз аксини топади. Умум ҳалқ байрам (наврўз) кунларида уларнинг урф – одат (анъана) лари бўйича кийиниши (тўн, яктак, белбоғ, дуппи, куйлак) ранг баранглиги, этик дўзлик, каштачилик, тақачилик, темирчилик, зардўзлик кабиларда касблар ихтисослашувини ҳам ўзида акс этган. Ушбу урф одатлари қишлоқ аҳолисини муайян хизматлар билан шуғулланишига ундайди.

Ҳудудлар ихтисослашуви – қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзи, қишлоқ хўжалигидаги ишлаб чиқаришнинг унга мослиги ҳамда бошқа тармоқ ислоҳотларининг унга мутаносиб келиши, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳалари, аҳоли демографик таркиби жойлашуви, бирор касбга ихтисослашуви ҳамда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини белгиловчи меҳнат фаолияти хизматларнинг баъзи турларини ривожланишига сабаб бўлади.

Табиий иқлими – мамлакатимиз қишлоқ жойлари жойлашуви табиий иқлими ранг баранг бўлиб, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда қўл келади. Масалан, тоғ олди қишлоқ жойларида саёҳат туризми хизматларини йўлга қўйиш учун қул келса минтақанинг бошқа

ҳудудларида мос равишда агросервис, савдо хизматлари, маиший хизматлар ва бошқа шу кабиларни ривожлантириш учун кўпроқ мос тушади.

Табиий хом ашё ресурсларининг мавжудлиги ва миқдори – қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларини ривожлантиришда юқори аҳамият касб этади. Масалан, ресурсларга сарф қилинаётган муомала харажатлари тежалади, хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳалари яралишига хизмат қилади.

Инвестиция қуйилмалари миқдори – қишлоқ иқтисодиётига киритилаётган инвестициялар ҳажмининг ортиши қишлоқларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Инвестициялар замонавий тараққиётни кафолатловчи восита сифатида номоддий кўринишда (билим, ақлий салоҳият, ноу – хау, илмий фаолият ва бошқалар) ҳудуд салоҳияти ортишига хизмат қилса моддий кўринишдаги инвестициялар (технологиялар) ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатишнинг бошқа турларини ҳаракатга келтиришга хизмат қилади.

Тадбиркорларнинг муайян фаолият турига ихтисослашуви – қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаларини муносиб жойлашуви ушбу соҳаларни ривожланишини кафолатлайди. Бунда қишлоқ аҳолисининг сони, урф – одат (анъана)лари, табиий иқлими, қазилма бойликларидаги имкониятларига мослашган тадбиркорлик фаолияти ихтисослашган эканлигини билдиради.

Хизматлар соҳаси нафақат эҳтиёжларни қондиришда, балки аҳоли эҳтиёжлари шаклланишини мақсадга йўналтирилган ҳолда, уларнинг бўш вақтларини тежаш учун имконият яратади. Мамлакатимизда бозор муносабатларининг ҳозирги ривожланиш шароитида қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш фаолияти билан боғлиқ бўлган кичик корхоналарнинг кенг миқёсда ривожланиши тадбиркорлик мухитига ижобий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотлар иқтисодиётнинг барча соҳаларини шу жумладан қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга замин яратади. Хизмат кўрсатиш соҳасини мамлакатимиз

ички имкониятларидан келиб чиқиб, ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш долзарблигини кўсатади. Хусусан қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини ривожлантириш, аҳоли бандлигини ошириш йўлларини тадқиқ этишда ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар мавжуд.

Шу билан бирга, мазкур тармоқни ривожлантиришдаги жиддий камчиликларни таъкидлаш жоиз, хусусан, бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий буджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш ва сервис имкониятларидан кам фойдаланилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, қишлоқ жойларида суст ривожланмоқда, бу ерда катта капитал маблағ талаб қилмайдиган ва хусусий тадбиркорлик учун жозибадор бўлган кўпгина анъанавий хизмат турлари етарли даражада ривожланмаяпди ва қишлоқ аҳолисининг улардан фойдаланиш имкониятлари пастлигича қолмоқда. Маҳаллий ҳокимият органлари раҳбарларининг бу муҳим тармоққа керакли даражада эътибор бермаяпти. Бунинг натижасида хизмат кўрсатиш соҳасининг ялпи ички маҳсулотдаги улуши ҳозирча бозор мезонларига мос келмаяпти ва уни дунёнинг ривожланган мамлакатларида бу соҳада эришилган кўрсаткичларга таққослаб бўлмайди.

Шунга қарамасдан хизматлар бозорида юқори талабнинг вужудга келиши оқибатида, хизматларни ривожлантиришга ундовчи механизмни харакатга келтирмоқда. Бу эса, хизматлар бозори таркиби ва хизматларнинг янги истиқболли турлари сифатида — банк-молия, суғурта, ахборот-коммуникация, маиший хизматлар ва бошқаларни ривожлантириш ҳисобига такомиллашиб бормоқда. Аммо, кўплаб аҳолига кўрсатиладиган хизмат турларига қишлоқ жойлардаги эҳтиёж юқорилигича қолмоқда. Уларнинг ривожланиш даражаси шаҳарларда кўрсатилаётган хизматлар кўлами ва сифатидан кескин фарқ қилади.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, қишлоқ жойларда банк хизматларига жуда катта эҳтиёж бор, лекин аҳоли хориждан юборилган пул жўнатмаларини олиш учун шаҳар ҳудудида жойлашган банк хизматларига мурожат қилишга

мажбур бўлмоқда. Бу эса ўз навбатида аҳолидан шаҳарга келиб-кетиш ҳаражатларини, ортиқча вақт юқотилишини ва шунингдек бир қанча ноқулайликларни келтириб чиқаради. Бугунги кунда оилаларни мураккаб маиший техника, компютерлар ва шахсий автотранспорт билан таъминлашнинг кескин ошиши уларга кўрсатилаётган хизматларнинг кенгайишига олиб келди. Аммо, бу хизматлар соҳасида ҳам қишлоқ жойларда ривожланиши кўнгилдагидек деб бўлмайди. Ҳар бир оилаларнинг маиший техника билан таъминланиш даражаси юқорилигини инобатга оладиган бўлсак ушбу приборларда носозликлар келиб чиққан тақдирда ёки носоз маиший техникани созлаш учун таъмирлаш устахоналари етишмайди. Истеъмолчилар томонидан ҳозирги кунда ҳарид қилинаётган маиший техниканинг замонавий брендлар Артел, Самсунг, Роисон ва ҳоказо каби фирмаларнинг товарларини сотиб олганда, товарларга сервис хизмати кўрсатиш 3-5 йил муддатга бепуллиги кафолатланган. Аммо, уларнинг ҳам, сервис марказлари фақатгина шаҳар ҳудудида жойлашган, бу эса қишлоқ жойларда истеъқомат қилувчи фуқаролар ҳарид қилган ва носозликка учраган маиший техника приборларини юклаб олиб келишда юқорида айтганимиздек ҳаражат ва вақт билан боғлиқ бўлган талабни юзага келтирмоқда. Шу сабабли қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш бўйича олиб борилаётган ишларни янада жадаллаштириш қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантирувчи асосий унсур бу – тадбиркорликдир.

Қишлоқ жойлардаги кичик ва хусусий корхоналарга ресурс таъминотида, маҳсулотни сотишда ва транспорт хизмати кўрсатишда ёрдам берадиган, маҳсулотни сақлаш, қайта ишлаш ва сотишни амалга оширадиган, аҳолига коммунал, маиший, тузатиш-қурилиш хизматлари кўрсатадиган, жамоа, деҳқон хўжаликлари аъзолари, шахсий ёрдамчи хўжаликлар эгаларини ўқитадиган, ахборот таъминоти ва юридик маслаҳат хизматларини кўрсатадиган бизнес марказлар ташкил этилди.

Мамлакат бўйича хизматларнинг бир хил ривожлантириш дастурларининг қабул қилиниши ортиқча молиявий харажатларни юзага

келтириши мумкин. Агарда ҳукумат хизматлар соҳасини ривожлантиришда ҳар бир вилоят, туман ва шаҳарлар кесимида алоҳида-алоҳида ривожлантириш стратегиясини қўлласа молиявий қуйилмаларнинг аниқлик даражаси ортади ва ўз навбатида ортиқча харажатларнинг олди олинади.

Қишлоқ жойларда хизматларни ривожлантириш ва сифатини оширишда фуқаролар ва корхоналар чекка ҳудудларда жойлашган деб билиши керак баъзи харажатларни (масалан, масофавий хизматларга транспорт, элтув) ёки шунга ўхшаш харажатларни ўз зиммаларига олишни қабул қилиши керак. Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатишнинг инновацияга асосланган воситаларни баъзи ечим сифатида таклиф қилиши мумкин. Давлат ўзининг инвестициялари бўйича қарорлар қабул қилган тенглик ва самарадорлик ўртасидаги ўзаро муносабатларга мураккаб ва сиёсий жиҳатдан нозик масала сифатида қишлоқ жойларда хизматларни ривожлантирувчи локомотивларни аниқлаши талаб этилади. Хизматларни етказиб бериш учун замонавий стратегияларни ўз ичига олиши қишлоқ ва шаҳар тафовутини аниқлаб тармоқлар бўйича мувофиқлаштириш, мобил хизмат кўрсатиш шахобчалари ва хизмат кўрсатиш сифатини оширишга ахборот коммуникацион технологияларданн фойдаланиш орқали шахар ва қишлоқ тафовутини қисқартириш керак.

Қишлоқ жойларида кенг тармоқли катта имкониятларга эга бўлган янги, керакли давлат фарқи сифатида олдинга сурилади, чунки қишлоқ жойларда тарихий жиҳатдан иқтисодий асосланган далиллар шуни кўрсатадики, шаҳарлар, қишлоқлар, ўқув ва инновацион жараёнларни қўллаб-қувватлаш учун рақобатбардош устунликнинг асосий манбаи ҳисобланади. Қишлоқ жойларидаги инновациялар анъанавий фаолиятни янги усулда жорий қилиш, янги иш жойларини яратиш ҳукумат ва фуқаролар қандай муносабатда бўлиши ҳақидаги қарашини ўзгартиришни тақозо этади.

Шу сабабли у миллий иқтисодиётнинг бошқа тармоқларидан, айтайлик, саноат, қурилиш кабилардан ўзига хос жиҳатлари билан кескин фарқ қилади, ва шу билан бир қаторда аҳоли эҳтиёжларини қондиришда ўзининг алоҳида

ўрни бор. Ушбу тафовутлар қишлоқ жойларда хизматлар кўрсатиш ва ишлаб чиқариш сифатидаги даромадларнинг шаклланиши ҳамда тақсимланиши механизмларида мазмуни ва хусусиятларида ўзининг ифодасини топади.

1.3.§ Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасининг аҳоли бандлиги муаммоларини бартараф этишдаги вазифалари

Қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланиш аҳолининг иш билан бандлик даражасини ошириш кўплаб мамлакатлар қатори бизнинг мамлакатимизда ҳам долзарб вазифа саналади.

Жаҳон банки ҳисоботларидаги иш билан банд дунё аҳолисининг алоҳида мезонлар бўйича таҳлили – бандларнинг 61 фоизи норасмий бандлардан иборатлиги, 52 фоизигина меҳнатига ҳақ тўланувчи бандлар эканлиги, 26 фоиз бандлар аҳолининг ўта ва ўртача қашшоқ қисмини ташкил этиши тўғрисидаги маълумотлар меҳнат бозоридаги бандлик ҳолатини ўрганиш ва таҳлил этиш асосида уни тартибга солиш ҳамда бошқариш жараёнларида бандликнинг замонавий хусусиятларини етарли даражада ҳисобга олиш лозимлигини кўрсатмоқда[32].

Муносиб иш ўринларини яратиш, қишлоқ жойларида истеъқомад қилаётган доимий аҳоли фаровонлигини ошириш мамлакатимизнинг асосий вазифасидир. Чунки, қишлоқ жойларда яшаётган доимий аҳоли сони Республика доимий аҳоли сонига нисбатан деярли 50 фоизини ташкил этмоқда. (1.3.1 – жадвал) бу эса мамлакатнинг ижтимоий – иқтисодий ривожланишида қишлоқ жойлари муҳим ўринга эга эканлигидан далолат беради.

Аксарият қишлоқ жойларида даромад ва иш жойининг йўқлиги, ернинг йўқ бўлиб кетиши ва ердан воз кечиш, шунингдек, табиий ресурслардан нооқилона фойдаланиш иқтисодий ҳаётнинг тубдан йўқолишига, ҳаёт

[32] World Employment and Social Outlook: Trends 2019. International Labour Office – Geneva: ILO, 2019. pp. 5-6.

сифатининг пастлигига, кам ишлов бериладиган ерларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

1.3.1 – жадвал

Ўзбекистон Республикаси 2010-2020 йилларда доимий аҳоли сони тўғрисида маълумот *(минг киши)*

Йиллар	Ўзбекистон Республикаси			Самарқанд вилояти		
	Жами	*шундан:* қишлоқ		Жами	*шундан:* қишлоқ	
		сони	*улуши*		*сони*	*Улуши*
2010	28 001,4	13 575,5	48,4	3119,0	1958,6	62,7
2011	29 123,4	14 226,0	48,8	3270,8	2068,2	63,2
2012	29 555,4	14 412,2	48,7	3326,2	2025,0	60,8
2013	29 993,5	14 623,4	48,7	3380,9	2068,2	61,1
2014	30 492,8	14 937,6	48,9	3445,6	2120,8	61,5
2015	31 022,5	15 274,5	49,2	3514,8	2177,8	61,9
2016	31 575,3	15 611,4	49,4	3583,9	2228,6	62,1
2017	32 120,5	15 869,7	49,4	3651,7	2278,9	62,4
2018	32 656,7	16 124,0	49,3	3720,1	2329,3	62,6
2019	33 255,5	16 448,8	49,4	3798,9	2384,2	62,7
2020	33905,2	16 761,1	49,4	3877,4	2439,1	62,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

М.Д.Махсудов ўзининг илмий мақоласида бозор муносабатлари шароитида ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқариш бозор механизмига мос ҳолда амалга оширилиши, ер тоифалари ва ер турлари туман, минтақа, вилоятлар худудида тарқоқ ва ўзаро турли нисбатларда тақсимланиши, бундай шароитда ер ресурсларидан фойдаланиш ва бошқаришнинг тармоқлар ва тармоқ ичидаги ер тақсимоти масалаларини хал этишда маъмурий-худудий хусусиятларини инобатга олиш муҳим саналади[33]. – деб таъкидлайди.

Бизнинг назаримизда қишлоқ аҳолисининг бандлигини оширишда унумли даромад манба яратилиши, ер ресурсларидан самарали фойдаланиш қишлоқ

[33] “Янги Ўзбекистон иқтисодиётининг макроиқтисодий барқарорлигини таъминлаш: муаммолар, таҳлиллар ва натижалар” 2020 йил 30 апрель 568-бет.

жойлар учун мавжуд ресурс бўлиб юқори натижа беради. М.Д.Махсудовнинг илмий хулосасини тўлдириб, қишлоқ жойларида аҳолининг мавжуд томорқа хўжалиги, ер ресурсининг муҳим омил эканлигини кўрсатади.

Қишлоқ жойларини иқтисодий диверсификациялашни қўллаб-қувватлаш дастури қишлоқ жойларида иқтисодий диверсификация ва табиий ресурслардан барқарор фойдаланишни қўллаб-қувватлаш учун қишлоқ жойларининг имкониятлари етарли эмаслигидир.

Бундай ҳолларда қишлоқ жойларини ривожлантириш сиёсати ва воситаларини уйғунлаштириш ва мослаштириш учун асосий рағбатлантириш механизмини тўғри танлаш зарур.

Бундай механизмларга танланган қиймат занжири ва қишлоқ жойлари минтақаларига мос барқарор бизнес моделлари ишлаб чиқиш юқори аҳамият касб этади. Хусусан, қишлоқ хўжалиги ва қишлоқ маҳсулотларини ишлаб чиқиш ва сотиш, маҳаллий ҳунармандчилик, пазандачилик анъаналари ва барқарор туризм, хизмат кўрсатиш турлари, шунингдек, юқоридаги тузилмаларни инновацион ривожлантиришнинг замонавий ва ягона йўли илм-маърифат ҳисобланиб, у орқали қишлоқ жойларини рақамлаштириш ишлари қишлоқ инфра тузилмасининг ривожланишига муҳим ҳисса қўшади.

Х.Риндерманн, М.Сейлер ва Ж.Томпсонлар ўзларининг илмий тадқиқотларида ижтимоий тараққиётнинг омилларига эътибор қаратган. Хусусан улар, ақл ва билимга асосланган омилни алоҳида тадқиқ этишган. Уларнинг хулосасига кўра, халқнинг (IQ, intelligence quotient – интеллект даражаси) интеллект даражаси коэффициенти бир пунктга ошиши ЯИМнинг киши бошига 229 АҚШ долларга, энг юқори интеллект эгаларининг 5 фоизи доирасида эса 468 АҚШ долларга ортишини асослаб берганлар[34].

Бу шундан далолат берадики, ҳар қандай ривожланиш мақсадига илм-маърифат, ақлий қобилият орқали эришилса натижанинг самарадорлик кўрсатгичи юқори бўлишидан далолатдир. Х.Риндерманн, М.Сейлер ва

[34] Rindermann H., Sailer M., Thompson J. The impact of smart fractions, cognitive ability of politiciansand average competence of peoples on social development//Talent Development & Excellence, 2009. - №1(1). - pp.3-25.

Ж.Томпсонларнинг илмий хулосалари замонавий талқинга кўра долзарб аҳамият касб этади.

Ҳар қандай иқтисодиётга хос бўлган умумий ва азалий зиддият мавжуд. Бу ресурсларнинг чекланганлиги ва аҳоли эхтиёжларининг чексизлигидир. Ҳар доим иқтисодчи олимларни ушбу икки умумиқтисодий котегориялар ўртасидаги муаммо ташвишга солган. Илмий тадқиқот ишларида ушбу муаммонинг ечимини инновацион ғоялар ёрдамида ҳал этиш мумкинлиги тўғрисида фикрлар кўп учрайди. Инновацион ғояларни яратувчиси бу инсон омили. Бежизга инсон омилини мамлакат иқтисодиётини юксалтиришда бошқа ишлаб чиқариш омилларига нисбатан кўпроқ самара берадиган ва белгиланган мақсад ва марраларга тезроқ эришиш имконини яратадиган бош омил деб таъриф бермаган. Бизлар монографиямизда иқтисодиёт учун азалий муаммонинг ечимини топишга ҳаракат қилдик. Биз ҳам иқтисодчи олимлар қаторидан ушбу муаммонинг ечимини ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги ходимларнинг меҳнат салоҳиятидан самарали фойдаланилмаётганлиги билан асосламоқчимиз. Иқтисодий адабиётларда меҳнат салоҳияти ҳақида турли мазмундаги фикрлар мавжуд. Уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтмоқчимиз.

Профессор Б.М.Генкин меҳнат салоҳиятига соғлиқни сақлаш, ахлоқ ва жамоада ишлаш қобилияти, ижодкорлик, фаолият, ташкилот ва талабчанлик, таълим, касбий маҳорат ва иш вақти ресурсларини меҳнат салоҳиятининг таркибий қисмлари сифатида номлайди[35].

Профессор Н.И.Шаталова меҳнат салоҳиятига инсон омили билан боғлаб, инсон омилининг аниқ тарзда намоён бўлишидир деб таърифлайди[36]. Шу орқали олима меҳнат салоҳиятининг асосий категорияси инсон эканлигини асослаб, эркак ва аёлларнинг меҳнат салоҳиятини ҳам баҳолайди.

С.Г.Ермолаева ўзининг “Рынок труда” номли ўқув қўлланмасида Меҳнат салоҳияти – бу умуман жамият каби шахснинг ҳам, ходимларнинг ҳам турли

[35] Генкин Б. М. Экономика и социология труда. М., 2001. – 467 с (67-бет)
[36] Шаталова Н.И. Трудовой потенциал работника. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2003. – 409 с. (66-бет)

гуруҳларининг ҳам барча меҳнат имкониятларининг умумийлигидир[37] деб тарифлайди ва алоҳида гуруҳларга бўлади.

К.В.Воденко, С.И.Самыгин, Ю.Ю.Волков, О.С.Иванченко, Е.Г.Некрасова, Д.И.Кудряцев каби олимлар ўзларининг "Экономика и социология труда" номли дарслигида юқоридаги олима С.Г.Ермолаеванинг назарий қарашларига яқин ўзларининг илмий қарашларини илгари суришади. Уларнинг фикрича: меҳнат салоҳияти – бу меҳнат ресурсларининг умумий ишлаш қобилияти, унинг динамизмини доимий, ривожланаётган, кўп қиррали жараён сифатида ўлчаш ва сифатининг умумлаштирувчи характеристикаси бўлиб, у ҳали ҳаётнинг тегишли соҳаларида намоён бўлмаган яширин имкониятлар ёки қобилиятларни ифодалайди[38] деб таъкидлашади. Уларнинг фикрича меҳнат салоҳиятини тўлароқ англашда жамият, корхона ва тармоқлар шунингдек ҳар бир шахс бўйича алоҳида ёндашиш меҳнат салоҳиятини тўғри баҳолашга хизмат қилишини гуруҳларга бўлиб асослашга ҳаракат қилишади.

Мамлакатимиз олимларидан Академик, Қ.Х.Абдураҳмонов "Меҳнат иқтисодиёти" номли дарслигида "Меҳнат потенциали - бу муайян бир жамиятда меҳнат фаоллигига эга аҳоли демографик, ижтимоий ва маънавий хусусиятларининг жамланмаси бўлиб, ана шу потенциалнинг ушбу жамиятда мавжуд бўлган меҳнат муносабатларига жалб қилинганлигини ёки жалб қилиниши мумкинлигини англатади"[39] деб таърифлайди.

Юқорида номлари зикр этилган иқтисодчи олимларнинг меҳнат салоҳияти бўйича билдирилган фикрлари эътирофга лойиқ. Улар меҳнат салоҳиятини умум иқтисодий категория сифатида қарашган. Гарчанг меҳнат ресурслари миқдори ва унинг сифатини жамият тараққиётининг барча босқичларида муҳим роль ўйнасада, аммо постиндустриал жамиятда унинг аҳамияти янада ортади. Шу сабабли иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларида

[37] Рынок труда : учебное пособие / С.Г. Ермолаева.— Екатеринбург : Изд-во Урал. ун-та, 2015.— 108 с. (9–бет)
[38] Воденко К.В, Самыгин С.И, Волков Ю.Ю, Иванченко О.С, Некрасова Е.Г, Кудряцев Д.И. / Экономика и социология труда: Учебник / под ред. Воденко К.В. – 2-е изм. – М.: Издательско-торговая корпорация «Дашков и К»; Ростов н/Д: Наука-Спектр, 2019. – 308 с. (26-бет)
[39] Меҳнат иқтисодиёти: Назария ва амалиёт / Дарслик Қаландар Абдураҳмонов. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. Т.: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси «Фан» нашриёти давлат корхонаси, Т.: 2019.-170 бет.

меҳнат ресурсларининг салоҳиятини алоҳида ўрганиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

1.3.2-жадвал

Ходимларнинг меҳнат салоҳиятини белгиловчи омиллар[40]

№	**Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимининг салоҳиятини белгиловчи омиллар**	**Ишлаб чиқариш соҳаси ходимининг салоҳиятини белгиловчи омиллар**
1	Профессионаллик	Профессионаллик
2	Ижодкорлик	Тезкорлик
3	Шижоатлилик	Жисмоний қобилият
4	Чаққонлик	Чаққонлик
5	Ҳушёрлик	Ҳушёрлик
6	Мулозамат	Тизимлилик
7	Илтифот	-
8	Инноваторлик	-
9	Келишувчанлик	Синчковлик
10	Ташаббускорлик	-
11	Ҳатти-ҳаракати	Ҳатти-ҳаракати
12	Ақл, идрок, интеллект	Ақл, идрок, интеллект

1.3.2-жадвал шундан далолат берадики хизмат кўрсатиш соҳаси ходимининг салоҳиятини белгиловчи омилларда “Ижодкорлик” жуда муҳим фактор ҳисобланади. Масалан, сартарош мижозларнинг соч турмакларини шакллантиришда ҳохиш истакларини инобатга олади ва аста-секин уни амалга оширади. Демак, у ўша вақтдан ижод қилишни бошлайди. Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг “Тезкорлик” хусусияти мижозларга ўз вақтида сифатли хизмат кўрсатишда муҳим роль ўйнайди. Хизмат кўрсатиш соҳасидаги “Тезкорлик” вақт омилига боғлиқ бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари мижозларнинг ҳар бирига алоҳида эътибор бериш орқали “Мулозамат” кўрсатади. Бу омил мижоз ва ходим муносабатининг ёрқин намунаси сифатида гавдаланади. Масалан, такси, умумий овқатланиш ва сартарош хизматларида мижоз ҳохишига кўра мусиқа қўйиш, мижозлар навбат кутиб қолганида чой, кофе кабилар орқали мижоз кўнглини олишда намоён бўлади. Хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари бундай усуллардан унумли фойдаланиши

[40] Жадвал тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган

мижозларнинг ортишига хизмат қилади. Бундай омиллардан яна бири “Илтифот” омилидир. Бунда ходим мижозларнинг ҳохиш-истакларини янада жозибадорлигини оширишга қўшимча муносабатга киришишини назарда тутади. Масалан, сартарошхонада сочини олдирган мижозга атир сепиб қўйиш, химчисткаларда кийим ювиб беришда нархини арзон қилиш, кўпроқ кийим бўлса баъзиларини бепул қилиш, уларни қадоқлаб бериш кабиларни айтиш мумкин. “Инноваторлик” бу омил хизмат кўрсатиш соҳаси ходимининг улкан яширин имкониятларини, иш фаолият билан боғлиқ янгиликларни қўллай олишини назарда тутади. Юқоридаги омилларни тўлдирадиган категориялар сирасига “Ташаббускорлик” омилини ҳам айтишимиз мумкин. Бунда хизмат кўрсатиш соҳаси ходими мижозга муносиб кутилмаган хизматларни таклиф этишида намоён бўлади. Масалан, такси хайдовчиси мижозга йўллар тирбандлигини инобатга олиб тирбанд бўлмаган йўллар орқали белгиланган вақтда мижозни манзилга етказиш кабиларни айтишимиз мумкин.

Ишлаб чиқариш соҳаси ходимининг салоҳиятини белгиловчи омилларда “Профессионаллик” бўлиши зарур. Шу сабабдан икки омилга ҳам уни киритдик. Бу омилга ходимнинг юқори маҳорат имконияти орқали ўзини намоён этишини айтишимиз мумкин. Ишлаб чиқариш соҳаси ходимида “Жисмоний қобилият” омили муҳим факторлардан бири сифатида гавдаланади. Бу омил орқали ишлаб чиқаришда банд ходим кўпроқ жисмоний меҳнат билан вазифаларни бажаради. Масалан, юкларни тушириши ёки ортишини айтишимиз мумкин. Ишлаб чиқариш жараёнини амалга оширишда ходим маълум тартибга келтирилган вазифаларни бажаради. Бундай вазифаларни бажариши “Тизимлилик” омили деб аталади. Бу омил қадоқланаётган товарларни қачон қадоқлаш, аппаратга хом-ашёни қачон қўйиш, ўз вақтида олиш кабиларда намоён бўлади. Ишлаб чиқариш соҳасида банд ходим “Синчковлик” омилида ўзининг салоҳиятини намоён этади. Масалан, ходим товарларни ишлаб чиқариш жараёнида унинг сифатини бузиб қўймаслиги, товар сифатига кутилмаган қандай омиллар таъсир этиши

мумкинлиги, техниканинг тўғри ишлаётганини назорат қилиши кабиларда намоён бўлади. Шу сабабли ишлаб чиқариш соҳасида банд ходимдан синчков бўлиши зарур саналади.

1.3.3-жадвал

Соҳа ходимларининг салоҳиятини оширишга таъсир этувчи омиллар[41]

№	**Омиллар**
1	Иш ҳақи
2	Инвестиция
3	Инновация
4	Таълим сифати
5	Рақобат муҳити
6	Технололгиялар билан таъминланганлик даражаси
7	Корхона раҳбарининг муносабати
9	Жамоа муҳити

1.3.3-жадвалдан кўриниб турибдики ходимларнинг салоҳиятини оширишга ушбу омиллар юқори таъсир этади. Ишчи ҳодимлар доимо ойлик маошлари юқори бўлишини истайди агар уларга юқори иш ҳаққи тўланадиган бўлса ходим иш ўрнини юқотишдан қўрқади ва ўз устида доимо ишлашга интилади.

Ҳозирги кунда қишлоқ жойларини ривожлантириш, қўллаб-қувватлаш, ҳудудларга асосланган ривожланиш ёндашувида илгари белгиланган чора-тадбирларга асосланади. Қўллаб-қувватлаш давлатнинг турли мақсадли дастурлар орқали амалга оширилади, аҳоли ва хусусий секторнинг тегишли манфаатдор томонларига мақсадли инвестицияларни қўллаб-қувватлаш ҳамда молиявий захираларни яхшилаш орқали қишлоқ жойларида хизматлар товар ва маҳсулотларнинг қўшимча қиймат занжирининг ошишига олиб келади. Бу эса қишлоқ аҳолисининг иш билан бандлик даражасига ижобий таъсир этади.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида мамлакатда янги иш ўринларини яратиш, аҳоли реал даромадларини ошириш, меҳнат бозори мутаносиблигини ва инфратузилмаси ривожланишини таъминлаш, ишсизлик даражасини

[41] Жадвал тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган

камайтириш масалаларига жиддий эътибор қаратилган[42]. Давлатнинг ушбу стратегик мақсадлари доирасида “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурларига мувофиқ 400 дан ортиқ қишлоқ ва маҳаллаларда муносиб турмуш шароитларини яхшилаш ва яратишга қаратилган қурилиш ва ободонлаштириш ишларига 3 триллион сўм маблағ йўналтирилди. “Ҳар бир оила – тадбиркор” ва “Yoshlar – kelajagimiz” дастурлари доирасида 2 триллион сўмга яқин маблағ ажратилиб, жойларда 2 минг 600 дан ортиқ бизнес лойиҳалар амалга оширилди[43]. Ҳаракатлар стратегияси ва кўплаб дастурлардаги муҳим вазифаларни амалга ошириш қишлоқ жойларида аҳоли бандлиги муаммоларини ва турмуш шароити кескинлашишига сабаб бўладиган омилларни чуқур таҳлил қилиш, омилларнинг илмий натижаларига асосан қишлоқ жойларидаги аҳоли бандлигини ошириш турмуш шароитини яхшилашга қаратилган илмий йўлларини ишлаб чиқишни тақозо этади. Шу сабабли бизлар илмий тадқиқотларимиз давомида қуйидаги омиллар қишлоқ жойларидаги аҳоли бандлигига ва турмуш шароитига юқори таъсир ўтказганлигини аниқладик:

- Меҳнат ресурслари сони;
- Даромадлар даражаси;
- Иш ҳақи миқдори;
- Инфляция даражаси;
- Аҳоли жон бошига тўғри келадиган томорқа майдони;
- Тадбиркорлик субеъктлари сони;

Юқоридагилардан айримларига тўхталиш мақсадга мувофиқ саналади. Шу сабабли қишлоқ жойларини ривожлантиришда мавжуд меҳнат ресурслари сони, аҳолисининг мавсумий ишларда ишлаши, даромадлар ўртасидаги тафовуд, яшаш шароити, шаҳар жойларига кўчиш каби миграция ортишининг нохуш масалаларини бартаф этишда ҳудудларнинг жойлашувидан келиб

[42] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947- сонли “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси номли Фармони. www.gov.uz сайти.

[43] https://regulation.gov.uz/uz/document/1678 (мурожаат қилинаган сана 22.04.2020 йил, соат 22:06)

чиқиб ривожлантириш вазифаларини тўғри танлашни тақозо этади. Чунки, қишлоқ ва шаҳар жойларида аҳолининг ўсиши меҳнат ресурсларига ҳам ўзининг таъсирини ўтказмоқда. Бугунги кунда меҳнат ресурсларининг ўсиши (1.3.4-жадвал) аҳолига муносиб иш ўринларини яратишни тақозо этади.

1.3.4-жадвал маълумотлари шундан далолат берадики Ўзбекистон Республикасида жами меҳнат ресурслари сони 2018 йилда 18.829,6 минг кишини ташкил этган. 2008 – йилгача қишлоқ жойларида мавжуд меҳнат ресурслари сони шаҳар жойларига нисбатан юқори эканлиги кузатилган. Қишлоқ жойлардаги жами меҳнат ресурслари сони 2009 йилга келиб, жами шаҳар жойларидаги меҳнат ресурслари сони қишлоқ жойларига нисбатан меҳнат ресурсларининг шаҳар жойларига кўчиб келиши, турли урбанизацион сабаблар шаҳар жойларидаги меҳнат ресурсларининг ўсишига олиб келган. Самарқанд вилоятида ҳам ўша йилларда қишлоқ жойларидаги жами меҳнат ресурслари камайган. Самарқанд вилоятида жами меҳнат ресурслари сонининг ўзгариши 2001 – 2020 йиллар кесимида ўртача 1,361.1 минг кишини, шундан қишлоқ жойларида ўртача ўзгариш даражаси 958,2 минг кишини ташкил этган.

Қишлоқ жойлар иқтисодиётини ривожлантиришда асосий эътибор ҳудудларга мос тадбиркорлик ва бизнес муҳитини яратиш орқали инвестиция қуйилмаларини жалб этиш кўламини кенгайтиришга зарурат сезмоқда. Қишлоқ жойларида, шу билан бирга, янги иш ўринлари ташкил этилмоқда, лекин маҳаллий меҳнат кучлари етарли даражада ўша иш ўринларини тўлдириш учун маҳоратга эга эмас. Бу меҳнат бозори муаммолари сифатида майдонга чиқмоқда. Кўплаб янги ташкил этилаётган корхоналар замонавий техника ва технологиялар асосида барпо этилмоқда. Коммунал, интернет, алоқа линиялари ва шу каби бошқа муаммолар корхоналарнинг барқарор ижобий даромад олишларига хавф солмоқда.

1.3.4-жадвал

Меҳнат ресурслари сони тўғрисида маълумот

(2001-2020 йиллар)

минг киши

Йиллар	Ўзбекистон Республикаси			Самарқанд вилояти		
	Жами	*шундан:* қишлоқ		Жами	*шундан:* қишлоқ	
		сони	*Улуши %*		*Сони*	*Улуши %*
2001	12 817,4	7 618,7	59,4	1 341,1	938,2	70,0
2002	13 181,0	7 892,9	59,9	1 387,8	974,5	70,2
2003	13 607,2	8 226,7	60,5	1 439,8	1 026,1	71,3
2004	14 048,8	8 508,3	60,6	1 485,7	1 058,2	71,2
2005	14 453,2	8 785,6	60,8	1 531,6	1 093,5	71,4
2006	14 816,5	8 841,0	59,7	1 576,2	1 091,8	69,3
2007	15 219,6	9 286,1	61,0	1 620,0	1 166,3	72,0
2008	15 685,7	9 623,8	61,4	1 674,0	1 213,0	72,5
2009	16 103,5	7 163,0	44,5	1 732,7	1 028,6	59,4
2010	16 726,0	7 591,9	45,4	1 815,7	1 094,0	60,3
2011	17 286,4	7 978,8	46,2	1 902,6	1 157,0	60,8
2012	17 564,3	8 096,2	46,1	1 943,7	1 133,9	58,3
2013	17 814,1	8 214,6	46,1	1 973,8	1 159,8	58,8
2014	18 048,0	8 366,5	46,4	2 003,8	1 185,1	59,1
2015	18 276,1	8 507,7	46,6	2 033,6	1 206,6	59,3
2016	18 488,9	8 645,6	46,8	2 058,2	1 225,5	59,5
2017	18 666,3	8 716,8	46,7	2 079,6	1 244,6	59,8
2018	18 829,6	8 797,1	46,7	2 103,4	1 261,7	60,0
2019	18949,0	8 965,3	47,3	2 134,4	1 277,4	59,8
2020	19142,3	9 087,5	47,5	2 161,0	1 295,3	59,9

Манба: Ўзбекистон Республикаси статистика Қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Қишлоқ жойларида ишчи кучини ривожлантиришда инвестицион қуйилмаларни амалга ошириш учун қуйидаги вазифаларни ўз ичига олади:

• қишлоқ жойларида мавжуд ва ривожланаётган саноат тармоқларини аниқлаш ва иш ўринларига мослаштириш учун таълим ва ўқув дастурлари;

• иқтисодиётни модернизация ва диверсификациялаш ташаббусларини минтақалар иш базасини кенгайтириш ва иқтисодий мослашувчанликни ошириш;

• тадбиркорлик муҳитини яратиш ва қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли фаровонлиги ва иш ўринлари сифатини яхшилашга қаратилган даромад даражасини ошириш;

• қишлоқ жойларида транспорт, уй-жой хизматлари, таълим, соғлиқни сақлаш, йўл инфратузилмаларини ривлжлантириш;

• кам иш ҳақи тўланадиган соҳаларни аниқлаш орқали аҳоли даромадларидан фойдаланишнинг иқтисодий имкониятларини баҳолаш;

• кадрлар салоҳиятини ошириш орқали, иқтисодий - ижтимоий нотижорат ва хусусий сектор бўйлаб ҳамкорлик, ва жамоа ривожланиш мақсадлари;

1.3.5 – жадвал маълумотлари шундан далолат берадики Ўзбекистон Республикасида тадбиркорлик субъеклари мулк шакли бўйича янги чуққига интилмоқда. Турли мулк шаклларининг вужудга келиши бозор иқтисодиёти механизми амал қилаётганлигидан ва самарали ишлаётганлигидан далолат беради. Қишлоқ жойларда тадбиркорлик субъектларининг ортиши аҳоли бандлигига ижобий таъсир этиб доимий даромад манбаи билан таъминлайди. 1.3.5 – жадвал маълумотларидан кўриш мумкинки келажакда қишлоқ жойларида аҳоли бандлигини таъминлашда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик (171,3 фоиз) ва оилавий корхоналар (227,6 фоиз) тезкорлик билан ўсганлиги аҳоли бандлигини таъминлашда ушбу субеъктларнинг улуши янада ортади.

Қишлоқ жойлари-турли бизнес инфратузилмасини яратиш учун қулай саналади. Аммо, бундай ҳудудларнинг географик – иқтисодий жойлашувидан қатъий назар кўплаб мамлакатлар иқтисодиётига муҳим ҳисса қўшаоладиган тармоқ сифатида эмас балки, қолоқ тармоқ сифатида қарашади. Қишлоқ жойларига нисбатан бундай муносабатда бўлаётган мамлакатлар оқибатда улкан яширин ресурслардан маҳрум бўлишади. Бунинг натижасида нафақат

қишлоқ жойларида балки, мамлакатнинг қолган ҳудудларида ҳам камбағаллик даражаси ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами ортишига олиб келади.

1.3.5-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида фаолият кўрсатаётган тадбиркорлик субъектлари тўғрисида *(2011-2020 йил)*

МАЪЛУМОТ

№	Кўрсатгичлар	Йиллар						2020 йил 2011 йилга нисбатан ўзгариши (фоиз)
		2011	2016	2017	2018	2019	2020	
1	Давлат корхоналари	39011	8744	37997	34967	35926	37345	95,7
2	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик	164052	207104	210594	229666	262930	280965	171,3
3	Оилавий корхона	x	x	8348	11679	15507	19004	227,6
4	Хусусий корхона	x	x	70839	70058	72424	72692	102,6

Манба: Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга Мурожаатномасида мамлакатимизда камбағал аҳоли мавжудлиги тўғрисида биринчи марта расман қайд этилди. Бу эса қишлоқ жойларида камбағаллик даражаси ортмаслиги мақсадида мамлакатнинг олдига кўплаб вазифа ва мажбурият юклади. Бундай вазифа ва мажбуриятларни тўғри танлаш ортидан мамлакат иқтисодиётига ҳам ижобий таъсир этади. Маълумотларга қараганда жаҳондаги жами қашшоқ аҳолининг 70 фоизи ҳам айнан қишлоқ жойларда яшовчи аҳолидир[44]. Ўзбекистонда ҳам камбағал оилалар сонининг аксарияти бизнинг тахминий ҳисобимиз бўйича 60 фоиздан ортиғи қишлоқ жойларига тўғри келади.

Қишлоқ жойларида аҳолининг камбағаллашувига сабаб бўладиган қуйидаги омиллар бор:

[44]https://www.undp.org/content/undp/en/home.html

- шахсий омиллар

- ижтимоий – иқтисодий омиллар

- табиий омиллар

Шахсий – инсоний омиллар – тадбиркорлик қобиляти, меҳнат кашлиги, унинг билими, дангасалик, лоқайдлик, боқимандалик кайфияти.

Ижтимоий-иқтисодий омиллар – таълим сифати, қишлоқ аҳолисининг соғлигини сақлашга қаратилган тиббий хизмат сифатининг пастлиги, кредит фоиз ставкаси, инфлация даражаси, солиқ ставкаси.

Табиий омиллар – об-ҳаво иқлим, ҳудуднинг жўғрофик жойлашуви, ер ресурслари имкониятидан фойдаланишнинг пастлиги (ернинг шўрлик даражаси, унумдорлиги пастлиги, сув танқислиги) ва бошқалар.

Қишлоқ жойларида меҳнат ресурсларидан самарали фойдаланилмай, аҳолининг доимий иш билан банд бўлмаслиги оқибатида қишлоқ жойларида яшовчи аҳолининг камбағаллашишига олиб келади. Кўпинча қишлоқ аҳолисининг ўзида ҳам боқимандалик кайфияти, ишлашни хоҳламаслиги каби омилларни ҳам таъсир этишини айтишимиз мумкин.

Янги технологияларни қўллаш орқали қишлоқ жойларини ўсишига эришиш қишлоқларни ривожлантиришнинг муҳим усулларидан биридир. Аммо бундай сай-ҳаракатнинг қишлоқ аҳолисига таъсири, тегишли муассасаларнинг тузилишига ва рағбатлантиришига боғлиқ. Қишлоқ жойларидаги аҳоли ўзларининг мавжуд томорқаларидан, унумли фойдаланиши юқори ҳосилдорлик маҳсулотлари қўшимча даромад манбаини яратади. Одатда бундай даромад манбаини яратишга қишлоқ аҳолисининг барчасида тенг имконият мавжуд.

Қишлоқ жойларидаги яшовчи доимий аҳоли турмуш шароитига макроиқтисодий ўзгаришлар таъсир қилиши мумкин бўлган омил сифатида бизлар қуйидаги учта омилни келтирдик:

- Турли мавжуд бозорлар сони;
- Мавжуд инфратузилма ҳолати (шу жумладан коммунал ва маиший хизматлар);

•Молиявий муҳит (пул қуйилмалари, суғурталаш).

Турли мавжуд бозорлар сони – Бозорлар сони қишлоқ аҳолиси ўзининг етиштирган маҳсулотларини эркин сотиши ва сотиб олишида рақобатга киришиб товарнинг пул шаклига ўтиши ва шу орқали ушбу бозорларнинг бир нечта муҳим хусусиятлари қишлоқ жойлардаги шароитга таъсир қилиши мумкин:

Мавжуд инфратузилма – бевосита қишлоқ ҳаёти самарадорлигига таъсир этиб, иқтисодий – ижтимоий (транспорт, алоқа, туризм, турли хизматлар, таълим, соғлиқни сақлаш, сув ва санитария) мавжуд инфратузилмаларни ўз ичига олади. Мамлакат қишлоқ жойларидаги инфратузилмасининг кўпгина элементларини ўзи томонидан молиялаштирилганлиги сабабли, харажатлар даражаси, иқтисодий самарадорлик, хизмат кўрсатиш сифати, кам таъминланган қишлоқ аҳолисининг инфратузилма ва коммунал хизматлардан фойдаланиш даражаси инсон капитали ва қишлоқ жойлардаги унумдорликка муҳим таъсир кўрсатади;

Молиявий муҳит – қишлоқ жойларидаги хусусий ва давлат улуши мавжуд бўлган тадбиркорлик фаолияти учун, кутилаётган ва кутилмаган иқтисодий зарбалардан суғурталашни таъминлайди. Бундай таъминланиш тадбиркорлик субеъктларида банд бўлган аҳолининг даромад манбаида юқори аҳамият касб этади. Шунингдек қишлоқ жойларидаги кўп сонли оилалар ичида хорижда ишловчи мигрантлар мавжуд. Улар томонидан амалга оширилаётган шахсий ўтказмалардан унумли фойдаланиш аҳолининг сифатли ва муҳим даромад манбаини яратишга хизмат қилиши мумкин. Ушбу пул ўтказмаларидан қандай фойдаланилганига қараб, аҳолининг шахсий даромадини тўлдиради ёки ўзгартиради. Аммо ушбу каналлар - бозорлар, инфратузилма ва молиявий муҳит қишлоқ жойларидаги барча аҳоли учун бир хил ишламайди, чунки ҳар бир гуруҳ аҳоли иқтисодиётга мутлақо бошқача алоқага эга.

Қишлоқ жойларида макроиқтисодий барқарорлик ва ижтимоий – иқтисодий инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган инвестициялар барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш ва ривожлантириш учун муҳим

талаблар сифатида кенг тан олинган. Бундан ташқари, қишлоқ жойларини ривожлантириш стратегиясининг биринчи талаби қишлоқ маҳсулотларини ишлаб чиқариш ва тақсимлаш тизимида банд бўлган қишлоқ аҳолиси учун қулай муҳит ва ресурсларни тақдим этишдир.

Мамлакат қишлоқ жойларини ривожлантириш стратегиясини тўғри танлаши учун қуйидаги таркибий қисмларни ўз ичига олиши мумкин:

Ахборот йиғиш – Қишлоқ жойларидаги аҳоли турли хил муаммоларга дуч келаётганлиги ва улар бир ҳил гуруҳ эмаслиги. Шу сабабли, улар дуч келган аниқ муаммолар тўғрисида маълумот тўплаш учун доимий ва тизимли ҳаракат қилиш;

Кредит ва молиявий активлар – Мамлакат қишлоқ жойлари аҳолиси ўзини ўзи банд қилиши, ёки даромад манбаига эга бўлиши учун қандай активларга муҳтожлигини баҳолаши керак. Бу қишлоқ жойлардаги ерлардан мақсадли фойдаланиш, соғлиқни сақлаш ва таълимни яхшилаш мақсадидаги кредит турларини кенгайтириш;

Ер ва томорқадан фойдаланиш ҳуқуқи – Ер ислоҳотининг кенг қамровли дастури, шу жумладан ерга эгалик ҳуқуқи, ерни қайта тақсимлаш ва ижарага олиш бўйича адолатли шартномалар қишлоқ жойларини муносиб ривожлантириш учун жуда муҳимдир. Бу кичик томорқа эгалари ва ижарачиларни самаралироқ ишлаб чиқарувчиларга айлантириши ва қишлоқ аҳолиси турмуш даражасини кўтариши мумкин.

Таълим, тиббий хизмат ва саводхонлик – Қишлоқ жойлардаги аҳоли иқтисодиёт ва жамиятга кўпроқ ҳисса қўшиши учун ўзларининг инсоний капиталларини шакллантиришлари ва кучайтиришлари керак. Бунинг учун қишлоқ аҳолиси сифатли тиббий хизматлардан фойдаланишини яхшилаш, замонавий таълим (айниқса болаларнинг саводхонлигини оширишга ва ўқитишга эътибор бериш) зарурий асос бўлиб, мактаблардаги моддий техник базани ошириш орқали унумли фойдаланиш керак.

Туризм инфратузилмани ривожлантириш – Қишлоқ жойлардаги табиат турли йўналишдаги туристик инфратузилмасини ривожлантириш учун қулай

саналади. Бундай туристик йўналишлар қаторига эко – туризм, овчилик туризми, этник туризм, ва шу каби бошқа туристик йўналишларни киргизишимиз мумкин. Умуман олганда қишлоқ жойларида туризмни ривожлантириш аҳоли бандлиги ошишига ва ўзлари учун янги турдаги даромад манбаига эга бўлишларига олиб келса, иккинчи томондан ресурсларни ортиқча истеъмол қилмасдан туриб юқори самарадорликка эришадилар.

Мақсадли кредит – Банклар томонидан кўп ҳолларда давлат ёки тегишли ташкилотларда ишловчиларга кредит тақдим этиш ва улардан шунга тегишли ҳужжатларни сўрайдилар. Оқибатда қишлоқ жойларида ўз томорқасида ишлаб даромад топувчилар ёки чорва билан шуғулланиб даромад топувчилар кредит олишида шунга ўхшаш турли тўсиқларга учрашади. Кўплаб кредит фоизлари қишлоқ аҳолиси учун қимматга тушади. Шартларнинг оғирлиги қишлоқ аҳолиси мақсадли кредитлардан фойдаланмаслигига олиб келади. Бу эса қишлоқ аҳолиси томорқаларидан самарали фойдаланмай хорижга ёки бошқа ҳудудларда фаолиятдан пул топиш мақсадида кетишига олиб келади.

Биринчи боб бўйича хулоса

Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ва аҳоли бандлигини назарий ва амалий тадқиқ этиш натижасида бир қатор хулосалар ва илмий тавсиялар ишлаб чиқилди.

1.Хизмат кўрсатиш соҳаси назарияси кишилик жамиятининг дастлабки босқичидан бошлаб тараққий этишида муҳим аҳамият касб этганлиги унинг ибтидоий жамоа даврига бориб тақалган деган хулосага келинди ва илмий жиҳатдан асосланди.

2.Хизмат, хизмат кўрсатиш, хизмат кўрсатиш соҳаси ва рақамли хизматлар инсонларнинг талаби ўзгариши натижасида сайқалланиши хизмат кўрсатиш соҳасининг янги даврини бошлаб берди. Шу сабабдан назарий тадқиқотлар асосида уларнинг илмий эволюцион модели ишлаб чиқилди ва асосланди.

3.Назарий тадқиқотлар хизмат, хизмат кўрсатиш ва рақамли хизматларга илмий асосланган таърифлар бериш ва назарий таърифлар иқтисодчи олимларнинг хизмат кўрсатиш соҳасидаги илмий тадқиқотларидан назарий хулосага келиш имконини берди.

4.XXI асрда инсонлар ўз ҳохиш истакларини турли электрон қурилмалар ёрдамида қондиришга интила бошлади ва бу ўз-ўзидан тараққиёт меваси сифатида “замонавийлашган” эҳтиёжларни юзага келтирди. Бундай рақамли технологиялар асосида бажарилаётган вазифалар рақамли хизматларни вужудга келтирди деган хулосани берди ва бу илмий жиҳатдан асосланди.

5.Мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳасини ҳукумат томонидан берилаётган эътибор асосида ривожланишини тўртта босқичга бўлиб ўрганиш тўғри деган хулосани берди ва тўртала босқич мамлакатимизда жумладан ривожланиш истиқболлари таҳлиллар асосида асосланди.

6.Қишлоқ жойлари турли бизнес инфратузилмасини яратиш қулай бўлишига қарамасдан аҳолининг аксар кам таъминланган оилалари қишлоқ жойларида яшамоқда. Бунга сабаб турли хизмат кўрсатиш тармоқларининг қониқарли даражада эмаслиги, тадбиркорлар томонидан тўланаётган иш ҳақлари ҳам кам эканлиги, аҳолининг мавсумий ишларда ишлаши сабаб бўлмоқда. Бунинг натижасида қишлоқ жойларида камбағаллик даражаси ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами ортишига олиб келмоқда.

7.Қишлоқ жойларида яшовчи аҳоли қатлами турлича бўлганлиги сабабли, макроиқтисодий ўзгаришлар аҳоли қатламига қандай таъсир қилиши мумкинлигини тушунишимиз зарур ҳисобланади. Шу сабабли бизлар илмий тадқиқотларимиз асосида қишлоқ аҳолисига таъсир кўрсатадиган учта асосий усулни аниқлаб уни илмий назарий асослаш имконини берди.

8.Хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш соҳаси ходимларининг меҳнат салоҳияти таҳлилий хулосалари асосида икки қисмга ажратиб ўрганиш келажакда ушбу соҳаларда банд аҳолининг унга таъсир этадиган омилларни тўғри баҳолаш ва таҳлил қилиш имконини беради.

II БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИНИНГ РИВОЖЛАНИШИ ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИ КЎРСАТГИЧЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛИ

2.1.§ Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати ва ривожланиш тенденциялари тахлили

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва ижтимоий-иқтисодий фаровонлигини оширишга қаратилган сиёсатида изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар ва туб ўзгаришлардан кўзланган бош мақсади – қишлоқ жойларидаги аҳоли бандлигини, турмуш даражаси ва сифатини оширишдан иборат. Диссертациянинг биринчи бобида ана шу бош мақсадга эришишда, етук олимларнинг илмий ва назарий қарашлари, хизматлар соҳасининг тутган ўрни ва аҳамияти тўғрисидаги илмий эволюцион қарашлар асосида, ушбу мақсадга эришиш вазифалари батафсил ёритилган.

Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш, биринчи навбатда, ушбу соҳани бугунги ҳолати ва муносиб ривожланиш тенденцияларини чуқур таҳлил қилишни, ушбу соҳада мавжуд бўлган муаммоларни аниқлашни ва уларнинг ечимларини излаб топишни, мамлакатнинг мавжуд ички ресурс ва имкониятларни белгилашни, келажакда қишлоқ жойларида замонавий талаб асосида янги хизмат турларини аниқлашни ва улардан унумли фойдаланишни тақозо этади. Шу мақсадлардан келиб чиқиб, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасининг ҳолати, реал содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий кўрсаткичларининг миқдор ва сифат ўзгаришини акс эттирувчи рақамлар илмий тадқиқотлар асосида ўрганилди. Статистик кўрсатгичлар таҳлили ва муаллифнинг социологик илмий тадқиқотлари асосида, асосланган хулосалар чиқариш муҳимдир.

Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасида, ўз-ўзини иш билан таъминлайдиган кўп сонли ишчиларни ва якка тартибдаги корхоналарни топиш баъзан қийин, ва улар ўзларининг тўлиқ даромадлари тўғрисида

ҳисобот беришдан қочади. Бу хизмат кўрсатиш соҳасининг муаммоларидан бири сифатида ЯИМ таркибида акс этмайди ва ривожлантириш учун зарур бўлган қарорлар тўғри қабул қилинмаслигига сабаб бўлади. Жахон банкининг маълумотларига кўра (2.1.1- жадвал), 2020 йилда хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМ таркибидаги улуши 34,6 фоиз даражада бўлган. 2020 йил 2019 йилга нисбатан +2,4 бирликга ўсиш кузатилган бўлса ҳам, қолган йиллар кесимида ўсиш даражаси паст. Қишлоқ жойларда ҳам хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 2020 йилга келиб ижобий ўсиш тенденциясини қайд этган. 2020 йил 2019 йилга нисбатан +0,6 бирликга ўсган.

2.1.1-жадвал

Ўзбекистонда ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши, фоизда[45] *(2000-2020 йиллар)*

№	Кўрсатгичлар	Йиллар								2020 йил 2019 йилга нисбатан ўзгариши (+;-)
		2000	2010	2015	2016	2017	2018	2019	2020	
1.	Хизмат кўрсатиш соҳасининг ЯИМдаги улуши	37,1	35,8	35,9	35,7	33,7	31,8	32,2	34,6	+2,4
2.	Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси улушининг ўзгариши	5,4	5,7	8,4	6,4	6,2	5,5	5,1	5,7	+0,6

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 22 декабрь куни Олий Мажлисга қилган мурожаатномасида “....статистик ҳисоботларни тўғри юритиш ва давлатнинг иқтисодий салоҳиятини аниқ баҳолаш жуда муҳимдир”,[46] дея, таъкидлаганларидек хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам, йилдан-йилга кўрсатилаётган хизматларнинг таркибини тўғри аниқлаш, улар томонидан акс этган статистик рақамларни ҳаққоний кўрсатиш йўлига ўтилганлиги сабабли, кўплаб статистик кўрсатгичлар ва Ялпи Ички Маҳсулот статистикасини юритишда ҳам ўзгариш кузатилди. Бу эса қишлоқ

[45] https://data.worldbank.org/indicator/NV.SRV.TOTL.ZS?contextual=default&locations=UZ&view=chart маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

[46] http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliasy-28-12-2018 10/09/2020 соат 14:25.

жойларида янги хизмат турларини замон талабига мутаносиб ривожланиши учун замин яратди.

2.1.1-расмдан кўриниб турибдики қишлоқ жойларида яшовчи аҳолининг ўсиши 2000 ва 2010 йиллар оралиғида пасайган бўлса ҳам, 2012 йилдан бошлаб, мўтадил ҳолатда ўсиш кузатилган. Хусусан 2020 йилда аҳолининг ўсиши 1,9 фоиз даражани қайд этиб, хизмат кўрсатиш соҳаси билан таққослаганда 2020 йилда 3,2 фоиз хизмат кўрсатиш соҳаси ижобий ўсиш тафовути бўлса ҳам, хизмат кўрсатиш соҳаси йиллар кетма-кетлигидан келиб чиқиб 2011 йилдан бошлаб хизмат кўрсатиш соҳаси пасайишда давом этган. Бизлар, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг аниқ муаммо ва ечимларини топиш мақсадида социологик сўров ўтказиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.



2.1.1-расм. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси ва аҳоли сонининг ўзгариш динамикаси[47].

2.1.2 – жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2020 йилда Ўзбекистон Республикаси бўйича жами 80345,0 млрд сўмлик хизмат кўрсатилган. Шундан қишлоқ жойларида жами 11758,1 млрд сўмлик хизмат кўрсатиш ҳажмини ташкил этиб республикага таққослаганда 14,6 фоизини

[47] https://data.worldbank.org/country/uzbekistan Last Updated: 25/12/2020 time 20:36 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

ташкил этган. Бу кўрсатгич қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш тармоқларининг ҳажми жуда паст эканлигини билдириб қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантириш заруратини билдиради.

2.1.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси ва Самарқанд вилоятининг хизмат кўрсатиш хажми тўғрисида маълумот *(млрд)* **сўмда** *(2020 йил)*[48]

№	Кўрсатгичлар	Ўзбекистон Республикаси			Самарқанд вилояти[49]		
		Жами	Шундан: қишлоқ жойларида		Жами	Шундан: қишлоқ жойларида	
			Жами	Улуши, фоизда		Жами	Улуши, фоизда
1	Жами хизматлар хажми	80345,0	11758,1	14,6	14 318,7	4 673,5	32,6
2	Савдо хизматлари	21217,2	4187,9	19,7	4 202,0	1 468,7	34,9
3	Автотранспорт хизматлари	28840,3	5954,8	33,1	6851,4	3416,7	49,9
4	Молиявий хизматлар	18057,0	2125,6	11,7	2 077,9	632,0	30,4
5	Ахборот ва алоқа хизматлари	4864,0	15,6	0,3	698,8	3,6	0,5
6	Таълим хизматлари	2870,8	228,7	7,9	736,7	80,6	10,9
7	Турар жой ва умумий овқатланиш хизматлари	2240,5	245,8	10,9	458,3	86,4	18,8
8	Кўчмас мулк билан боғлиқ хизматлар	2054,3	216,8	10,5	324,5	114,9	35,4
9	Архитектура, муҳандислик тадқиқотлари, техник синов ва таҳлил соҳасидаги хизматлар	1639,8	317,8	19,3	296,9	73,9	24,8
10	Шахсий хизматлар	1642,5	483,2	29,4	552,6	190,2	34,4
11	Ижара хизматлари	1378,4	241,8	17,5	414,2	86,1	20,7
12	Соғлиқни сақлаш хизматлари	1129,0	159,0	14	225,3	37,0	16,4
13	Маиший техникалар ва компютер таъмирлар хизматлари	1054,2	241,8	22,9	363,9	113,3	31,1
14	Бошқа хизматлар	2630,7	229,7	8,7	482,7	73,4	15,2

2.1.2 – жадвал маълумотларини таҳлилидан кўриш мумкинки Республика кўрсатгичига таққослаганда қишлоқ жойларидаги энг юқори улуш

[48] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

[49] https://samstat.uz/uz/?preview=1&option=com_dropfiles&format=&task=frontfile.download&catid=306&id=1442&Itemid=1000000000000

автотранспорт хизматлари (31,6 фоиз) ва шахсий хизматларидир (29,4 фоиз). Энг паст кўрсатигич транспорт хизматлари 1,5 фоизни, ахборот ва алоқа хизматлари бор йўғи 0,3 фоизни ташкил этган. Келажакда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантирмоқчи бўлсак айнан таранспорт ва ахборот алоқа хизмат кўрсатиш тармоқларини ривожлантирмасдан бунга эришиб бўлмайди. Сабаби таранспорт ва ахборот алоқа хизматлари айнан барча хизмат кўрсатиш соҳаларини боғловчи муҳим тармоқ саналади.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишига қуйидаги саволларда келтирилган омиллар таъсир этаётганлигини аниқладик. Шу сабабли бизлар социологик сўров ўтказиш илмий нуқтаи-назардан қишлоқ жойларини ривожлантиришда, туғилаётган саволларга аниқ жавоб олиш мақсадида қуйида келтирилган социологик таҳлил ўтказдик.

Таҳлиллар натижасига кўра қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасининг охирги йилларда жадал ўсиш суръатига эга эканлиги ва унинг мамлакат иқтисодиётидаги ҳиссаси муттасил равишда ошиб бораётганлигини кўрсатсада, социологик сўров натижаларига биноан қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаларининг хизмат сифати аҳоли талаби даражасида эмаслигини кўрсатган.

2.1.2 – расм маълумотлари шундан далолат берадики, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаларининг хизмат сифатини ошириш ва яхшилаш бўйича давлат олдида қишлоқ жойлари учун мўлжалланган, истиқболли дастурлар қабул қилиш керак эканлигини кўрсатди. Хусусан, “Хизмат даражаси паст” деган жавобни 89 фоиз иштирокчи берган бўлса, 8 фоиз иштирокчи “Хизмат даражаси аъло даражада” деган жавобни берган. 3 фоиз иштирокчи “Ўрта даражада” деган жавобни белгилаган. Бундан ҳулоса қилиш мумкинки, 89 фоиз иштирокчининг жавоби қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш муассасалари фаолият сифати қаноатлантирмайди ва хизмат сифатини тубдан, аҳоли талабига мос ҳолатда ўзгартириш керак эканлигини кўрсатади.



2.1.2-расм. Қишлоқ жойларидаги хизмат кўрсатиш соҳаларининг хизмат сифати қандай баҳолайсиз?[50]

Тадқиқотларимиз давомида "Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш муассасаси хизматларидан фойдаланасизми?", деган сўровимизга 68 фоиз иширокчи, "Иложи борича шаҳар жойларида жойлашган хизмат кўрсатиш муассасаларидан фойдаланаман" деган жавобни берган. Бу эса қишлоқ жойларида жойлашган хизмат кўрсатиш муассасалари истеъмолчилари бўлиши мумкин бўлган истеъмолчилар талабига мос эмаслигини кўрсатмоқда (2.1.3.-расм).



2.1.3-расм. Қишлоқ жойларидаги хизмат кўрсатиш муассасаси хизматларидан фойдаланасизми?[51]

Юқоридаги тадқиқотлар шундан далолат берадики, қишлоқ жойларида хизматлар соҳасининг ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни таҳлил

[50] Жадвал муаллифнинг илмий-социологик сўров, тадқиқот натижасида тузилган.
[5151] Жадвал муаллифнинг илмий-социологик сўров, тадқиқот натижасида тузилган.

этиш керак эканлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли бизнинг фикримизча, таъсир этувчи омилларни аниқлаш мақсадида, қуйида келтирилган социологик сўров саволлар мавзуси, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш тармоқлари ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни аниқлашга хизмат қилади деб ҳисоблаймиз.



2.1.4 – расм. Қуйида келтирилган омиллар ичида қайси бири қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожланишига тўсқинлик қиляпти?[52]

2.1.4 – расмдаги “Қуйида келтирилган омиллар ичида қайси бири қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари ривожланишига тўсқинлик қиляпти”, деган саволга 55 фоиз иштирокчи қишлоқ аҳолиси даромадининг пастлиги деб жавоб берган. Статистик маълумотларга кўра Ўзбекистонда 2019 йилда Аҳоли сони 33.5, миллионни ташкил этган бўлса, ўта қашшоқлар сони млн ($1.90 кам) 2.067.660 (7 – фоиз), қишлоқ жойларда 1.301.988 (7 – фоиз), шаҳарда 765.677 (6-фоиз), Эркаклар 1.100.297, Аёллар 967.363 мингни ташкил қилган.[53] 2016 йилда 31 миллион аҳоли истиқомат қилган бўлса, шундан аҳолининг 13.7 фоиз ўта қашшоқликда яшаган. Бу 2001 йилга қараганда 30

[52] Жадвал муаллифнинг илмий-социологик сўров, тадқиқот натижасида тузилган.
[53] https://worldpoverty.io/map

фоизга тушган, қашшоқликда яшаётган кишиларнинг 75 фоизи ҳалиям қишлоқ жойларда яшайди”[54]. Бу эса қишлоқ аҳолисининг кафолатланган доимий даромад манбаига эга эмаслиги, мавсумий ишларда ишлаши, кам иш ҳаққи тўланаётганлиги ва шу каби турли омиллар сабаб бўлмоқда. Респондентларнинг 35 фоиз қисми қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожланишига, коммунал (электр-энергия ва газ), интернет алоқа линиялари, йўллар инфратузилмасининг сифати аҳоли талабига жавоб бермайди ва шу сабабдан хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланишига тўсқинлик қиляпти деб ҳисобламоқда. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, қишлоқ жойларда аҳоли яшаш шароити ва бандлигини оширишда, юқоридаги хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқлари ривожланишига тўсқинлик қилаётган омилларни вақтида аниқлаш, давр талабига мослаштириш, долзарб аҳамият касб этади.

Хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантиришда қишлоқ жойларининг географик жойлашуви, аҳоли сони, таълим даражаси, тадбиркорлик субъектлари сони ва тадбиркорлик лаёқати юқори таъсир этади. Аммо шуни унутмаслигимиз керакки қишлоқ жойлари, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, аҳолини иш билан банд қилиш ва даромад топиши учун қулай саналади. Хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожланиши қайсидир тармоққа боғлиқ ҳолатда фаолият кўрсатади. Бу эса бир вақтнинг ўзида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштиргандан сўнг, етказиб бериш, экспорт қилиш, маҳсулотларни турли йирик совутгичларда сақлаш, қадоқлаш, истеъмолчиларни аниқлаш ва шу каби турли хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланиши учун муҳимдир, қишлоқ жойлар учун эса қишлоқ хўжалиги мавжуд ресурслардан бири саналади. Бизнинг фикримизча юқоридаги масалалардан аввало, қишлоқ жойларини ривожлантириш, аҳоли турмуш даражаси ва бандлигини оширишда қишлоқ хўжалигидан фойдаланиш ресурслар сарфини кам талаб этади. Ўзбекистон ўзининг географик жойлашуви ва табиий иқлими ҳамда ерининг хусусиятлари ва Мендилиев

[54] http://borgenproject.org

жадвалида белгиланган турли микроэлементлар мавжудлиги ва сифатли қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини кўп миқдорда ишлаб чиқаришга қодир. Бу жиҳатдан у дунёнинг кўплаб мамлакатларига нисбатан катта монопол устунликларга эга. Ўйлаймизки, мамлакатнинг иқтисодий ва инвестицион имкониятлари кенгайиб борган сайин, қишлоқ хўжалигида мавжуд ана шу монопол устунликдан унумли фойдаланиб, қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш ва ишлаб чиқариш тармоқларининг ривожланиши, ундан мамлакат миллий иқтисодиёти равнақи йўлида унумли фойдаланишга қаратилган интилиш ва ҳаракатлар ҳам кучайиб боради, ушбу муаммони ҳал этишда замонавий технологиялар асосида амалий ва тезкор ечим топилади. Чунки, қишлоқ жойлари қишлоқ хўжалиги инфратузилмаси азалдан шунга мослашганлиги устунлик беради.

Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланишида нафақат қишлоқ хўжалиги, балки, қишлоқ жойларида мавжуд хизмат кўрсатиш объеклари ҳолати, ундан фойдаланиш даражаси, қишлоқ ҳаёти инфратузилмасига таъсир этади. Хизмат кўрсатиш соҳа объектларининг ривожланиши, бизнинг назаримизда қишлоқ аҳолисининг даромадига ҳам боғлиқ. Қишлоқ аҳолиси даромади қанча кўп бўлса топаётган даромадининг ортиқча қисмини ўзининг асосий эҳтиёжидан ташқари сарфлашга ҳаракат қилади. Бу эса қишлоқ жойларида яшовчи ҳар бир аҳолининг шахсий истеъмол саватчаси кенгайиши хизматларнинг турига бўлган эҳтиёж ҳам ортиб боради.

2.1.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш объектлари сони бўйича маълумот[55]

(2001-2020 йил)

№	Кўрсаткич	Ўзбекистон Республикаси бўйича							Самарқанд вилояти бўйича													
		Йиллар							Йиллар													
		2001	2011	2016	2017	2018	2019	2020	2001		2011		2016		2017		2018		2019		2020	
									сони	улуши	сони	улуши	сони	улуши	Сони	улуши	сони	улуши	сони	улуши	сони	улуши
1	**Музейлар сони**	-	-	-	-	-	-		-		-		-		-		-		-			
2	**Кутубхона муассасалари сони (АРМ ва АКМ)**	-	942	960	966	968	970	970	-		141	15	140	14,5	141	14,5	141	14,5	141	14,5	141	14,5
3	**Театрлар**	-	-	-	-	-	-	-	-		-		-		-		-		-		-	
4	**Истироҳат ҳамда хайвонот боғлари**	-	-	-	-	-	-	-	-		-		-		-		-		-		-	
5	**МТМ**	3888	2339	2061	2050	2047	2881	3189	404	10,3	270	11,5	264	12,8	265	12,9	265	12,9	469	16,2	505	15,8
6	**Мактаблар**	7661	5970	6019	6015	6012	6036	6229	1062	13,8	861	14,4	867	14,4	865	14,3	864	14,3	867	14,3	885	14,2
7	**Коллежлар**	-	485	498	503	505	505	505	-	-	67	13,8	71	14,2	71	14,1	71	14	71	14	71	14
8	**Лицейлар**	-	10	7	7	8	6	6	-	-	-	-	-		-		-	-		-	-	
9	**Соғлиқни сақлаш муассасалари (ОПлар) сони**	-	3164	4218	2484	3091	3341	3834	314	-	345	10,9	444	10,5	269	10,8	273	8,8	325	9,7	385	10

[55] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муллиф томонидан тузилди.

2.1.3-жадвалдан кўриниб турибдики Ўзбекистон Республикаси бўйича қишлоқ жойларида бирорта ҳам музейлар мавжуд эмаслиги қишлоқ жойларидаги ижтимоий соҳа обеъктларининг камчилиги сифатида кўришимиз мумкин. Бизнинг назаримизда келажакда қишлоқ жойларининг ҳар бир ҳудудига тегишли бўлган “Электрон музей” платформасини ишга тушириш хизмат кўрсатишнинг янги тури сифатида юқори аҳамият касб этади. Кутубхона муассасалари (АРМ ва АКМ) сони Ўзбекистон Республикаси бўйича 2011 йилда 942 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 970 тани ташкил этган. 2020 йил 2011 йилга нисбатан ўртача ўсиш даражаси 102,9 фоизни ташкил этган. Театрлар, истироҳат ҳамда ҳайвонот боғлари Ўзбекистон Республикаси бўйича ҳам мавжуд эмаслиги қишлоқ жойларида истеъқомат қилаётган аҳолининг ушбу хизматлардан фойдаланиш учун шаҳар жойларига келади. Бундай ҳаракат аҳолининг ортиқча йўл харажатлари, вақтнинг кўп сарфланиши ва турли ноқулайликлар туғдиради. Келажакда қишлоқ жойларида театр, истироҳат ҳамда ҳайвонот боғлари барпо этилиши аҳолининг мана шундай ортиқча харажати ва ноқулайлигини чеклади. 2001 йилда мактабгача таълим муассасалари сони 3888 мингтани ташкил этган бўлса, қолган йиллар давомида бироз пасайган. Аммо йиллар кетма-кетлиги бўйича 2020 йил 2011 йилга нисбатан 123,1 фоизга ўсган. Самарқанд вилояти 2020 йил 2001 йилга нисбатан мактабгача таълим муссасалари сони 116,0 фоизга ўсган. Мактаблар сони Ўзбекистон Республикаси бўйича 2001 йилда 7661 мингта бўлган ушбу рақам 2020 йилгача ҳам юқори ўсиш суръати ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2017 йил 16-август куни умумтаълим мактаблари ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими, олий таълим муассасалари ўртасида ўзаро интеграцияни таъминлаган ҳолда янги ўқув йилига тайёргарликнинг бориши, 11-йиллик ўрта таълим тизимини жорий этиш, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимини тубдан ислоҳ қилиш, янги

очилган олий таълим муассасалари, филиаллар фаолиятини ташкил этиш[56] масаласида ўтказган йиғилиши 11 йиллик ўрта таълим тизимини қайта ташкил этиш орқали ўсишини таъминлади. Мамлакат раҳбарининг бу эътибори 2.1.2-жадвалда келтирилганидек мактаблар сони 2020 йилни 2011 йилга таққослаганда 101,1 фоиз даражада ўсишга эриша бошлади. Самарқанд вилоятида ҳам 2001 йилда 1062 мингта юқори ўсиш даражаси қайд этилган. 2020 йил 2011 йилга нисбатан 100,6 фоизга ўсган Республика кўрсатгичи билан мактаблар сонини таққослаганда 2001 йилда 13,8 фоизни, 2020 йилда эса 14,2 фоизга ўсган. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида коллежлар 2020 йилни 2011 йилга таққослаганда муттасил ўсиш 104,1 фоизда бўлган. Самарқанд вилоятида ҳам мўтадиллик сақланган ҳолатда 2020 йилни 2011 йилга таққослаганда 105,9 фоизни қайд этган. Республика кўрсатгичи билан таққослаганда 2001 йилда 13,8 фоизни, 2020 йилда 14 фоизга ўсган. Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойлари бўйича лицейлар сони 2011 йилда 10-тани ташкил этган бўлса, 2020 йилга келиб 6-тани ташкил этаяпти. Бундай пасайиш мактабларда 11 йиллик таълим тизими қайта жорий этилгани таъсир кўрсатган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Парламентга қилган мурожаатномасида танқидий таҳлил орқали, рақамли иқтисодиётни сезиларли даражада ривожлантириш масаласини қўйдилар.

Таълим соҳасида рақамли коммуникацион технологияларни қўллашга эҳтиёж тобора ортиб бораёрган даврда, рақамли иқтисодиётнинг ўрни ва таъсир доираси кенгайиб бормоқда.

Рақамли иқтисодиётни мамлакат миқёсида ривожлантириш ва бу соҳада кадрлар тайёрлаш учун қуйидаги саволларга баҳоли қудрат жавоб бериш керак бўлади:

- мамлакатимиздаги таълим ҳамжамияти рақамли технологиялар билан боғлиқ мутахассислар эга бўлиши лозим бўлган кўникмаларга тахминан бўлса

[56] http://www.uzavtoyul.uz/uz/post/prezident-talim-tizimidagi-islohotlarning-borishi-boyicha-majlis-otkazdi.html 15/09/2020 йил соат 14:37

ҳам тайёрми?

- улар ушбу соҳада дарс беришга лаёқатлими?
- қайси институт ва университетларда рақамли иқтисодиёт асосларини ўқитиш керак?
- ўқитувчилар малакасини қаерда ва қай тартибда амалга оширилиши лозим?
- рақамли иқтисодиёт соҳасида таълим дастурлари, илмий-услубий материаллар ва ўқув қўлланмаларини кимлар, қачон ва қаерда тайёрлайдилар ҳамда улар қандай молиялаштирадилар?[57]

Ўзбекистонда таълим соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, таълимнинг барча жабхаларида инновацион усуллар билан боғлиқ бўлган юксак салоҳиятли лойиҳаларни амалга ошириш бўйича бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Аммо, бундай лойиҳалар тўғри механизмда ишлаши учун юқоридаги саволларга жавоб топиш орқали ёндошиш аҳамият касб этади.

Шу сабабдан тадқиқотларимиз давомида қишлоқ жойларини чуқур таҳлил этиш мақсадида тадқиқот полигони сифатида Самарқанд вилоятининг Жомбой туманини танладик. Чунки, Жомбой туман тузилиш нуқтаи-назаридан шаҳар ҳудудига яқин эканлиги, шаҳарлараро магистлар йўллар мавжудлигидан келиб чиқади. Шу мақсадлардан кўринадики қишлоқ жойларини таҳлил этишда танлаб олинган тадқиқот полигони Самарқанд вилоятининг бошқа туманлари билан солиштирма кўрсатигичлари орқали, хизмат кўрсатишнинг умумий кўрсатгичларини таҳлил этиш, таълим, соғлиқни сақлаш, маҳаллаларда мавжуд хизмат кўрсатиш ҳолати, маиший, савдо хизматлари, қишлоқ аҳолиси учун мавжуд иш ўринлари ва иш ўринларини яратиш имкониятларини аниқлаш каби, қишлоқ аҳолисининг турмуш фаровонлигини оширишга хизмат қиладиган хулоса ва таклифларни ишлаб чиқиш шулар жумласидандир.

[57] С.С. Гулямов, Р.Ҳ. Аюпов, О.М. Абдуллаев, Г.Р. Балтабаева. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет. 88-бетлар

2.1.4-жадвал

Самарканд вилоятида 2010-2020 йиларда туманлар буйича аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар хажмининг динамикаси[58]

№	Туманлар номи	Йиллар			2020 йилнинг 2010 йилга нисбатан ўсиши
		2010	2015	2020	
1	Самарқанд ш.	2981,7	7876,1	12 631,3	4,2 марта
2	Каттақурғон ш.	469,5	1314,7	4 262,9	9,1 марта
3	Оқдарё	282,7	719,1	2 379,6	8,4 марта
4	Булунғур	256,0	687,6	2 183,1	8,5 марта
5	Жомбой	246,4	779,7	3 261,0	13,2 марта
6	Иштихон	189,7	507,4	1 836,4	9,6 марта
7	Каттақурғон	161,6	420,9	1 697,9	10,5 марта
8	Қўшработ	358,4	743,3	2 260,7	6,3 марта
9	Нарпай	202,5	524,2	1 923,4	9,4 марта
10	Пайариқ	184,1	493,8	1 697,6	9,2 марта
11	Пастдарғом	169,6	469,0	2 271,8	13,4 марта
12	Пахтачи	287,8	684,3	1 986,9	6,9 марта
13	Самарқанд	204,6	771,0	3 135,7	15,3 марта
14	Нуробод	355,0	773,6	1 975,2	5,5 марта
15	Ургут	99,6	302,9	1 622,1	16,2 марта
16	Тайлоқ	237,2	691,6	2 665,2	11,2 марта
17	Самарканд вилояти	**563,2**	**1643,4**	**3 659,8**	**6,5 марта**

2.1.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар ҳажми энг юқори ўсиш кўрсатгичи Ургут, Самарқанд, Пастдарғом, Жомбой туманларига тўғри келган. Хусусан Ургут тумани 2020 йил 2010 йилга нисбатан 16,2 мартага, Самарқанд тумани 2020 йил 2010 йилга нисбатан 15,3 мартага, Пастдарғом тумани 2020 йил 2010 йилга нисбатан 13,4 мартага, Жомбой тумани 2020 йил 2010 йилга нисбатан 13,2 мартага ўсган. Энг паст ўсиш кўрсатгичи Самарқанд шаҳрига тўғри келган. Самарқанд шаҳри 2020 йилда аҳоли жон бошига 12 631,3 минг бўлишига қарамасдан 2020 йилни 2010 йилга таққослаганда 4,2 марта ўсган. Жомбой тумани аҳоли жон бошига хизматлар хажми бўйича вилоятда 3 ўринда турибди.

[58] Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2.1.5-жадвал

Самарқанд вилоятида 2010-2020 йилларда яратилган хизматлар хажмининг динамикаси[59]

№	Туманлар	2010 йил				2020 йил				2020 йилдаги хизматлар хажмининг 2010 йилдаги хизматлар хажмига нисбатан ўсиши
		Аҳоли сони, минг киши	Иқтисодиётда бандлар сони, минг киши	Яратилган хизматлар хажми, млрд сўм	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар хажми, минг сўм	Аҳоли сони, минг киши	Иқтисодиётда бандлар сони, минг киши	Яратилган хизматлар хажми, млрд сўм	Аҳоли жон бошига тўғри келадиган хизматлар хажми, минг сўм	
1	Самарқанд ш.	399,7	215,7	1 203,4	2981,7	546,3	230,1	5 736,8	12 631,3	4,7 марта
2	Каттақурғон ш.	77,8	40,3	36,9	469,5	89,5	31,9	333,9	4 262,9	9,0 марта
3	Оқдарё	121,2	44,8	35,5	282,7	158,7	58,5	506,5	2 379,6	14,2 марта
4	Булунғур	150,0	55,1	39,0	256,0	186,3	67,3	384,8	2 183,1	9,8 марта
5	Жомбой	135,3	51,6	33,9	246,4	171,9	60,6	667,4	3 261,0	19,6 марта
6	Иштихон	195,0	67,8	38,5	189,7	253,3	88,4	536,9	1 836,4	13,9 марта
7	Каттақурғон	219,9	85,7	36,2	161,6	272,3	93,2	607,1	1 697,9	16,7 марта
8	Қўшработ	103,5	36,3	37,8	358,4	131,1	48,9	295,3	2 260,7	7,8 марта
9	Нарпай	170,2	64,4	35,7	202,5	212,4	83,0	494,9	1 923,4	13,8 марта
10	Пайариқ	202,9	71,7	38,0	184,1	249,5	82,7	523,7	1 697,6	13,7 марта
11	Пастдарғом	277,9	99,3	48,5	169,6	353,2	118,9	904,3	2 271,8	18,6 марта
12	Пахтачи	121,8	50,4	35,6	287,8	143,8	52,4	330,4	1 986,9	9,3 марта
13	Самарқанд	283,2	100,6	59,6	204,6	251,5	94,1	918,8	3 135,7	15,3 марта
14	Нуробод	116,8	45,8	42,8	355,0	149,9	54,4	289,3	1 975,2	6,7 марта
15	Ургут	389,2	141,4	39,9	99,6	507,0	172,6	924,6	1 622,1	23,1 марта
16	Тайлоқ	154,7	59,0	38,0	237,2	200,5	74,0	631,4	2 665,2	16,6 марта
17	Самарқанд вилояти	**3 119,0**	**1 229,9**	**1 799,3**	**563,2**	**3877,4**	**1 410,9**	**14 086,1**	**3 659,8**	**7,8 марта**

[59] Самарқанд вилоят статистика бошқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

2.1.5-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2020 йил хизматлар хажмини 2010 йилдаги хизматлар хажмига таққослаганда энг юқори ўсиш кўрсатгичи Ургут, Самарқанд, Пастдарғом, Жомбой туманларига тўғри келган. Хусусан юқори ўсган туманларни 2020 йил 2010 йилга нисбатан таққослаганда Ургут тумани 23,1 мартага, Самарқанд тумани 15,3 мартага, Пастдарғом тумани 18,6 мартага, Жомбой тумани 19,6 мартага ўсган. Аммо қолган туманларда ҳам ўсиш кузатилган бўлсада аҳоли жон бошига хизматлар ҳажмини ҳисоблаганда анча паст (2.1.5-жадвал). Бундан шундай қилиш мумкинки банд аҳолининг кўпчилик қисми унумдор меҳнат билан банд эмас. Самарасиз меҳнат билан шуғулланмоқда. Хусусан, Жомбой туманида ҳам банд аҳоли унумдор-самарали меҳнат билан банд эмас. Бундан кўринадики қишлоқ жойларида ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини муносиб ривожлантириш учун банд аҳолининг унумдор-самарали меҳнат билан банд қилишга эътиборни қаратиш зарур. Шундагина хизмат кўрсатиш соҳасини жаҳон андозаларига монант ҳолда ялпи ички маҳсулот таркибида юқори сураътлар билан ўсишига ва шу орқали аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот ортишига эришамиз.

Аҳоли бандлигини оширишда таълим сифати муҳим аҳамиятга эга. Таълим сифатини белгилайдиган кўрстакичлар кўп. Лекин бизлар шулардан энг муҳимини, яъни педагог ва ўқувчилар нисбатини танладик ва уни таҳлил қилдик (2.1.6-жадвал). Таҳлиллар Жомбой туманидаги мактабларда педагог ва ўқувчилар нисбати Ҳалкаро меъёрлар даражасидан 3-4 тага кўплигини кўрсатди. Масалан, 2018 йилда бир мактаб ўқитувчисига 12 нафар мактаб ўқувчи тўғри келган. 2019 ва 2020 йилларга келиб ушбу кўрсаткич яна 2 нафарга ошган.

Ваҳоланки, иктисодиёти ривожланган мамлакатларда ҳар бир мактаб ўқитувчисига 7-8 нафар мактаб ўқувчи тўғри келади. Шундан келиб чиқиб мактабларда ўқитувчиларга эхтиёж бор.

Туманнинг шаҳар ҳудудига яқин эканлигини инобатга олсак, чекка туман қишлоқлардаги таълим муассасаларида аҳвол бунданда ачинарли эканлигини кўрсатмоқда.

2.1.6-жадвал

Жомбой тумани мактабларида таълим самарадорлиги тўғрисида маълумот*

Йиллар	1-4 синфлар бўйича			5-11 синфлар бўйича			Жами бир ўқитувчига тўғри келадиган ўқувчилар сони, киши
	ўқувчилар сони, киши	ўқитувчилар сони, киши	Бир ўқитувчига тўғри келган ўқувчилар сони, киши	ўқувчилар сони, киши	ўқитувчилар сони, киши	Бир ўқитувчига тўғри келган ўқувчилар сони, киши	
2018	12653	624	20	13064	1474	9	12
2019	13186	625	21	17661	1655	11	14
2020	13461	610	22	18252	1684	11	14

*Манба. Жомбой туман халқ таълим бўлими маълумотлари асосида муллиф ишланмаси.

2.1.7-жадвал

Жомбой тумани мактабларини 2019-2020 ўқув йилида битирган ўқувчиларини Олий таълим муассасаларига ўқишга кирганлиги тўғрисида маълумот*

11-синф битирувчилари сони, киши	Шундан							
	ОТМ кирганлар		ОТМ кирмаганлар		Бандлиги таъминланган		Бандлиги таъминланмаган	
	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи
2373	233	9,8	2140	90,2	58	2,4	2082	87,7

*Манба. Жомбой туман халқ таълим бўлими маълумотлари асосида муллиф ишланмаси.

Жомбой туманида умумий ўрта таълим мактаб, касб – ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини иш билан таъминлаш ҳам долзарб вазифа ҳисобланади. Жомбой туманида 2019-2020 ўқув йилида жами мактаб битирувчилар сони 2373 тани ташкил этди. Бу вилоят бўйича жами битирувчилар сонини 4,5 фоизига тенг. 2019-2020 ўқув йилида мактаб битирувчиларидан 233 таси (9,8%) олий таълим муассасаларига ўқишга кирган. 2140 киши ўқишга кираолмаган. Ўқишга кираолмаган ўқувчилар жами битирувчиларнинг 90,2 фоизини ташкил этади. Жомбой тумани вилоятда мактаб битирувчиларини олий таълим муассасаларига ўқишга кирганлиги бўйича 12 ўринда туради. Ҳозирги кунда олий ўқув юртига кира олмаган мактаб битирувчиларининг 87,7 фоизи бандлиги таъминланмаган (2.1.7-жадвал).

2.1.8-жадвал

Жомбой туман касб-ҳунар коллежларини 2019-2020 ўқув йилида битирган ўқувчиларини Олий таълим муассасаларига ўқишга кирганлиги тўғрисида маълумот*

Касб-ҳунар коллежини битирувчилари сони	Шундан							
	ОТМ кирганлар		ОТМ кирмаганлар		Бандлиги таъминланган		Бандлиги таъминланмаган	
	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи	сони	фоизи
863	15	1,7	848	98,3	668	77,4	180	20,9

*Манба. Жомбой туман халқ таълим бўлими маълумотлари асосида муллиф ишланмаси.

Жомбой туманида 2019-2020 ўқув йилида касб-ҳунар коллежи битирувчилари сони 863 тани ташкил этди. Шундан, 15 таси (1,7%) олий ўқув юритига кирган, 848 таси (98,3 %) эса олий таълим муассасаларига кираолмаган. 2019-2020 ўқув йилида касб-ҳунар коллежини битирганларнинг 77,4 фоизи бандлиги таъминланган. Бандлиги таъминланмаган битирувчилар сони 180 тани (20,9 %) ташкил этди (2.1.8-жадвал).

2.1.9-жадвал

Жомбой тумани бўйича ОТМ 2019-2020 ўқув йилини тугатган битирувчилари тўғрисида маълумот*

ОТМ битирувчилар сони (киши)	Шундан			
	Ишга жойлашганлар		Ишга жойлашмаганлар	
	Сони (киши)	Фоизи, %	Сони (киши)	Фоизи, %
291	135	46,3	156	53,7

*Манба. Жомбой туман халқ таълим бўлими маълумотлари асосида муллиф ишланмаси.

2019-2020 ўқув йилида Самарқанд вилояти бўйича олий таълим муассасасини битирган ёшлар 7966 тани ташкил этди. Шулардан 291 нафари (3,7 фоизи) Жомбой туманига тўғри келади. Улардан атиги 135 нафари (46,3 фоизи) иш билан таъминланган, 53,7 фоизи эса иш билан таъминланмаган. Жомбой тумани бўйича жами мактаблар, касб-ҳунар коллежлари ҳамда олий таълим муассасаларини тугатиб ишга жойлашмаганлар 68,6 фоизни ташкил этади (2.1.9-жадвал).

2020 йилда (январь-июнь ойларида) Жомбой туманида вақтинча ишлаш учун хорижга чиқиб кетганлар 6589 кишини ташкил этди. 2019 йилда ишлаш

учун хорижга чиқиб кетганлар 19634 киши бўлиб, доимий аҳоли сонининг 11,7 фоизини, иқтисодий фаол аҳолининг қарийб 30,0 фоизини ташкил этган (2.1.10-жадвал).

2.1.10-жадвал

Жомбой туманида вақтинча хорижга ишлаш учун чиқиб кетганлар тўғрисида маълумот*

Йиллар	Аҳоли сони, минг киши	Вақтинча хорижга ишлаш учун чиқиб кетганлар сони, киши	Шулардан	
			Аҳоли сонига нисбатан улуши, %	Иқтисодй фаол аҳоли сонига нисбатан улуши, %
2018	163,1	9885	6,1	15,7
2019	167,6	19634	11,7	29,6
2020	173,8	6589	3,7	9,4

*Манба.Жомбой туман бандлик бўлими маълумотлар асосида муллиф ишланмаси.

Аҳолининг муносиб турмуш тарзини яратишда нафақат таълим тарбиянинг ўрни муҳим. Балки, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат кўрсатиш сифати ҳам муносиб бўлиши керак. Шундан келиб чиқиб бизлар туманда тиббий хизмат кўрсатиш ҳолатини ҳам таҳлил қилдик (2.1.11-жадвал). Жомбой тумани аҳолисини иш билан таъминлаш турмуш даражасини яхшилаш имкониятларини аниқлаш максадида туман тиббиёт бирлашмасига қарашли бўлган Оилавий шифокор пунктилари ўрганиб чиқилди (2.1.11-жадвал). Ўрганишлар Оилавий шифокор пунктларида ҳам олий маълумотли шифокорларга эҳтиёж борлигини аниқлади. Масалан, “Ногоҳон” Оилавий шифокор пунктида атиги 2 нафар олий маълумотли шифокорлар 2 та маҳалланинг 9066 аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиб келаяпти. Шунингдек, “Зарафшон” Оилавий шифокор пунктида 3 нафар олий маълумотли шифокорлар 3 та маҳалланинг 10653 аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиб келаяпти.

2.1.11-жадвал

2020 йилда Жомбой туманида аҳолига тиббий хизматлар кўрсатиш ҳолати*

№	Оилавий шифокор пункти	Олий маълумотли ходимлар (киши)	Ўрта маълумотли ходимлар (киши)	Тиббий хизмат кўрсатилаётган маҳалла ва аҳоли сони		Қабул қилиш қуввати (киши)	Ўртача бир кунда ташрифлар сони
				маҳалла (та)	аҳоли (киши)		
1	Ногохон	2	14	2	9066	50	48
2	Наймантепа	2	20	3	8935	50	47
3	Оқ-олтин	1	18	2	7671	50	48
4	Зарафшон	3	25	3	10653	50	50
5	Сарикипчок	1	17	1	3583	50	50
6	Охунбобоев	2	16	3	7720	50	50
7	А.Курбонов	3	21	3	8364	50	50
8	Жомбой	3	22	3	8702	50	54
9	Эсонтурдиев	4	28	2	11712	50	53

*Манба. Жомбой туман тиббиёт бирлашмаси маълумотлари асосида муллиф ишланмаси.

Ваҳоланки, қишлоқ жойларда ҳар 2000 кишига бир нафар олий маълумотли шифокор хизмат кўрсатиши белгиланган[60]. Иқтисодиёти ривожланган мамлакатларда жумладан, Францияда ҳар 1000 кишига 3 нафар олий маълумотли шифокор тўғри келади. Ушбу маълумотларга қараганда Жомбой туман Оилавий шифокор пунктларида олий маълумотли шифокорларга эхтиёж бор.

Қишлоқ аҳолисини иш билан таъминлаш ва даромадларини ошириш, турмуш даражаси ва сифатини яхшилаш имкониятларини аниқлаш мақсадида Жомбой туманидаги 38 та маҳалла ҳудудлари ва улардаги хонадонлар ўрганиб чиқилди (2.1.12-жадвал).

[60] Временные штатные нормативы медицинского персонала учреждений первичной медико-санитарной помщи сельских районов. Утвержденно Министр здравоохранения Республики Узбекистан. 24.07.2017 г. №06-3/448,0. 8-10 стр.).

2.1.12-жадвал

Жомбой туман махалла худудида фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш корхоналари ва хизмат кўрсатиш корхоналарига мавжуд аниқланган эхтиёж[61]

	Махалла номи	Ахоли сони, киши	Дорихона		Тикувчилик ва тўқувчилик		Сартарошхона (эркаклар учун)		Сартарошхона (аёллар учун)		Дурадгорлик (эшик ва ром ясаш)		Автомобилларга тех.хиз. кўрсатиш		Ўқув марказлари		Савдо дўконлари		Пойафзал таъмирлаш устохоналари		Гўшт дўконлари		Компьютерларни ва ўрнатиш ва уларга техник хизмат курсатиш хамда	
			мавжуд	эхтиёж	мавжуд	эхтиёж	мавжуд	эхтиёж	мавжуд	Эхтиёж	мавжуд	эхтиёж	мавжуд	эхтиёж	мавжуд	эхтиёж	мавжуд	эхтиёж	мавжуд	эхтиёж	мавжуд	эхтиёж	мавжуд	Эхтиёж
1	Ногахон	5279	1	1		2	3			2							21			2	1			2
2	Шеркургон	3783		1	1	1	1	1	1			1	3				12			1				1
3	Гулистон	3075	3		5		2		5		3		5		4		45		3		3		2	
4	Саркипчок	2990	1		1	1	2		1				2				9			1				
5	Сарой	4029		1		2	3			2		1			2		13			2			1	
6	Ширинкент	6033		2	1	3	1	2		3		2	5		1		12			2		2		2
7	Алишер Навоий	3152		1		2		1		1			4				5			1				1
8	Кудукли	3141		1		2	1			1			2		1		2			1				1
9	Эски Жомбой	4800	4		6		2		4		1		3		2		14		2		3		1	
10	Кулбости	5458	1	1	2	1	1	1	2		1		1				11		1	1	3			2
11	Куккумбаз	5012	1	1	4		2		1	1		1	2		1		11			2				2
12	Талдиразок	2647		1		1	1		1			1					3			1	1			
13	Олмазор	4418		1	1	1	1	1		2		1	2			2	4			2				
14	Журрият	4224	1	2		1	2		2			1	2			2	12		2		3			
15	Саричашма	6431	1	2	1	1	2		1	1	1	1	2			2	20		2		4			2
16	Холвойи	6204		2	1	1	2		1	1		2	2			2	12		1	1	3			2
17	Тут	6051	2	1	1	3	2		2		1		2		1		34		1	2	3		1	

[61] Жадвал социологик тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган

2.1.12-жадвал давоми

Жомбой туман махалла худудида фаолият юритаётган хизмат кўрсатиш корхоналари ва хизмат кўрсатиш корхоналарига мавжуд аниқланган эхтиёж[62]

18	Кангли	5957	2		1	3	2		1	1	1						21		1	1	2			2
19	Хитойпоён	2935		1	1	1	1		1		1		1				10				1			
20	Шодлик	2335	2	1		1	1		1								12		1					
21	Нуш	3317	14		4		3		5			1	2				8			1	3			
22	Ахмаджон Курбонов	3744			10		2		14			1	1		1		74		2		4		4	
23	Газира	2900		1	1		1		1						1		21		1					
24	Туккизбой	4022	6	1		2		1		1							1			1				1
25	Катта кишлок	7455	2		2	3	4		2			2	10		1		22			3	1			2
26	Самарканд	4500		1	3		4		3				6		2		20		1	1	3			
27	Кунгирот	6675	1	4		4	2	1	1	2		1	3				20			3	2			2
28	Наймантепа	4200		1	1	2	2			2			3				17			2	1			1
29	Зарафшон	4934	1	1	4	2		2					4		1		10		1	2	2		1	
30	Сухмон	3210		2	4		1		2	2	2						11		1	1	2			
31	Кора муйин	5358		2		3		2		2		1	1				5			2				2
32	Бешбола	5784	2	1	2	1	2						2				15		1		2			2
33	Тошкент	3945		2	1	2	1	1		1		1			1		10			2				
34	Кургонсаломон	3758		1	1		2			1	1					2	5			2				1
35	Полвонарик	3381		2	1	1	1	1	2				1			2	4			1				
36	Дехконобод	5219	1	1		2	1	1		1		2	1			2	12			2	1			2
37	Найман	5317		2		2	1	1		2			1			2	11			2	1			
38	Назар	2391	1			1	1			1						1	6			1				
Жами		168064	47	42	60	51	60	16	54	30	12	20	73		19	17	555		21	46	49	2	10	30

[62] Жадвал социологик тадқиқотлар асосида муаллиф томонидан тузилган

Ўрганишлар маҳаллаларда маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг етарли эмаслигини ва 202 янги иш ўринларини яратиш имкониятлари мавжудлигини аниқлади. Масалан, “Ширинкент” маҳалласидаги 6033 аҳолига атиги битта эркаклар сартарош хонаси фаолият юритаяпти. Аёллар учун гўзаллик салони эса мавжуд эмас. Шунингдек, аҳоли соғлиги учун хизмат кўрсатиши лозим бўлган дорихона ҳам мавжуд эмас. 1 та ўқув маркази мавжуд. Компьютерларни ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш шахобчалари ҳам йўқ. Бундай муаммолар яна бир қанча маҳаллаларда ҳам учрайди (2.1.12-жадвал).

2.2.§ Қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар

Мамлакатимизда кейинги йилларда аҳолини иш билан бандлигини таъминлашга жиддий эътибор берилмоқда. Аҳолини иш билан бандлигини таъминлаш биринчи навбатда, қишлоқ жойлари аҳолисининг фойдали меҳнат билан банд бўлишини, унинг меҳнат даромадига эга бўлиши, мамлакат учун унинг ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатишда бандлигини, аҳолини яшаш шароитини ва турмуш сифатини яхшилашга олиб келади.

Мамлакатимизда меҳнатга лаёқатли аҳолини иш билан таъминлаш қанча долзарблигини тўла тасаввур қилиш учун демографик вазиятга бир назар ташлайлик. Бизда аҳолининг табиий ўсиши кейинги йилларда бир оз секинлашганига қарамасдан, ҳамдўстлик мамлакатлари орасида энг юқорилигича сақланиб турибди. Кейинги йилларда, республикамизда аҳолининг ўсиши ўртача 1,5 % ни ташкил этмоқда. Бу эса, меҳнат ресурсларини мутаносиб равишда ўсишига олиб келмоқда.

Қуйидаги 2.2.1-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2010 йилда иқтисодиётда жами бандлар 11 628,4 минг кишини ташкил этган. 2010 йилда қишлоқ жойларида бандлар, иқтисодиётда жами бандларга нисбатан 44,1 фоизини ташкил этган бўлса, айнан шу кўрсатгич 2020 йилда иқтисодиётда бандлар 14204,6 минг кишини, қишлоқ жойларида жами бандлар 6 319,1

кишини ташкил этиб, 2020 йил 2010 йилга нисбатан қишлоқ жойларида бандлар 0,3 бирликга ортган.

2.2.1-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларда банд бўлган аҳоли сонининг ўзгариши[63]

№	Йиллар	Иқтисодиётда банд бўлганлар	Жумладан қишлоқ жойларида	Қишлоқ жойларида бандлар, Иқтисодиётда банд бўлганларга нисбатан улуши фоизда
			Сони, минг киши	
1	2010	11 628,4	5131	44,1
2	2015	13 058,3	5 821,8	44,5
3	2016	13 298,4	6 127,4	46
4	2017	13 520,3	6 269,1	46,3
5	2018	13273,1	6 059,7	45,6
6	2019	13541,1	6221,1	45,9
7	2020	14204,6	6 319,1	44,4

2.2.2-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигида банд бўлган аҳоли сонининг ўзгариши[64]

№	Йиллар	Иқтисодиётда банд бўлганлар	Жумладан қишлоқ хўжалигида	Қишлоқ хўжалигида бандлар, Иқтисодиётда банд бўлганларга нисбатан %да
			Сони, минг киши	
1	2010	11 628,4	3127	26,8
2	2015	13 058,3	3610	27,6
3	2016	13 298,4	3646	27,4
4	2017	13 520,3	3690	27,3
5	2018	13273,1	3537	26,6
6	2019	13541,1	3544	26,2
7	2020	14204,6	3560	25,1

[63] Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

[64] Ўзбекистон Республикаси Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган.

2.2.2-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики 2010 йилда қишлоқ хўжалигида бандлар иқтисодиётда банд аҳоли сонига нисбатан 26,8 фоизни ташкил этган. 2020 йилда айнан шу кўрсатгич 25,1 фоизни қайд этган. 2020 йил 2010 йилда қишлоқ хўжалигида бандлар иқтисодиётда банд аҳоли сонига нисбатан 1,7 бирликга пасайган. Аммо 1,7 бирликга пасайишига қарамасдан 2020 йилда иқтисодиёти юксак ривожланган мамлакатларга таққослаганда жами банд аҳоли сонига нисбатан қишлоқ хўжалигида банд аҳоли Францияда 2,5 [65] фоиз, Голландияда 2,0 [66] фоиз, Германияда 1,2 [67] фоиз, Японияда 3,3 [68] фоиз, Испанияда 4,0 [69] фоиз аҳоли банд. Бундан кўринадики мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида деярли 20 фоиз аҳоли қишлоқ хўжалигида самарасиз меҳнат қилмоқда. Бунга асосий сабаблардан бири қишлоқ хўжалигида банд меҳнат қилаётган аҳолининг салоҳияти, замонавий техника-технологиялар ва ускуналар билан таъминланмаганлигини айтишимиз мумкин.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ва унга таъсир эътаётган омилларни аниқлаш ўта мураккаб категориялардан таркиб топади. Бизнинг назаримизда қишлоқ жойларида интелектуал меҳнат салоҳиятини аниқлаш мақсадга мувофиқ. Чунки, меҳнат салоҳияти юқори шахслар юқори иш ҳақи олишни ва қишлоқ жойларида уларнинг бандлик даражаси ортиб боргани сари, қишлоқ жойларининг ижобий ўсишига таъсир этади. Диссертациянинг 1.3 – параграфида бизлар ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг меҳнат салоҳиятини оширишга таъсир этувчи омиллар келтирганмиз. Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг меҳнат салоҳиятини оширишга таъсир этувчи асосий омиллар тушунилар.

2.2.3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики хизмат кўрсатиш соҳасидаги ўртача ойлик иш ҳақи миқдори молиявий ва суғурта фаолияти соҳасида юқори тўланаётганини кўрсатмоқда. Ушбу тармоқлардаги энг паст қисмига соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар соҳалари тўғри келмоқда.

[65] https://data.worldbank.org/indicator/SL.AGR.EMPL.ZS?locations=FR
[66] https://data.worldbank.org/indicator/SL.AGR.EMPL.ZS?locations=NL
[67] https://data.worldbank.org/indicator/SL.AGR.EMPL.ZS?locations=DE
[68] https://data.worldbank.org/indicator/SL.AGR.EMPL.ZS?locations=JP
[69] https://data.worldbank.org/indicator/SL.AGR.EMPL.ZS?locations=ES

2.2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг фаолият турлари бўйича ўртача ҳисобланган ойлик иш ҳақи миқдори *(2019 йил)*[70].

(сўмда)

№	Хизмат кўрсатиш соҳаси		Ишлаб чиқариш соҳаси	
	Тармоқлар	**Иш ҳақи миқдори**	**Тармоқлар**	**Иш ҳақи миқдори**
1	Соғлиқни сақлаш соҳаси ва ижтимоий хизматлар	1534496,2	Саноат	3311284,0
2	Таълим соҳаси	1843036,4	Қишлоқ хўжалиги	2324614,7
3	Ташиш ва сақлаш	2966040,1	Қурилиш соҳаси	2751305,4
4	молиявий ва суғурта фаолияти	4804809,6	-	-
5	Ахборот ва алоқа	3968845,5	-	-
6	Савдо	2462764,1	-	-
7	Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	2046631,1	-	-

Ишлаб чиқариш соҳасида энг юқори ойлик иш ҳаққи миқдорига саноат тармоғи, энг паст қисмига қишлоқ хўжалиги соҳаси тўғри келган. Соғлиқни сақлаш соҳаси билан саноат соҳасини солиштирганда соғлиқни сақлаш соҳаси 1,1 баробарга паст эканлигини кўрсатмоқда. Ишлаб чиқариш соҳасидаги энг кам ойлик иш ҳаққи тўлаётган қишлоқ хўжалиги соҳаси билан ҳам солиштирганда 0,51 баробарга пастдир. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишчи ходимлар инсонларнинг саломатлигини сақлаш ва тиклаш учун доимо ақлий меҳнат босими остида бўлишади. Шу сабабли улар кўпроқ меҳнат қилишади ва уларга тўланаётган ойлик иш ҳақи миқдори жуда оз. Кам тўланаётган ойлик иш ҳақи миқдори сабаб ишга бор куч ва салоҳиятларини сарф этишмайди. Агар ҳато қилишса инсонлар ҳаёти якуни билан тугайди. Келажакда кам ойлик иш ҳақи тўланаётганлиги сабаб, соғлиқни сақлаш соҳаси жиддий муаммоларга учрашини билдиради. Бундай муаммоларга коррупция, пораҳўрлик, таъмагирлик, ҳоказо кабиларни айтиш мумкин. Таълим соҳасида ҳам ҳудди

[70] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитасининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

шундай саноат соҳасига таққослаганда 0,79 баробарга қишлоқ хўжалиги билан солиштирганда 0,26 баробарга камдир. Айнан таълим соҳаси барча соҳаларга рақобатбардош кадрлар етказиб беришга маъсулдир. Шу сабабли муносиб иш ҳаққи тўланмас экан, хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг ҳалқаро жамиятда рақобатбардош кадрларидан умид қилиб бўлмайди.

2.2.4-жадвал

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг соҳа ва тармоқларига киритилган инвестициялар хажми[71].

(фоизда)

№	Иқтисодиёт тармоқлари	Йиллар				2020-2017 йилга нисбатан ўсиш суръати
		2017	2018	2019	2020	
1	Саноат	36,6	33,8	36,2	42,7	116,6
2	Савдо	3,5	4,1	3,8	4,2	120
3	Қишлоқ хўжалиги	8,5	6,4	6,2	8,9	104,7
4	Қурилиш соҳаси	15,3	15,7	14,1	14,2	92,8
5	Ахборот ва алоқа	2,7	1,3	1,4	-	-
6	Соғлиқни сақлаш соҳаси ва ижтимоий хизматлар	2,2	2,2	4,2	2,8	127,2
7	Таълим соҳаси	2,0	2,4	2,8	-	-
8	Ташиш ва сақлаш	6,8	6,8	7,2	-	-
9	молиявий ва суғурта фаолияти	1,1	0,8	0,9	-	-
11	Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш	0,8	1,5	1,7	-	-
12	Бошқалар	20,5	25,0	21,5	27,2	132,6

2.2.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики мамлакат иқтисодиёт тармоқларига киритилаётган инвестициялар ҳажми бўйича юқори кўрсатгич ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳаларга тўғри келмоқда. Хусусан саноат соҳасига киритилган инвестициялар миқдори 2020 йилда жами киритилган 100 фоиз улушига нисбатан 42,7 фоизини ташкил этган 2020 йилни 2017 йил билан таққослаганда 116,6 фоизга ўсган. Қишлоқ хўжалиги соҳаси 8,9 фоизни 2020

[71] Жадвал Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитасининг “Ўзбекистон рақамларда” номли статистик тўплами Т.: 2020 й, 185-186 бетлар.

йилни 2017 йил билан таққослаганда 104,7 фоизга ўсган. Қурилиш соҳаси 2020 йилда 14,2 фоизни 2020 йилни 2017 йил билан таққослаганда 92,8 фоизни қайд этиб пасайган. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳаларни, хизмат кўрсатиш билан боғлиқ соҳаларга таққослаганда 60-67 фоиз киритилган инвестициялар улуши ишлаб чиқариш билан боғлиқ соҳаларга тўғри келмоқда. Айнан ишчи ҳодимларнинг меҳнат салоҳияти ошишига боғлиқ бўлган хизмат кўрсатиш соҳаларига киритилган инвестициялар миқдори ачинарли аҳволда. Хусусан ахборот ва алоқа, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар, таълим соҳаси, молиявий ва суғурта фаолиятига киритилган инвестициялар миқдори 2019 йилда жами улушига нисбатан 1,0 фоиздан 2,6 фоизгача бирликни қайд этган.

Жаҳон мамлакатларида иқтисодиёт тармоқлари бўйича таққослаганда, жумладан, Жанубий Корея Республикасида асосий капиталга инвестицияларнинг сўнгги йилларда ўртача 32-33 фоиз ишлаб чиқариш соҳасига, 20-22 фоиз кўчмас мулк билан боғлиқ фаолиятга, 12 фоиз атрофида давлат бошқаруви ва ҳимояси, мажбурий ижтимоий ҳимоя тармоғига, 6-7 фоиз транспорт ва сақлаш соҳасига, 5 фоиздан ортиқ ахборот ва алоқа тармоғига, 4-5 фоиз электр, газ, буғ ва ҳаво ҳайдаштармоғига, 0,1 фоиз тоғ-кон саноатига йўналтирилган[72].

Юқорида келтирилган чет эл мамлакатида жалб қилинган инвестицияларнинг иқтисодиёт тармоқлари бўйича таркибида ишлаб чиқариш соҳаси, кўчмас мулк билан боғлиқ фаолият, транспорт ва сақлаш соҳасига тўғри келган. Ахборот ва алоқа соҳасини бизнинг мамлакатимизга киритилган инвестиция миқдори билан солиштирганда 4 баробарга Жанубий Кореяда ортиқ эканлигини кўрсатмоқда. Тоғ кон саноатига йўналтирилган инвестициялар миқдори бизнинг мамлакатда асосий қисмни ташкил этса Жанубий Кореяда энг қуйи бўғинлардан бирини ташкил этади. Шу сабабли бизнинг мамлакатимизда хизмат кўрсатиш соҳаси ходимларининг салоҳиятини оширишга кўпроқ зарурат сезмоқда.

[72] https://stats.oecd.org/Index.aspx?DataSetCode=SNA_TABLE8# (10.02.2021)

Хизмат кўрсатиш соҳаларида банд ишчи ходимнинг салоҳиятини ошириш аввало инвестиция қуйилмаларига юқори боғлиқ. Сабаби, инвестиция қуйилмаси ўзи билан соҳага инновацияни, техник-технологик янгиланишни, рақобатбардош замонавий муҳитни ва умуман ривожланишни таъминлашга хизмат қилади. Хулоса қилиб шуни айтишимиз мумкинки юқорида қайд этганимиздек соғлиқни сақлаш соҳаси ходим саломатлигини сақлаш ва тиклашга хизмат қилса таълим соҳаси барча соҳаларга салоҳиятли кадрлар билан таъминлашга хизмат қилади.

Аҳолининг иш билан бандлиги кўп укладли иқтисодиётнинг муҳим ижтимоий жиҳати шундаки, бу билан кишиларнинг даромади ҳосил бўлади, улар ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топади, қобилият ва истеъдодларини юзага чиқара олади. Кўп укладли тузилма эса, иш билан бандликнинг усули ва таркибини янгилайди, унинг янги шаклларини юзага келтиради.

Иш билан бандлик характери кишиларнинг мулкий мақомига боғлиқ бўлади. Капитал соҳиблари тадбиркорлик билан банд бўлсалар, меҳнат аҳли ёлланиб ишлайди. Иш билан бандлик даражасини меҳнат бозоридаги талаб белгилайди, аммо бозор талаби доирасида иш билан бандлик шаклини танлаш имкони мавжуд бўлади. Аҳолининг иш билан бандлигини таминлаш дунё миқиёсида глобал муаммо саналади. Шу сабабли аҳоли бандлигини таъминлашга таъсир этаётган омиллар ҳам мураккаблашиб бормоқда. Бизнинг фикримизча қишлоқ жойларида аҳоли бандлигини таъминлашга қишлоқ жойларда бандлар сони, ЯИМ, аҳоли даромади, инфлация даражаси, иш ҳаққи, қишлоқ жойларида мавжуд тадбиркорлик субъектлари сони ва аҳоли сони таъсир этаётган омиллардан деб ҳисоблаймиз (2.2.1-жадвал).

Аҳоли бандлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар турли тадқиқотчилар томонидан ўрганилган бўлиб, умумий ҳолда бандликка таъсир этувчи омилларни 2 гуруҳга – ташқи ва ички омиллар гуруҳига ажратиш мумкин[73].

[73] Узякова Е.С., Узяков М.Н. Занятость и эффективная занятость в российской экономике // Проблемы прогнозирования. — 2011. — № 6. — С. 89-101.

Аҳоли бандлиги омиллар таъсири остида ўрганиш ҳолати ва уни турли эконометрик моделлар ёрдамида прогнозлаш хорижий олимлардан С.Г.Резинкина[74], А.Г.Коровкин, И.Н.Долгова[75], В.А.Гневашева[76] ва бошқа олимлар томонидан ўрганилган. Иқтисодиётнинг барқарор ўсиш омиллари, бозор мувозанатининг макроиқтисодий кўрсатгичларини эконометрик моделлаштиришда ҳам, ўзбек тадқиқотчи олимлари Ю.К.Мухамедов[77], Ҳ.Т.Мухитдинов[78]лар томонидан илмий нуқтаи-назардан тадқиқ этилган.

Эконометрик моделни тузишда биз қуйидаги гипотезага асосландик:

$\boldsymbol{H_0}$ – Олтита омилнинг камида биттаси эрксиз ўзгарувчига (қишлоқ жойларда банд аҳоли сони) таъсир кўрсатади.

$\boldsymbol{H_1}$ – Олтита омилнинг ҳеч бири эрксиз ўзгарувчига (қишлоқ жойларда банд аҳоли сони) таъсир кўрсатмайди.

Юқоридаги ноль гипотезани текшириш мақсадида қуйидаги назарий модельни тузамиз:

$$y = \mathbf{a} + \boldsymbol{\beta}\, X_1\, X_2 X_3 X_4 X_5 X_6 + u$$

Бу ерда: $\boldsymbol{Y}$ - қишлоқ жойларида бандлар сони, $\boldsymbol{X_1}$ ЯИМ млрд, сўмда, $\boldsymbol{X_2}$ қишлоқ жойларидаги аҳоли сони, $\boldsymbol{X_3}$ аҳоли жон бошига умумий даромадлар минг сўмда, $\boldsymbol{X_4}$ иш ҳаққи минг сўмда, $\boldsymbol{X_5}$ инфлация даражаси фоизда, $\boldsymbol{X_6}$ фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони, $\mathbf{u}$ – хатолик, $\boldsymbol{\beta}$ – коэффициент, $\mathbf{a}$ – озод ҳад акс этган.

[74] Резинкина С.Г. Модели анализа занятости и безработицы в России. Автореферат диссертации на соискание уч. степ. канд. экон. наук. – Ростов- на-Дону.: 2004 г. – 28 с.

[75] Коровкин А.Г, Долгова И.Н., Королев И.Б. Региональная занятость на структурно несбалансированном рынке труда России // Служба занятости. 2012. № 9.

[76] Гневашева В.А., Лебедева А.В. Прогнозирование занятости с помощью инверсионной производственной функции. Проблемы прогнозирования. 2012. №6.

[77] Мухамедов Ю.К. Барқарор ижтимоий-иқтисодий ўсишнинг омиллари ва эконометрик моделлари. Иқтисод фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2006, - 47 б.

[78] Мухитдинов Ҳ.Т. Бозор мувозанати макроиқтисодий кўрсаткичларини эконометрик моделлаштириш. Иқтисод фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация автореферати. – Т.: 2001, - 23

2.2.3-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларида аҳоли бандлигини таъминлашга таъсир этувчи омиллар[79]

№	Кўрсаткич	Йиллар									
		2011	**2012**	**2013**	**2014**	**2015**	**2016**	**2017**	**2018**	**2019**	**2020**
1	Қишлоқ жойларида бандлар сони **(*Y*)** (минг киши)	5517,2	5699,3	5611,8	5690,9	5821,8	6127,4	6269,1	6059,7	6359,6	6423,1
2	ЯИМ **(*X1*)** млрд, сўм.	96949,5	120242,0	144548,2	177153,9	210183,1	242495,5	302536,8	406648,5	511838,0	580 203,2
3	Қишлоқ жойларидаги аҳоли сони **(*X2*)** (минг киши)	14226	14412,2	14623,4	14937,6	15274,5	15611,4	15869,7	16124	16448,8	16 761,1
4	Аҳоли жон бошига умумий даромадлар **(*X3*)** минг сўм	1897,9	2565,3	3361,5	3832,8	5070,5	5810,0	6817,6	8580,0	10266,1	10389,6
5	Иш ҳаққи **(*X4*)** минг сўм	403934	521708	643158	765834	909621	1009772	1169676	1544726	1611331	1719608
6	Инфлация даражаси фоизда **(*X5*)**	7,6	7,0	6,8	6,1	5,6	5,7	14,4	14,3	15,2	11,1
7	Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони **(*X6*)**	203063	208276	212989	221785	230543	245848	327778	346370	386787	410006

[79] Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қумитаси маълумотлари асосида муллиф томонидан тузилди.

2.2.4-жадвал

Корреляция матрицаси[80].

-	*Қишлоқ жойларида бандлар сони* (y)	ЯИМ млрд, сўм. (x_1)	*Қишлоқ жойлардаги аҳоли сони* (x_2)	*Аҳоли жон бошига умумий даромадлар) минг сўм* (x_3)	*Иш ҳаққи минг сўм* (x_4)	*Инфлация даражаси фоизда* (x_5)	*Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони* (x_6)
y	1	0.9031	0.9549	0.9312	0.9126	0.7029	0.9123
x_1	0.9031	1	0.9646	0.9849	0.9777	0.7355	0.9798
x_2	0.9549	0.9646	1	0.9882	0.9873	0.7067	0.9488
x_3	0.931	0.9849	0.9882	1	0.9947	0.7546	0.9691
x_4	0.9126	0.9777	0.9873	0.9947	1	0.7507	0.9626
x_5	0.7029	0.7355	0.7067	0.7546	0.7507	1	0.8431
x_6	0.9123	0.9798	0.9488	0.9691	0.9626	0.8431	1

Биз, ушбу эконометрик амални экзел дастурига тушуриш орқали бажарамиз.

Эконометрик амални экзел дастурига тушириш орқали юқоридаги натижаларга эга бўлдик:

2.2.4-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдики омиллар ўртасида корреляцион боғланиш юқори натижани қайд этган. (> 0.7) демак бизда мултиколлинярлик муаммоси мавжуд. Шу сабабли биз юқори даражада колленияр бўлган омилларни регрессия тенгламасидан фойдаланиб ҳар бир омилни алоҳида кетма-кет текшириш орқали регрессия натижаларини текшириб борамиз ва шу орқали юқори таъсир этувчи омилларни аниқлаб оламиз. Омиллар ичида $\boldsymbol{Y}$ га $\boldsymbol{X_5}$ ва $\boldsymbol{X_6}$ омиллар юқори таъсир этаётганлиги

[80] Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган

сабабли улар бўйича регрессия тенгламасини тузамиз. Таҳлил натижасида қуйидаги регрессия тенгламаси ҳосил бўлди.

Y=4860,7+0,0457*X6+-19,1952*X5

2.2.5-жадвалда $\boldsymbol{p}$ қиймат $\boldsymbol{X_5}$ ва $\boldsymbol{X_6}$ омиллари 0,1 дан кичик эканлигини кўришимиз мумкин. Демак, $\boldsymbol{X_5}$ ва $\boldsymbol{X_6}$ жадвал модулдаги коэффициент статистик аҳамиятга эга. Қолган омилларнинг таъсири эса статистик аҳамиятга эга эмаслиги аниқланди. Қуйида регрессия натижалари келтирилган:

2.2.5-жадвал

Корреляцион модел натижаси[81].

	P>F	*R квадрат*	*Коэффициентлар*	*Стандарт хатолик*	*t-статистика*	*P-Қиймат*
Қишлоқ жойларида бандлар сони (y)	16.83	0.85	4952,768	262,37	17,45828246	0.000
Инфлация даражаси фоизда (X5)			-19,1952	32,597	-1,952999163	0,052311
Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (X6)			0,0457	0,0019	3,539156251	0,012231

Демак бизнинг моделда инфлация даражаси ва корхона ва ташкилотлар сони қишлоқ жойларда банд аҳоли сони ўзгаришининг 85 фоизини тушунтириб берар экан. Шу билан бирга ҳар иккала омил 95 фоиз ишончлилик даражасида статистик аҳамиятга эга. Инфляция даражасининг 1 фоизга ўсиши қишлоқ жойларда бандлар сонини 19 тага камайтиради, корхона ва ташкилотлар сонининг 1 тага кўпайиши қишлоқ жойларда бандлар сонини 4 тага кўпайишига олиб келади.

[81] Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган

2.3.§ Қишлоқ жойларда аҳоли бандлигини оширишда хизмат кўрсатиш соҳасининг таъсири тахлили

Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси улуши ортиб бормоқда. Бу мамлакат иқтисодиётида ҳам узининг ижобий аҳамиятини касб этмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳасининг ўсиш суръатидаги ҳиссаси ошиб борган сари қишлоқ жойлардаги аҳоли бандлигини таъминлаш осонлашади ва мамлакат иқтисодиётига ҳам ижобий таъсир этади.

Аммо, хизматлар соҳаси ва иқтисодиёт тармоқларининг ўсишига қарамасдан меҳнат ресурслари доимий аҳолининг 57,1 фоизини ташкил этади[82]. Ўзбекистон мустақиллик йилларидан бошлаб меҳнат ресурсларидан унумли фойдаланишни устувор вазифалар қаторига киритди. Ҳар йили минглаб янги иш ўринларини яратиш орқали уларни иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратаяпти. Шу сабабли ҳам республикамизда охирги ўн йил ичида бандлик даражаси 67,0 фоиздан юқори[83].

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида аҳоли бандлигини ошириш, турмуш даражасини яхшилаш ва фаровонлигини таъминлашдек долзарб вазифа белгиланган. Ушбу вазифани амалга оширишнинг ягона йўли, ҳар бир ишлаб чиқариш омилидан унумли фойдаланишдир.

Ушбу омилларни аниқлаш ва таҳлил этиш учун статистик кўрсатгичлар зарур. Аммо, қишлоқ жойларига тегишли бўлган статистик рақамлар етишмаслиги тадқиқот таҳлилларида мураккаблик келтириб чиқармоқда. Ушбулардан келиб чиқиб бизлар ҳам қишлоқ жойларида манашундай муаммоларга дуч келдик ва социологик сўров анкетасини ишлаб чиқдик.

Шу сабабли тадқиқотларимизда республикамизнинг турли минтақаларида ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнида фойдаланмасдан, эътибордан четда қолаётган ресурсларни аниқлади. Шулардан бири, кунлик меҳнат бозорига чиқаётган ишчи кучларидир. Улар бизнинг ҳисобимиз бўйича ҳар бир

[82] www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари.
[83] www.stat.uz Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика Қўмитаси маълумотлари.

вилоятда қарийб минг кишини ташкил этади. Кунлик меҳнат бозорига чиқувчилар кунлик даромад топиш билан рўзғорини тебратаяпти. Иш берувчининг талабини қондираяпти. Қайсидир жиҳатдан миллий махсулот ва хизмат кўрсатишда иштирок этаяпти. Демакки, кунлик меҳнат бозори ҳам мамлакат тараққиёти учун муҳим роль ўйнайди. Аммо кунлик меҳнат бозорида иш берувчи ва кунлик ишловчи ўртасида муносабатларни тартибга соладиган мукаммал қонун-қоидалар йўқлиги учун баъзи муаммолар келиб чиқаяпти. Масалан, кунлик меҳнат бозоридан ёлланган ишчилар иш жараёнида бахтсиз ҳодиса оқибатида жароҳат кўрсада ҳуқуқий ва моддий ёрдам кўрсатилмаслиги сабабли жабр кўраяпти. Ёки айтайлик, иш берувчи ҳам кунлик ишловчининг меҳнатидан қониқмаётганлиги сабабли унга нисбатан аниқ чора кўраолмаяпти. Бундай ҳолат кунлик меҳнатга чиқувчилар ва иш бурувчилар ўртасида турли низоларни келтираяпти. Шунинг учун бизлар кунлик меҳнат бозорини тарибга солиш ундаги ишчи кучлари меҳнатидан мамлакат равнақи йўлида унумли фойдаланиш мақсадида «Меҳнат марказини» ташкил этишни тавсия этаяпмиз. Кунлик меҳнат бозорида «Меҳнат маркази» ташкил этилса юқорида кўрсатиб ўтилган муаммолар ўз ечимини топган бўлар эди. Шу мақсадда Самарқанд вилояти туман ва шаҳарларида кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларидан социологик сўров ўтказилди. Социологик сўров жараёнида кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг «Меҳнат марказини» ташкил этиш тўғрисида фикрлари ҳам ўрганилди. Шунингдек, кунлик меҳнат бозорининг ўзига хос қулайликлари, ундаги ишловчиларнинг ҳар кунги ҳолати, иш ҳаққисини нимага асосан белгилаши, кунлик меҳнат бозоридаги ишловчиларнинг таркиби, кунлик топаётган даромадидан қониқиши, «Меҳнат маркази»да қандай хизмат турлари кўрсатилиши тўғрисида баён этилган.

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчи кучлардан мамлакат равнақи йўлида унумли фойдаланиш мақсадида Самарқанд вилоятнинг бир неча туманларида социологик тадқиқот ўтказилди. Сўровларга жами 200 нафар ёлланма ишчилар жалб қилинган бўлиб, улардан 136 нафари (68%) эркаклар, 64 нафари (32%) аёллардан иборат (2.3.1-расм).



2.3.1-расм. Сўралганларни жинси бўйича таркиби[84]

Тадқиқот жараёнида ёлланма ишчиларнинг ёши ҳам ўрганилди. Ўрганиш жараёнида маълум бўлдики кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг аксарияти меҳнатга лаёқатлиларни ташкил этган. Жумладан, 18-24 ёш атрофдагилар 27 фоизни, 24-30 ёшдагилар 22 фоизни, 30-36 ёшдагилар 26 фоизни, 36 ёшдан юқори бўлганлар эса 25 фоизни ташкил этган (2.3.1-жадвал).

2.3.1-жадвал

Сўралганларнинг ёши бўйича таркиби[85]

Жавоблар мазмуни	**Ишловчилар сони, киши**	**Ишловчилар улуши, %**
18-24	53	27
24-30	44	22
30-36	52	26
36 ёшдан юқори	51	25
Жами	**200**	**100**

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг ҳозирги вақтдаги социал аҳволи ўрганилганда ишсизлар билан бирга тўлиқ банд бўлмаган кишилар борлиги ҳам аниқланди. Сўровларда иштирок этганларнинг 47 фоизи ишсизлар, 21 фоизи эса ўқувчи талабалар, 20 фоизи эса иш билан тўлиқ банд бўлмаганлар, (яъни ҳафтада тўлиқ иш билан банд бўлмаганлар) қолган 12 фоизи ёши улуғ пенсионерлар ташкил этган (2.3.2-расм).

[84] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган
[85] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган



2.3.2-расм. Сўралганларнинг ижтимоий аҳволи[86]

Социологик сўровлар кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг 17 фоизи олий маълумотли, 50 фоизи ўрта махсус маълумотга эга бўлган кишиларни ташкил этишини аниқлади. Қолган 33 фоизи эса тўлиқсиз ўрта маълумотлилардир. Умуман олганда кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг асосан кўпчилиги маълум маълумотга ва касб-ҳунарга эга бўлган кишилардир (2.3.3-расм).



2.3.3-расм. Сўралганларнинг маълумоти бўйича таркиби[87]

Уларга “Оилавий аҳволингиз қандай” деб берилган саволга 68 фоизи оилали эканлиги ва даромад топиш мақсадида кунлик иш излаб бозорга чиққанлигини айтишган. 32 фоизи уйланмаган (турмушга чиқмаган) ёшлардир (2.3.4-расм).

[86] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган
[87] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган



2.3.4-расм[88]. Оилавий аҳволингиз.

Кунлик меҳнат бозорида ўтказилган сўровномада иштирок этган 200 нафар ёлланма ишчилардан касблари бўйича савол берилганда, улардан кўпчилиги, яъни 19 фоизи қурувчи, 17 фоизи эса ҳайдовчи касбига эга эканлигини айтишди. Қолган 3 фоизни ташкил этган касблар - инженер, ҳисобчи, тикувчилардир. Шунингдек, кунлик меҳнат бозорида ҳамшира, дурадгор ва аграном касбига эга бўлган ёлланма ишчилар 2 фоизни, ўқитувчи касбига эга бўлганлар эса 5 фоизни ташкил этган (2.3.2-жадвал).

2.3.2-жадвал

Касбингиз[89]

Жавоблар мазмуни	**Ишловчилар сони , киши**	**Ишловчилар улуши, %**
Хайдовчи	33	17
Инженер	5	3
Ҳисобчи	6	3
Иқтисодчи	11	6
Ўқитувчи	10	5
Қурувчи	38	19
Сартарош	11	6
Шифокор	5	2
Ҳамшира	3	2
Тикувчи	6	3
Тўқувчи	2	1
Дурадгор	5	2
Агроном	3	2
бошқа	62	31
Жами	**200**	**100**

[88] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган
[89] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган

Кунлик ёлланма меҳнат бозоридаги ёлланма ишчилардан “Кунлик иш излаб ҳар куни чиқасизми” деган савол берилганда улардан 61 фоизи бўш вақтида иш излашини, қолган 39 фоизи эса ҳар куни бозорга даромад топиш учун иш излаб чиқишини айтишган.

Демак, маълумотлар кунлик меҳнат бозорида фақат ишсизлар эмас, балки иш билан банд бўлганлар ҳам аксарият қисмини ташкил этганлигини кўрсатаяпти (2.3.3-жадвал).

2.3.3-жадвал

Кунлик иш излаб ҳар куни чиқасизми[90]?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Ҳа	77	39
Бўш вақтимда	123	61
Жами	**200**	**100**

Сўровномада иштирок этган ёлланма ишчилардан кунлик даромадлари тўғрисида сўралганда уларнинг 29 фоизи 100 минг сўм даромад топишини, 31 фоизи 100 минг сўмдан 120 минг сўмгача баъзи ҳолларда 150 минг сўм даромад топишини билдиришган. Қолган 81 нафари ёлланма ишчилар ҳам 100-110 минг атрофида даромад топишини айтишган (2.3.4-жадвал).

2.3.4-жадвал

Бир кунлик даромадингиз[91]?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
100минг сўм	57	29
100-150 минг сўм	62	31
Бошқа	81	40
Жами	**200**	**100**

Респондентлардан “Сизга доимий ишга банд бўлиш учун бир ойда қанча маош тўланишини истайсиз?” деган савол билан мурожаат қилинганда 67 фоизи 1800.0 минг сўмдан юқори бўлишини, шунингдек 9 фоизи ҳам 1800.0

[90] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган
[91] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган

минг сўм тўласа мақсадга мувофиқ эканлигини билдиришган. Қолган 10 фоизи 1500.0 минг сўмни, 7 фоизи эса 1.0 миллион сўм тўланишини исташган.

Демак, респодентларнинг аксарияти, яъни 76 фоизи ўртача иш ҳақидан юқори иш ҳақи тўланишина ҳоҳиш билдираяпти. Бироқ, бугунги кундаги хўжалик юритувчи субъектлар ишчиларга ўртача иш ҳақидан 2-3 мартага кам миқдорда иш ҳақи тўлаяпти. Юқорида ёлланма ишчиларнинг билдирган фикрлари шундан далолат бераяпти (2.3.5-жажвал).

2.3.5-жадвал

Сизга доимий иш билан банд бўлишингиз учун бир ойда қанча маош тўлашини истайсиз[92]?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
600 минг сўм	15	7
1 млн сўм	15	7
1.5 млн сўм	19	10
1.8 млн сўм	19	9
1.8 млн сўмдан юқори	132	67
Жами	**200**	**100**

Шу сабабли ишчилар иш билан банд бўлсада, бўш вақтларида даромад топиш мақсадида кунлик меҳнат бозорига чиқишади (200 нафарадан 123 нафари).

Респондентлардан “Кунлик ёлланма ишдан топган даромадингиз сизни қаноатлантирадими?” деган савол билан мурожаат қилинганда 26 фоизи “Ҳа қаноатлантиради” деган жавобни беришган. 29 фоизи эса кунлик меҳнатидан топган даромади, уларни қаноатлантирмаслигини, эхтиёжлари қондирмаслигини билдиришган. Шунингдек, қолган 45 фоизи ҳам “баъзан қаноатлантиради” деган жавобни белгилашган. Тадқиқотлар кунлик меҳнат бозори орқали даромад топиб, эхтиёжини қондирувчилар жами сўровда иштирок этган ёлланма ишчиларнинг 71 фоизини ташкил этганлигини аниқлади (2.3.6-жадвал).

[92] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган

2.3.6-жадвал

Кунлик ёлланма ишдан топган даромадингиз сизни қаноатлантирадими[93]?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Ҳа қаноатлантиради	51	26
Йўқ қаноатлантирмайди	59	29
Баъзан қаноатлантиради	90	45
Жами	**200**	**100**

Кунлик меҳнат бозоридаги ишчилардан “Ҳар доим иш топа оласизми?” деган савол билан мурожаат қилинганда уларнинг 31 фоизи “Ҳа”, 38 фоизи эса “Йўқ” деган жавобни беришган. Умуман олганда социологик тадқиқотларимиз кунлик меҳнат бозорида ёлланма ишчиларнинг 62 фоизи иш топишини аниқлади. Модомики, кунлик меҳнат бозорида ёлланма ишчиларнинг 50 фоиздан ортиғи кунлик иш топиш имконига эга бўлса, ва уларнинг топган даромадлари маълум эхтиёжларини қондиришга етса ушбу бозорни ташкилий ва ҳуқуқий томонларини тартибга солиш лозим бўлади.



2.3.5-расм. Ҳар доим иш топа оласизми[94] ?

Шунингдек, ёлланма ишчилардан “Меҳнат бозорида кунлик иш билан шуғулланишда ўзингизни ноқулай хис қилмайсизми?” деган савол берилганда 34 фоизи “Йўқ меҳнат қилиб даромад топаяпман”, 32 фоизи эса “Кўникканман” - деган жавобларни беришган. Ушбу маълумотлардан кунлик меҳнат бозорига чиқувчилар ўзларини ҳар қандай ҳолатда ҳам ноқулай хис этмаслигини билиш мумкин. Кунлик меҳнат бозорида ёлланма ишчиларнинг

[93] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган
[94] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган

бундай ҳолатлари уларни доимо фаол иштирок этишига ундайди (2.3.7-жадвал).

2.3.7-жадвал

Меҳнат бозорида кунлик иш билан шуғулланишда ўзингизни ноқулай ҳис килмайсизми[95]?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Танишларимни кўрсам ноқулай ҳис этаман	68	34
Йўқ меҳнат қилиб даромад топаяпман	68	34
Кўникганман	64	32
Жами	**200**	**100**

Кунлик меҳнат бозоридаги ишчилардан қуйидаги савол берилганда, “Кунлик меҳнат бозорида ишингизни қонуний расмийлаштиришни хоҳлайсизми ?”. 74 фоиз ишловчилар “Ҳа” - деган жавобни, 26 фоизи эса “Йўқ”- деган жавобни белгилашган. Ушбу маълумотлардан кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчилар яхши даромад олаётганлигини билиш мумкин (2.3.6-расм).



2.3.6-расм. Кунлик меҳнат бозорида ишингизни қонуний расмийлаштиришни хохлайсизми[96]?

[95] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган
[96] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган

Ёлланма ишчилардан “Кунлик меҳнат бозорида ишингизни қонуний расмийлаштиришни хоҳлайсизми ?” деган саволга “Ҳа” деб жавоб берган ишчилардан сабаби сўралганда уларнинг 37 фоизи қонундаги имтиёзлардан фойдаланишини, 33 фоизи иш стажи инобатга олинишини, 19 фоизи эса ҳуқуқларим ҳимояланишини истайман - деган жавобларни белгилашган. Қолган 11 фоизи кунлик бозорни тартибга солиш учун зарур эканлигини айтишган. Демак, кунлик меҳнат бозори ёлланма ишчиларнинг қўшимча даромад топиш имконини берар экан, ушбу бозор учун маълум тартибни жорий этиш ва унда ёлланма ишчиларнинг ҳуқуқлари ва инсоний шаъни ҳимоя қилиниши ҳамда қонунда кўрсатилган бошқа имтиёзлардан фойдаланиши назарда тутилиши керак (2.3.8-жадвал).

2.3.8-жадвал

Агар “Ҳа” бўлса нима сабабдан[97]?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Қонундаги имтиёзлардан фойдаланаман	27	37
Ҳуқуқларим ҳимояланади	14	19
Иш стажи инобатга олинади	24	33
Бошқа	9	11
Жами	**74**	**100**

Ёлланма ишчилардан “Кунлик меҳнат бозорида ишингизни қонуний расмийлаштиришни хоҳлайсизми ?” деган саволга “Йўқ” деб жавоб берган ишчилардан сабаби сўралганда эса уларнинг 34 фоизи “Қонун ҳимоясига ишонмаслигини” 33 фоизи ҳар куни чиқмаганлиги сабабли “шарт эмас”, 18 фоизи эса “Зарурат сезмайман” мазмундаги жавобларни белгилаган бўлса, қолган 15 фоизи эса бошқа сабабларни келтирган (2.3.9-жадвал).

[97] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган

2.3.9-жадвал

Агар “Йўқ” бўлса нима сабабдан[98]?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Шарт эмас ҳар доим ишга чиқмайман	66	33
Зарурат сезмайман	36	18
Қонун ҳимоясига ишонмайман	68	34
Бошқа	30	15
Жами	**200**	**100**

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларга “Меҳнат маркази” ташкил этилса рўйхатдан ўтармидингиз? деган савол билан мурожаат қилинганда 64 фоиз ёлланма ишчилар “Ҳа” мазмундаги жавобни қолган 36 фоизи “Йўқ” мазмундаги жавобни белгилашган. Модомики, кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг деярли кўпчилиги “Меҳнат маркази”ни ташкил этишни истар экан, кунлик меҳнат бозорини тартибга солиш, ёлланма ишчи ва иш берувчилар ўртасида турли низоларни қонун доирасида ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш, меҳнат ҳақини белгилаш, иш турларини таклиф этишнинг замонавий кўриниши жорий этишга тўғри келади (2.3.7-расм).



2.3.7-расм. Кунлик меҳнат бозорида “Меҳнат маркази” ташкил этилса рўйхатдан ўтармидингиз[99]?

Ёлланма ишчилардан “Иш излаб шаҳар ёки туманлардаги бандликка кумаклашМеҳнат марказларига мурожаат қилганмисиз?”- деган мазмундаги савол берилганда социологик сўровномада иштирок этган 200 нафар

[98] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган
[99] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган

ишчилардан атиги 18 фоизи “Ҳа”, деган жавобни белгилаган бўлса, қолган 36 фоизи “Йўқ”, 29 фоизи “Фойдаси йўқ”, 17 фоизи эса ҳатто “Бу ташкилот ҳақида эшитмаганман” деган жавобларни белгилашган.

Бизнинг назаримизда ёлланма ишчиларнинг деярли аксарияти бандликка кўмаклашМеҳнат марказларига мурожаат қилишган. Чунки 29 фоиз ишчилар “Фойдаси йўқ” мазмундаги жавобни белгилаши бандликка кўмаклашМеҳнат марказларига мурожаат қилганлигини ёки ушбу ташкилот тўғрисида маълумотга эга эканлигини англатади (2.3.10-жадвал).

2.3.10-жадвал

Иш излаб шаҳар ёки туманлардаги бандликка кумаклашиш Меҳнат марказларига мурожаат қилганмисиз[100]?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши,%
Ҳа	35	18
Йўқ	73	36
Фойдаси йуқ	58	29
Бу ташкилот ҳақида эшитмаганман	34	17
Жами	**200**	**100**

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчилардан “Меҳнат маркази” қандай хизмат турлари кўрсатишини истайсиз? деган савол билан мурожаат қилинганда, ёлланма ишчиларнинг 26 фоизи “Иш топиб бериш хизматини”, 25 фоизи эса “Ёшига ва касб-ҳунарига мос иш топиб беришини”, 20 фоизи “Доимий ишга жойлаштириш хизматини”, 13 фоизи “Иш стажини қайд этиш хизматини”, қолган 11 ва 5 фоизи эса иш берувчилар билан келишмовчиликлар юзага келганда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизмати кўрсатишини истаганлар.

Тахлиллар социлогик сўровномада иштирок этган 200 нафар ёлланма ишчилардан 84 фоизи “Меҳнат маркази” иш топиб бериш ва бошқа хизмат турларини кўрсатишини аниқлади (2.3.11-жадвал).

[100] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган

2.3.11-жадвал

Кунлик меҳнат бозорида “Меҳнат маркази” қандай хизмат турлари кўрсатишини истайсиз[101]?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Иш топиб бериш хизматини	52	26
Доимий ишга жойлаштириш хизматини	39	20
Иш стажини қайд этиш хизмати	27	13
Ёшига ва касби-ҳунарига мос иш топиб беришини	50	25
Иш берувчилар билан келишмовчиликларни ҳал этиш ҳизмати	10	5
Ҳуқуқларимиз ва шаънимизни ҳимоя қилиш ҳизмати	22	11
Жами	**200**	**100**

Шунингдек, ёлланма ишчилардан “Меҳнат маркази” Сизга қандай хизмат кўрсатгани учун унга ўз фойдангиздан маълум фоизда пул тўлашни истайсизми? мазмундаги савол берилганда қарийб ярими яъни 43 фоизи “Ҳа” деган жавобни беришган. Қолган 26 фоизи фақатгина иш топиб беришини, 22 фоизи эса “Меҳнат маркази” хизмат кўрсатгани учун ўз фойдасидан фоиз тўламаслигини ва 9 фоизи эса турли хизматларини жумладан иш берувчи ҳисобидан тўланишини ёки шарт эмас мазмундаги жавобларни белгилашган (2.3.12-жадвал).

2.3.12-жадвал

Кунлик меҳнат бозоридаги “Меҳнат маркази” сизга ҳизмат кўрсатгани учун унга ўз фойдангиздан маълум фоизда пул тўлашни истайсизми[102]?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Ҳа	86	43
Йўқ	43	22
Иш топиб беришини ҳоҳламайман	53	26
Бошқа	18	9
Жами	**200**	**100**

[101] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган
[102] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган

Ёлланма ишчилардан кунлик меҳнат бозорининг қандай қулайликлари мавжудлиги тўғрисида сўралганда уларнинг аксарияти, яъни 44 фоизи “Келишилган иш жойига бориш ва овқатланиш харажатлари иш берувчи томонидан қопланиши”, 39 фоизи эса “Кунлик даромадга эга бўлиш” қулайлигини айтишган. Ҳатто, 3 фоизи ишни муддатидан олдин бажариб бўлишини билдирган. Қолган 5 фоизи доимий иш топиш мумкинлигини кўрсатган. Атиги 6 фоизи эса меҳнат бозорида қулайликлар мавжуд эмаслигини ва 3 фоизи эса бошқа сабабларини жумладан иш сўраб юриш ноқулай эканлигини айтишган (2.3.13-жадвал).

2.3.13-жадвал

Кунлик меҳнат бозорида қандай қулайликлар мавжуд[103]?

Жавоблар мазмуни	**Ишловчилар сони, киши**	**Ишловчилар улуши,%**
Келишилган иш жойига бориш ва овқатланиш ҳаражатлари иш берувчи томонидан қопланиши	87	44
Кунлик даромадга эга бўлиш	79	39
Ишни муддатидан олдин тугатиш	7	3
Доимий иш топиш осонлиги	9	5
Қулайликлар мавжуд эмас	12	6
Бошқа	6	3
Жами	**200**	**100**

Ёлланма ишчилардан “Кунлик меҳнат бозорини тартибга солинишини истайсизми?”- деб сўралганда 62 фоизи “Ҳа”, 18 фоизи “Йўқ”, 20 фоизи “Шарт эмас” деган жавобларни белгилашган. Социологик тадқиқотларимиз ёлланма ишчиларнинг кўпчилиги кунлик меҳнат бозорини тартибга солинишини истаётганлиги аниқлади (2.3.14-жадвал).

2.3.14-жадвал

Кунлик меҳнат бозорини тартибга солинишини истайсизми[104]?

Жавоблар мазмуни	**Ишловчилар сони, киши**	**Ишловчилар улуши %**
Ҳа	123	62
Йўқ	36	18
Шарт эмас	41	20
Жами	**200**	**100**

[103] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган
[104] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларга “Кунлик меҳнат бозорида қандай имтиёзлар бўлишини хоҳлайсиз?” мазмунидаги савол берилганда уларнинг 49 фоизи ҳуқуқларини ҳимоя қилинишини кўрсатишган. 42 фоизи эса ҳар доим иш топиб берилишини сўрашган. Қолган 9 фоизи эса турли сабабларни жумладан, касбига, ёшига муносиб иш топиш учун қулай шароит бўлишини хоҳлаган (2.3.15-жадвал).

2.3.15-жадвал

Кунлик меҳнат бозорида қандай имтиёзлар бўлишини ҳохлайсиз[105]?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши %
Ҳуқуқларим ҳимоя қилинишини	97	49
Ҳар доим иш топиб беришини	85	42
Бошқа	18	9
Жами	**200**	**100**

Кунлик меҳнат бозорида энг муҳим муаммо ёлланма ишчиларнинг меҳнат ҳақини белгиланишидир. Социологик сўровларимиз ёлланма ишчилар меҳнат ҳақини белгилашида асосан ишнинг турига қарашини таъкидлашган ва улар жами иштирокчиларнинг 42 фоизини ташкил этган. 22 фоизи ишчилар “Бозордаги шерикларимга қарайман” деган жавобни белгилашган. 18 фоизи иш мавсумига қарашини, 16 фоизи оилавий харажатларига қарашини, қолган 2 фоизи эса кунлик зарур бўлган даромадларга қараб белгилашини кўрсатишган (2.3.16-жадвал).

2.3.16-жадвал

Кунлик меҳнат бозорида меҳнат ҳақини нимага асосан белгилайсиз[106]?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Бозордаги шерикларимга қарайман	43	22
Иш турига қарайман	84	42
Оилавий харажатларимга қарайман	33	16
Иш мавсумига қарайман	36	18
Бошқа	4	2
Жами	**200**	**100**

[105] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган
[106] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган

Ёлланма ишчиларга **“**Кунлик меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиб туришини истайсизми?” деган савол билан мурожаат қилинганда, уларнинг 60 фоизи “Ҳа истайман”, 22 фоизи “Йўқ истамайман”, 18 фоизи эса “Зарурат сезмайман” деган жавобларни белгилашган (2.3.17-жадвал).

2.3.17-жадвал

Кунлик меҳнат бозорини давлат томонидан тартибга солиб туришини истайсизми[107]?

Жавоблар мазмуни	**Ишловчилар сони, киши**	**Ишловчилар улуши, %**
Ҳа истайман	119	60
Йўқ истамайман	45	22
Зарурат сезмайман	36	18
Жами	**200**	**100**

Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчилардан “Меҳнат маркази”га мурожаат қилишлари учун нима қилиш лозимлиги тўғрисида сўровномага **“**Қандай иш тутилса сиз кунлик меҳнат бозоридаги “ Меҳнат марказига” мурожаат қилган бўлардингиз?” деган мазмунда савол киритилган эди. Ушбу саволга 200 нафар иштирокчилардан 21 фоизи кунлик ишчи кучи бозорида “Меҳнат маркази” ташкил этилишини истаган бўлсалар, 17 фоизи “Меҳнат маркази” ёлланма ишчиларни қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишини , 16 фоизи “Меҳнат маркази” иш сўраб борилганда иш топиб беришини хоҳлаган. 15 фоизи эса “Меҳнат маркази” ҳодимлари бизларни жалб этиб туришини билдиришган. 12 фоизи “Меҳнат маркази” кунлик даромадимизни берса ҳамда турли иш турларини таклиф этилишини билдиришган. 7 фоизи эса “Меҳнат маркази” иш жараёнидаги юзага чиққан муаммоларни ҳал этиб беришини истаган (2.3.18-жадвал).

[107] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган

2.3.18-жадвал

Қандай иш тутилса сиз кунлик меҳнат бозоридаги “ Меҳнат марказига” мурожаат қилган бўлардингиз[108]?

Жавоблар мазмуни	Ишловчилар сони, киши	Ишловчилар улуши, %
Кунлик ишчи кучи бозорида “Меҳнат маркази” ташкил этилса	42	21
“Меҳнат маркази” ҳодимлари бизларни жалб этса	30	15
“Меҳнат маркази” иш сўраб борилганда иш топиб берса	31	16
“Меҳнат маркази” иш турларини таклиф этса	24	12
“Меҳнат маркази” кунлик даромадимизни берса	24	12
“Меҳнат маркази” иш жараёнидаги муаммоларни ҳал қилса	14	7
“Меҳнат маркази” қонуний ҳуқуқларимни ҳимоя қилса	35	17
Жами	**200**	**100**

Кунлик меҳнат бозорида “Меҳнат маркази” ташкил этилса у билан шартнома асосида ишлашни истайсизми ? деган савол берилганда 68 фоизи “Ҳа” деган жавобни кўрсатишган бўлса, қолган 32 фоизи эса “Йўқ” деган жавобни белгилашган (2.3.8-расм).



2.3.8-расм. Кунлик меҳнат бозорида “Меҳнат маркази” ташкил этилса у билан шартнома асосида ишлашни истайсизми[109]?

[108] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган
[109] Муаллифнинг социологик тадқиқотлари асосида тузилган

Юқоридаги тадқиқотлардан кўриниб турибдики қишлоқ жойларида Меҳнат марказини очиш аҳоли бандлигини таъминлашга қаратилган янги хизмат кўрсатиш тармоғи сифатида хизмат қилади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги илмий тадқиқотлар шундан далолат берадики ҳозирги кунда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сонига таъсир этувчи омилларни таҳлил этиш орқали қишлоқ жойларининг иқтисодий салоҳиятини илмий асослаш керак эканлигини кўрсатади.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб қуйидаги омиллар асосида эконометрик таҳлилни ўтказиш мақсадга мувофиқ.

Эконометрик моделни тузишда биз қуйидаги гипотезага асосландик:

$\boldsymbol{H_0}$ – Тўртта омилнинг камида биттаси эрксиз ўзгарувчига (қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сони) таъсир кўрсатади.

$\boldsymbol{H_1}$ – Тўртта омилнинг ҳеч бири эрксиз ўзгарувчига (қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сони) таъсир кўрсатмайди.

Юқоридаги ноль гипотезани текшириш мақсадида қуйидаги назарий модельни тузамиз:

$$\boldsymbol{y = a + \beta X_1 X_2 X_3 X_4 + u}$$

Бу ерда:

$\boldsymbol{Y}$ - қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сони;

$\boldsymbol{X_1}$ Қишлоқ жойлари, хизмат кўрсатиш соҳасида асосий фондлар (млрд сўм);

$\boldsymbol{X_2}$ Хизмат кўрсатувчи корхоналар сони;

$\boldsymbol{X_3}$ Киритилган инвестициялар хажми (млрд сўм);

$\boldsymbol{X_4}$ инфлация даражаси фоизда;

u – хатолик;

β – коэффициент;

a – озод ҳад акс этган.

2.3.19-жадвал

Ўзбекистон Республикаси қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сонига таъсир этувчи омиллар таҳлили[110]

№	Йиллар	Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сони (минг киши)	Қишлоқ жойлари, хизмат кўрсатиш соҳасида асосий фондлар (млрд сўм)	Хизмат кўрсатувчи корхоналар сони	Киритилган инвестициялар хажми (млрд сўм)	Инфляция даражаси
		Y	X_1	X_2	X_3	X_4
1	**2001**	3047,2	3224,2	100927	1320,9	26,6
2	**2002**	3152,7	6578,4	128998	1526,6	21,6
3	**2003**	3323,2	12076,7	138768	1978,1	3,8
4	**2004**	3544,7	18305,7	147665	2629,0	3,7
5	**2005**	3808,4	27809,1	153343	3156,2	7,8
6	**2006**	3874,3	29990,0	162543	4267,3	6,8
7	**2007**	3479,4	33280,6	171723	5903,5	6,8
8	**2008**	3696,8	38230,2	178989	9555,9	7,8
9	**2009**	3841,3	43015,6	186234	12531,9	7,4
10	**2010**	3131	49979,1	198190	15338,7	7,3
11	**2011**	3218,3	65678,9	203063	17953,4	7,6
12	**2012**	3439,1	87443,3	208276	22797,3	7,0
13	**2013**	3391,9	92118,9	212989	24435,6	6,8
14	**2014**	3460,7	101455	221785	27447,9	6,1
15	**2015**	3611,3	110670,1	230543	31377,9	5,6
16	**2016**	3897,5	123023	245848	34646,4	5,7
17	**2017**	4016,5	148109,9	248591	38167,2	14,4
18	**2018**	3959,6	187565,8	264633	44467,7	14,3
19	**2019**	4112,1	240532,3	298856	52897,1	15,2
20	**2020**	4218,2	255753	324546	58889,3	11,1

[110] Ўзбекистон Республикаси Давлат Статистика Қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

2.3.20-жадвал

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сони ҳамда унга таъсир қилувчи омиллар орасидаги жуфт корреляция коэффициентлари

	Қишлоқ жойларда бандлар сони (Y) минг киши	Қишлоқ жойлари, хизмат кўрсатиш соҳасида асосий фондлар (X_1) млрд сўм.	Хизмат кўрсатувчи корхоналар сони. (X_2)	Киритилган инвестициялар хажми (X_3) млрд сўм	Инфляция даражаси (X_4)
Қишлоқ жойларда бандлар сони (Y) минг киши	1	**0,784186**	0,953951	0,967073	0,039405
Қишлоқ жойлари, хизмат кўрсатиш соҳасида асосий фондлар (X_1) млрд сўм.		1	**0,789392**	0,98469	-0,15895
Хизмат кўрсатувчи корхоналар сони. (X_2)			1	**0,750738**	0,070238
Киритилган инвестициялар хажми (X_3) млрд сўм.				1	**-0,17292**
Инфляция даражаси (X_4)					1

Манба: Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган.

Биз, ушбу эконометрик амални экзел дастурига тушуриш орқали бажарамиз.

Эконометрик амални экзел дастурига тушириш орқали юқоридаги натижаларга эга бўлдик:

2.3.20 – жадвалдан кўриниб турибдики корреляцион боғланиш юқори натижани қайд этган. (> 0.7) Шу сабабли бизда мултиколлинярлик муаммоси мавжуд. Юқори даражада коллениярбўлган омилларни регрессия

тенгламасидан фойдаланиб (<0,5) факторли $\boldsymbol{X_4}$ омил моделдан чиқариб ташланган.

Эконометрик моделни кетма-кет таҳлил этиш орқали $\boldsymbol{Y}$ га $\boldsymbol{X_1}$ $\boldsymbol{X_2}$ $\boldsymbol{X_3}$ омиллар йўқори таъсир этмоқда. Биз қуйидагича эконометрик моделни тузишимиз орқали натижага эга бўлдик:

$$\mathbf{Y = 2410.3914 + 0.00809}\boldsymbol{X_1}\mathbf{+ 0.00688}\boldsymbol{X_2}\mathbf{ -0.03597}\boldsymbol{X_3}$$

Ҳисоб-китоблар натижасида кўп регрессия тенгламаси олинган: $\boldsymbol{Y} = \mathbf{2410.3914 + 0.00809}\boldsymbol{X_1} + \mathbf{0.00688}\boldsymbol{X_2}\mathbf{-0.03597}\boldsymbol{X_3}$**.** Модел параметрларини иқтисодий талқин қилиш мумкин: $\boldsymbol{X_1}$ ни ўлчов бир-бирликка ошириш $\boldsymbol{Y}$ нинг ўртача 0,00809 бирликка ўсишига олиб келади; $\boldsymbol{X_2}$ ни бир-бирликка ошириш ўртача $\boldsymbol{Y}$ нинг 0,00688 бирликка ўсишига олиб келади; катталаштириш $\boldsymbol{X_3}$ бир-бирлик учун $\boldsymbol{Y}$ нинг ўртача 0,036 бирликка пасайишига олиб келади. Тенгламанинг статистик аҳамияти аниқланиш коэффициенти ва Фишер тести ёрдамида синовдан ўтказилди. Ўрганилган вазиятда $\boldsymbol{Y}$ нинг умумий ўзгарувчанлигининг 68,74% $\boldsymbol{X_j}$ омилларнинг ўзгариши билан изоҳланганлиги аниқланди.

2.3.21-жадвал

Корреляцион модел натижаси[111].

	P>F	*R квадрат*	*Коэффициентлар*	*Стандарт хатолик*	*t-статистика*	*P-қиймат*
Қишлоқ жойларда бандлар сони ***(Y)***	7,69	0,62	2410.3	1052,992	2,517806	0,024605
X1			0.00809	0,004856	1,652458	0,02256
X2			0.00688	0,007281	0,719567	0,012231
X3			-0.03597	0,028924	-1,07755	0,299454

Ҳозирги шароитда кўп корхоналар экстенсив ривожланишдан интенсив ривожланишга ўтаяпти, бу эса корхоналарда ишлаб турган ходимлар орасидан илғор замонавий технологиялардан фойдалана оладиган малакали ишчилар

[111] Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган

эвазига содир бўлмоқда, шу сабабдан X_3 омил минусда таъсир кўрсатиб янги иш ўрнини ошишига эмас аксинча иш сизлар сонини ошишига олиб келаяпти.

Иккинчи боб бўйича хулоса

1. Туман ўрта таълим мактабларида педагог ва ўқувчилар нисбати меъёр талабларидан ошганлиги сабабли ўқувчилар билимларни ўзлаштириш даражасига салбий таъсир қилган. Шу сабабли туман мактаб ўқувчиларини ОТМ муассасаларига кириши бўйича вилоятда ўн олтинчи ўринда туради. Ўз навбатида, 2019-2020 ўқув йилидаги мактаб битирувчилари ОТМ бошқа туман мактабларига қараганда нисбатан кам кирганлиги сабабли келажакда, бизнинг ҳисобимиз бўйича 2024-2025 йилларда уларнинг бандлигини таъминлаш ва уларнинг меҳнатидан туманни ижтимоий-иқтисодий ривожланиши учун фойдаланишда қийинчиликлар туғдиради.

2. Тумандаги ОШП олий маълумотли шифокорлар белгиланган меъёрлар даражасида таъминланмаганлиги сабабли биринчидан туман аҳолисига сифатли тиббий хизмат кўрсатилмаяпти, иккинчидан, ОШП ҳозирги кунда 8-9 та олий маълумотли шифокорга эхтиёж бор ва бу 8-9 та янги иш ўрни мавжуд.

3. 2020 йилда мактаб битирувчиларнинг 87,7 фоизи, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг 30,0 фоизи иш билан таъминланмаганлиги, энг муҳими олий таълим муассасасини битирувчиларнинг 53,7 фоизи ишга жойлаша олмаганлиги, келажакда улар ҳам хорижга ишлаш учун чиқиб кетиш эхтимоли бор. Бизнинг ҳисобимиз бўйича ушбу битирувчиларни зудлик билан ишга жойлаштириш чоралари ишлаб чиқилмаса 2022-2023 йилларга бориб, Жомбой туманида вақтинча хорижга ишлаш учун чиқиб кетувчилар сони доимий аҳолининг 20,0 фоизини ташкил этади.

4. Кунлик меҳнат бозорига иш излаш учун чиққан ёлланма ишчиларнинг 47 фоизи ишсизлар, 21 фоизи эса ўқувчи-талабалар, 20 фоизи эса иш билан тўлиқ банд бўлмаганлар, (яъни ҳафтада тўлиқ иш билан банд бўлмаганлар) қолган 12 фоизи эса ёши улуғ пенсионерлар ташкил этади. Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг 20 фоизи хўжалик юритувчи субъектларда банд бўлсаларда, бироқ уларнинг маоши ўртача иш ҳақидан кам бўлганлиги

сабабли бўш вақтларида даромад топиш мақсадида кунлик меҳнат бозорига чиқишини таъкидлашган.

5. Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг кунлик даромади 100,0 минг сўмдан 120,0 минг сўмни ташкил этади. Агар уни 25 кунга ҳисоблаган тақдирда ҳам ўртача иш ҳақидан қарийб 700,0-800,0 минг сўмга зиёд. Шу сабабли кунлик ёлланма ишчилар ўртача иш ҳақидан паст миқдорда маош тўлайдиган хўжалик юритувчи субъектларда ишлашидан кўра кунлик меҳнат бозорига чиқиб даромад топишни афзал кўради.

6. Кунлик меҳнат бозорига чиққан ёлланма ишчиларнинг 17 фоизи олий маълумотли, 50 фоизи ўрта махсус маълумотга эга бўлган кишилардир. Улар кунлик меҳнат бозорида қуйидаги қулайликлар мавжудлигини кўрсатишган: келишилган иш жойига бориш ва овқатланиш ҳаражатлари иш берувчи томонидан қопланиши, кунлик даромадга эга бўлиш, ишни муддатидан олдин бажариб бўлиши, ҳар томонлама қулайликларга эга доимий иш топиш мумкинлиги. Шу сабабли кунлик меҳнат бозоридаги 62 фоиз ёлланма ишчи кунлик меҳнат бозорини тартибга солинишини исташади.

7. Кунлик меҳнат бозорига чиқувчи ёлланма ишчиларнинг 62 фоизи иш топа олади. Шунингдек, улардан “Кунлик ёлланма ишдан топган даромадингиз сизни қаноатлантирадими?” деган савол билан мурожаат қилинганда 71 фоизи кунлик иш орқали топган даромадлари уларни қаноатлантиришини таъкидлашган.

8. Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчиларнинг 74 фоизи кунлик меҳнатини қонуний расмийлаштирилишини истаган. Ўз меҳнатларини қонуний расмийлаштирилишини истаган ёлланма ишчилар қуйидаги сабабларини келтирган: жумладан, қонундаги имтиёзлардан фойдаланишини, кунлик меҳнати иш стажига киритилишини, иш жараёнида ҳуқуқлари ҳимояланишини. Демак, кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчилар ўз меҳнатларини қонуний расмийлаштириш истаклари бор экан уларни меҳнатидан мамлакат равнақи йўлида фойдаланиш имкони ҳам бўлади.

9. Ёлланма ишчилар “Меҳнат маркази” қуйидаги хизмат турларини кўрсатишини белгилашган: яъни уларнинг 26 фоизи “Иш топиб бериш хизматини”, 25 фоизи эса “Ёшига ва касб-ҳунарига мос иш топиб беришини”, 20 фоизи “Доимий ишга жойлаштириш хизматини”, 13 фоизи “кунлик меҳнати қайд этилишини ва уни иш стажига киритиб бориш хизматини”, қолган 11 ва 5 фоиз эса иш берувчилар билан келишмовчиликлар юзага келганда ҳуқуқларини ҳимоя қилиш хизматини.

10. Социологик сўровларимиз ёлланма ишчилар меҳнат ҳақини белгилашида асосан ишнинг турига қарашини таъкидлашган ва улар жами иштирокчиларнинг 42 фоизини ташкил этган. 22 фоиз ишчилар бозордаги шерикларига қарашини белгилашган. 18 фоиз ишчилар иш мавсумига қарашини, 16 фоиз оилавий харажатларига қарашини, қолган 2 фоизи эса кунлик зарур бўлган даромадларга қараб белгилашини кўрсатишган.

11. Кунлик меҳнат бозоридаги “Меҳнат маркази” ёлланма ишчиларга асосан қуйидаги хизмат турларини кўрсатса мурожаат қилишларини эътироф этишган: кунлик ишчи кучи бозорида “Меҳнат маркази” ташкил этилса ва ишчиларни қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишини , “Меҳнат маркази”га иш сўраб борилганда кунлик иш топиб беришини хоҳлаган. “Меҳнат маркази” кунлик ишларни қайд қилиб меҳнат стажига киритиб боришини.

12. Кунлик меҳнат бозоридаги ёлланма ишчилар “Меҳнат маркази” ташкил этилса у билан шартнома тузиш истакларини билдиришган. Социологик сўровларда 68 фоиз ёлланма ишчи “Кунлик меҳнат бозорида “Меҳнат маркази” ташкил этилса у билан шартнома асосида ишлашни истайсизми? “Ҳа” деган жавобни беришган.

13. Қишлоқ жойларида кунлик Меҳнат марказларини ташкил этиш ва унда ишлашга хоҳиши бор кишиларни тармоқ корхоналарига кунлик ишга жалб этиш. Қишлоқлардаги ишсизларни касб-ҳунар коллежларида қисқа муддатда (3-6 ойда ичида) меҳнат бозорида талаб ошиб бораётган касб ва ҳунарларга ўқитиш тавсия этилади.

III БОБ. ҚИШЛОҚ ЖОЙЛАРДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ СОҲАСИ РОЛИНИ ОШИРИШНИНГ КОНЦЕПТУАЛ ЙЎНАЛИШЛАРИ

3.1.§ Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш – Ўзбекистон Республикаси миллий иқтисодиётининг устувор йўналишларидан биридир. Ўзбекистонда мустақилликнинг биринчи кунлариданоқ хизмат кўрсатиш соҳаси ва унинг тармоқларини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини таъминлашга алоҳида эътибор берила бошланди.

Шу сабабли Ўзбекистонда иқтисодиётнинг мавжуд имкониятларидан келиб чиқиб соҳа ва тармоқларни модернизация ва диверсификация қилиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий устувор йўналишларнинг босқичма-босқич амалга оширилиши ортидан, миллий иқтисодиётда хизмат кўрсатиш соҳасини юқори суръатларда ривожлантиришни таъминламоқда.

Ўсиш кўрсаткичи жадаллашишининг асосий омилларидан бири аҳоли талабларининг муттасил ошиб борганлиги билан боғлиқ. Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш турларига бўлган талаб, уларнинг янги соҳаларини яратиш ва фаолият юритаётганларини кучайтиришни тақозо қилади. Ушбу жараён одамларни янги иш ўринлари билан таъминлаш, уларнинг фаровонлигини ошириш имконини яратади.

Ўзбекистонда сўнгги ўн йилликда хизматлар соҳаси иқтисодиётнинг мустақил тармоғига айланди. Бу ҳолат қуйидаги сабабларга кўра юзага келди:

- хусусий тадбиркорликни ривожлантириш натижасида аҳолига ва ташкилотларга пуллик хизмат кўрсатиш ошиб борди;
- кўплаб янги ва замонавий хизмат турлари пайдо бўлди;
- хизмат кўрсатиш корхоналари орасида рақобат кучайди.
- истеъмолчилар талаби ва дунё қараши ўзгарди.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган қуйидаги чора-тадбирлар хизматлар соҳасининг ривожланишига имкон бермоқда:

- соғлиқни сақлаш, таълим-тарбия, болалар спортини ривожлантириш, компьютерлаштириш ва ахборот коммуникация технологиялари, коммунал хизматлар, уй-жой қурилиши, қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш, иш билан бандликнинг минтақавий дастурлари, кичик бизнесни ривожлантириш, банк соҳасини ислоҳ қилиш ва бошқа тармоқ дастурларини амалга ошириш;
- депозитар тизим, аудиторлик, лизинг, реклама, адвокат, консалтинг, суғурта фаолиятлари, микромолиялаштириш ва кредит уюшмаларини ташкил этиш каби янги бозор институтларининг ҳуқуқий ва ташкилий асосларини яратишга йўналтирилган чора-тадбирлар;
- транспорт коммуникацияси тизимлари, телефон алоқа станциялари ва линияларини ривожлантириш бўйича хорижий инвестицияларни жалб қилиш, меҳмонхоналар тармоғини ривожлантириш, қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви ва газ билан таъминлаш дастурларини амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни ҳаётга жорий этиш.

Ўзбекистонда 2016-2020 йилларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш Дастури[112] тараққиётда янги қадам бўлди. Ушбу ҳужжат соҳа ривожини жадаллаштиришга қаратилган чора-тадбирлар мажмуасини амалга оширишга, айниқса, қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш турларини кенгайтириш ва кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилашга йўналтирилган бўлиб, шу асосда мамлакат иқтисодий тараққиётида барқарор ва ўсиб борувчи хизмат кўрсатиш соҳасининг бандликни таъминлаш, аҳоли даромади ва фаровонлигини кўтаришдаги аҳамиятини оширишдан иборат бўлди. Мамлакат иқтисодиётида бу каби дастурлар қабул қилиниши натижасида Ялпи ички маҳсулотда хизматлар соҳасининг улуши 2020 йилда 34,6[113] фоизга етди. Бу шундан далолат берадики хизмат кўрсатиш соҳасининг

[112] “2016-2020 йилларда хизматлар соҳасини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 26 февралдаги 55-сонли Қарори.
[113] https://data.worldbank.org/indicator/NV.SRV.TOTL.ZS?contextual=default&locations=UZ&view=chart

ривожланиши аҳолининг истеъмол талаби билан чамбарчас боғлиқ. Сабаби, ЯИМ таркибида унинг улуши соҳалар ичида юқорилиги мамлакат иқтисодиётида ҳам муҳим соҳалардан бири эканлигини кўрсатмоқда.

Ривожланган мамлакатларда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши ЯИМ таркибида юқори ўринда туради. Масалан АҚШ ЯИМ таркибида хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши 79[114] фоизни ташкил этади. Ривожланган мамлакатларда ҳар қандай соҳа ва тармоқлар ривожланиши хизмат кўрсатиш соҳаси билан боғлиқ эканлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли мамлакатимизда ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини иқтисодиётни ривожлантирувчи асосий соҳа сифатида кўриш зарур.

Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатадики, муайян бир соҳани ривожлантиришда унга тўсқинлик қилаётган муаммоларни аниқламасдан, уларнинг ечимларини топмасдан туриб бу соҳани келажакда ривожлантириш қийин ҳисобланади. Шу сабабли ҳам қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда ҳукумат томонидан мўлжалланган дастур ва қарорлар қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги ПҚ-5113 сон “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари” тўғрисидаги қарорида хизмат кўрсатиш йўналишларида тезкор ўсиш суръатларини таъминлаш, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва янги иш ўринларини яратиш мақсадида хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожлантириш йўналишлари келтирилган. Бизнинг фикримизча ушбу қарорга асосан қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари қуйидагилардан иборат (3.1.1-расм).

[114] https://uz.thelittlecollection.com/chinas-gdp-examined-servicesector-surge-392

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари

Ижтимоий йўналишлар:

Таълим хизматлари:
- мактабгача таълим (давлат, хусусий, давлат иштирокидаги);
- ўрта мактаб таълими (давлат ва хусусий);
- ўрта махсус таълим (коллеж, лицей ва техникумлар);
- олий таълим (давлат ва хусусий);
- ўқув (репетиторлик) марказлари (давлат ва хусусий) ва бошқалар;

Соғлиқни сақлаш хизматлари:
- туман марказий шифохоналари;
- қишлоқ врачлик пунктлари;
- оилавий поликлиника (амбулатория)лар;
- стационар (клиника) марказлар;
- хусусий тиббий муассасалар;
- замонавий технология асосида ташхис марказлари ва бошқалар;

Маъданий – маънавий дам олиш ва спорт хизматлари:
- курорт - санаториялар (давлат ва хусусий);
- миллий театр(кино, қўғирчоқ театр), музейлар (давлат ва хусусий);
- истеърохат боғлари (парк кўнгилочар павилионлар, атракционлар) ва бошқалар;
- спорт (комплекслари) соғломлаштириш (тренажор заллар) муассасалари (давлат ва хусусий) ва бошқалар;
- инновацион илмий марказлар;

Алоқа хизматлари:
- телефон, интернет алоқа линиялари;
- телефон ва интернет провайдерлар (давлат ва хусусий);
- почта ва курьерлик хизматлари (давлат ва хусусий) ва бошқалар;

Коммунал хизматлар:
- газ таъминоти(давлат);
- электро – энергия таъминоти(давлат);
- ичимлик ва иссиқ сув таъминоти (давлат ва хусусий) ва бошқалар;

Иқтисодий йўналишлар:

Агро сервис хизматлари:
- техника орқали ерга ишлов бериш (ҳайдаш, милоратив ҳолатини ошириш ва бошқалар);
- ветеринария (ҳайвонларни уруғлантириш, соғлигини сақлаш, насл олиш ва бошқалар);
- махсус техника транспорт воситаларига хизмат кўрсатиш (таъмирлаш) ва бошқалар;

Туризм хизматлари:
- экотуризм; - меҳмонхоналар;
- эграртуризм;
- маъданий туризм ва бошқалар;

Маиший хизматлар:
- уй-жой коммунал;
- пойафзал таъмирлаш;
- ателье, тикув;
- дурадгорлик (эшик, ром ясаш);
- сартарошхоналар (гўзаллик салони);
- электро техника приборлари ва компютер ускуналарини ўрнатиш, таъмирлаш ва бошқалар);
- мебелларни ўрнатиш, таъмирлаш ва бошқалар;

Молиявий хизматлар:
- банк ва ломбардлар (давлат ва хусусий);
- суғурта (давлат ва хусусий) ва бошқалар;
-

Транспорт хизматлари:
- йўловчи ташиш (элтув);
- юк ташиш (элтув) ва бошқалар;

Савдо хизматлари:
- улгуржи;
- чакана;
- бозор субеъктлари (ихтисослашган бозорлар) ва бошқалар;

3.1.1-расм Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг концептуал йўналишлари[115]

[115] Манба: муаллиф ишланмаси

Бугунги кунда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришдаги жиддий камчиликларни таъкидлаш жоиз, хусусан, бандликни ошириш ва аҳоли даромадларини кўпайтириш ҳамда маҳаллий бюджетларни тўлдиришнинг истиқболли манбаи сифатида хизмат кўрсатиш имкониятларидан кам фойдаланилмоқда. Хизмат кўрсатиш соҳаси, айниқса, қишлоқ жойларида суст ривожланмоқда, бу ерда катта маблағ талаб қилмайдиган ва хусусий тадбиркорлик учун жозибадор бўлган кўпгина хизмат турлари етарли даражада ривожланмаяпти ва қишлоқ аҳолисининг улардан фойдаланиш имкониятлари пастлигича қолмоқда.

Хизмат кўрсатиш соҳасининг муаммолари сифатида ривожланишга салбий таъсир этаётган сабабларни аниқлаш орқали қишлоқ жойларини жадал ривожлантириш мумкин. Бизнинг фикримизча қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда қуйидаги муаммолар мавжуд (3.1.2 - расм).



3.1.2-расм. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасининг ривожланиш муаммолари[116]

[116] Манба: муаллиф ишланмаси

3.1.2-расмдан кўриш мумкинки қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантирмоқчи бўлсак унга боғлиқ ҳолатда хизмат кўрсатиш соҳаси муаммоларини инобатга олиш, уларни бартараф этиш, айнан шу ҳолда қишлоқ жойларининг ижтимоий – иқтисодий комплекс ривожлантириш чораларини кўриш зарурати биринчи ўринга чиқади.

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасининг яхши ривожланмаганлиги, ўз навбатида, жойлардаги ишсизлик даражасига, аҳолининг турмуш шароитига, умуман хизмат кўрсатиш соҳасига бўлган эҳтиёжнинг юқорилигидан келиб чиқиб, юқоридаги мавжуд муаммоларни ҳал қилишда, бизнинг фикримизча, қуйидаги ишларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

•қишлоқ жойларидаги доимий аҳолининг талаби ва эҳтиёжининг ўсиб боришини ҳисобга олган ҳолда қишлоқ жойларига мутаносиб хизмат кўрсатиш тури ва шаклини янада кенгайтириш;

•қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси инфратузилмасини янада ривожлантириш мақсадида муайян имтиёзлар бериш;

•қишлоқ жойларида замон талабидан келиб чиқиб хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари бўлган компьютер хизматлари, таълим хизматлари, соғлиқни сақлаш хизматлари, молиявий хизматлар, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари ва туризм-мехмонхона хизматларини қишлоқ жойларида ривожлантириш учун кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини ташкил этиш ва ривожлантириш учун имтиёзли фоизлардаги банк кредитлари ажратиш ва қишлоқ жойларида ҳар бир аҳоли учун мўлжалланган паст фоизли мақсадли кредитлар бериш;

•қишлоқ жойларининг чекка худудларида иш топишга талаб ҳаддан ортиқ кўп бўлган қишлоқ аҳоли пунктларида ҳар қандай хизмат кўрсатаётган тадбиркорларга 3-5 йилгача солиқларнинг бир қисми ёки барчасидан озод қилиш. Бу тадбиркорларнинг ўз – маблағлари билан хизмат кўрсатиш ёки бошқа фаолият турларини кенгайтириш имконини беради. Солиқ тўловларида имтиёзлар бериш ҳозирги даврда жуда мухимдир. Чунки, кўпчилик

тадбиркорлар бозор қонуниятларига кўникма ҳосил қилмаганлар. Бу ҳолат, албатта тадбиркорлик фаолиятига салбий таъсир кўрсатади. Шу туфайли, хизмат соҳасида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчиларга солиқ ставкасини пасайтириш ҳамда, бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланадиган мажбурий ажратмаларни камайтириш лозим;

- қишлоқ жойларида маиший хизмат, компьютер хизматлари, таълим соҳасидаги хизматлар, соғлиқни сақлаш соҳасидаги хизматлар, молиявий хизматлар, алоқа ва ахборотлаштириш хизматлари каби соҳаларни ривожлантиришга эътибор қаратиш;
- мактаб ва коллеж битирувчиларига хизмат кўрсатиш соҳаси бўйича тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш ва уларга янги субъектларни очиш бўйича амалий ёрдам кўрсатишга қаратилган веб сайтларни ишга тушириш орқали кўникмалар ҳосил қилиш;
- қишлоқ жойларида яшовчи аҳолига кўрсатиладиган хизматлар ҳажми ва турини кўпайтириш;
- қишлоқ жойлари учун янги истиқболли хизмат турларини жадал ривожлантириш;
- қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган кичик тадбиркорлик субъектларининг ривожлантирилиши устидан мониторингни амалга ошириб бориш;
- қишлоқ жойлари учун мўлжалланган инвестицияларни (шу жумладан, чет эл инвестицияларини), замонавий технология ва ускуналарнинг жалб этилишини, ахборот ва тушунтириш ишларини, консалтинг, лизинг, суғурта ва бошқа хизматлар ривожлантирилишини ташкил этиш;
- қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият олиб бораётган кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга кўмаклашиш;

•қишлоқ жойларида тадбиркорликни, айниқса хизмат кўрсатиш соҳасида тадбиркорликни ривожлантириш муаммоларига бағишланган амалий семинарлар ташкил этиш;

•қишлоқ жойларида мавжуд хизматлар бозоридаги иқтисодий фаолиятни самарали ташкил этиш ва доимий рағбатлантириб бориш;

•қишлоқ жойларида кўрсатиладиган хизматларнинг рақобатбардошлигини ошириш;

•қишлоқ жойларида хизмат кўрсатувчи корхоналарнинг ўз фаолиятини самарали бошқаришга эришиш ва такомиллаштириш механизмларини ишлаб чиқиб, амалиётга кенг жорий этиш;

•қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасида мавжуд муаммо ҳамда камчиликларни ўрганиш мақсадида тадбиркорлар ўртасида мунтазам тарзда сўровномалар ўтказиш ва ҳоказо.

3.2.§ Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва унинг қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлаш истиқболлари

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантириш ва аҳолиси бандлигини оширишда ҳудудлардаги мавжуд муаммоларни бартараф этиш учун хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши ЯИМда тобора ортиб борган сари кадрларга бўлган эхтиёжнинг ортиши билан асослаш мумкин. Қишлоқ жойларида мавжуд хизмат кўрсатиш корхоналари ресурсларидан самарали фойдаланиш орқали уларнинг хўжалик фаолиятини ривожлантириш ҳамда самарадорлигини ошириш масалалари бўйича бир қатор муаммолар мавжуд эканлиги билан белгиланади.

Бундай ҳолатда қишлоқ жойларида жойлашган хизмат кўрсатиш соҳаси корхоналари ва шохобчаларининг моҳияти ва табиатини ўзгартирди. Мазкур соҳанинг товарлар ва хизматлар бозоридаги ўрни, мавқеини ва аҳамиятини тубдан янгиланишга олиб келди. Буларга қуйидагиларни киритиш мумкин:

Биринчидан, бозор муносабатларига ўтишнинг бошланғич даврида хизмат кўрсатиш соҳасида мулк муносабатлари тубдан ўзгартирилди, соҳада хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш амалга оширилди.

Иккинчидан, ушбу соҳада давлат ва кооператив хизматига асосланган режали иқтисодиёт ҳукм суриб келаётган монопол фаолиятга ва у билан боғлиқ иқтисодий механизмларга барҳам берилди.

Учинчидан, хизмат кўрсатиш корхоналари ва шохобчаларининг мақсад ва вазифалари, олдинги маъмурий-бошқарув тизимидагига нисбатан бутунлай янги тус олиб, тақсимот тизимига хизмат қилиш барҳам топиб, бозор муносабатларига асосланган ҳақиқий хизмат кўрсатиш тизими шакллантирилди.

Тўртинчидан, бозор муносабатлари шароити қишлоқ жойларида ҳам хизмат кўрсатиш корхоналари ва шаҳобчалари фаолиятини юритиш тартибини янгилади ва бу соҳада эркин тадбиркорлик шакллантирилди.

Бешинчидан, ушбу соҳада ҳар хил ташкилий тузилмалар, вертикал бошқариш тизими каби бошқарув тизими барҳам топди ва улар ўрнига нодалат уюшмалар каби хуқуқий шакллар вужудга келди.

Олтинчидан, соҳа фаолиятида ташқи муҳит, хусусан хизмат кўрсатиш жараёни ўзгарди, шунга мувофиқ уларнинг микро, мезо ва макро даражадаги алоқалари бозор муносабатлари шароитига мослаштирилди.

Еттинчидан, ушбу соҳада иқтисодий механизмлар ҳам тубдан ўзгарди. Олдин фақат товар айланмаси режасининг бажарилиши учун курашилган бўлса, энди манфаатлар кўлами кенгайди. Бундан мулкдор ҳам, савдо ходими ҳам, жамият ҳам, давлат ҳам, аҳоли ҳам манфаатдор бўлишлиги ва уларнинг манфаатларига зид бўлмаслигини тақозо қилмоқда.

Саккизинчидан, хизмат кўрсатиш соҳасида, хусусан: иқтисодий эркинлик, мустақил ўз-ўзини бошқариш, мулкни тасарруф этиш ва унга эгалик қилиш, ўз ресурларини мустақил ишлатиш, ўзини-ўзи маблағлар ва товарлар билан таъминлаш, иқтисодий ва хуқуқий жавобгарлик кабилар кириб келди.

Бундай шароитда ҳатто қишлоқ жойларида ҳам хизмат кўрсатувчи корхоналар ва шохобчаларининг иқтисодий-молиявий барқарорлиги жуда кўп

омилларга боғлиқ бўлиб қолди. Уларни тадқиқ қилиш ва тизимлаштириш, янги шароитда хизмат кўрсатиш корхоналарининг эркин фаолиятини таъминлаш масалаларида тегишли объектив муаммолар келиб чиқмоқда. Мазкур муаммоларни бугунги кунда ўрганиш ва уларни босқичма-босқич ҳар жиҳатдан ҳал қилиш масаласи ўта долзарб масалалар сирасига киради. Ҳар бир соҳада, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш, шу соҳа мутахассисларига, уларнинг малакаси, тажрибаси, билим савияси, касбий маҳорати ва кўникмаларига боғлиқ.

Мамлакатимизни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш, ҳусусан давлатимиз раҳбарининг ташаббуслари билан Ўзбекистонни 2030 йилгача ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантириш “Концепцияси” янги Ўзбекистонни барпо этишда 2030 йилларда ҳалқаро бозорлар конюктурасига мослашувчан қобилятини оширишда муҳим ўрин тутди. Шу сабабдан қишлоқ жойларда яшовчи аҳоли бандлигини ошириш уларнинг мавжуд муаммоларини бартараф этишда. Айнан хизмат кўрсатиш соҳаси реал ривожланиши билан боғлиқ. Чунки, ривожланган мамлакатлар тажрибасидан аёнки ЯИМ таркибида айнан хизмат кўрсатиш соҳаси етакчи ўринни эгаллайди.

Қишлоқ жойларида аҳоли бандлиги ошириш биринчи навбатда ушбу соҳа истиқболли усуллари ёрдамида натижага асосланиши керак.

Бизлар монография ишимизда қишлоқ жойларда аҳоли бандлигининг 2030 йилга мўлжалланган истиқболли кўрсатгичини аниқладик ва ушбу ҳисоб-китоблар аниқланган кўрсатгичлар монографиянинг 1-иловасида тўлиқ келтирилган.

3.2.1-жадвал

Қишлоқ жойларда аҳоли бандлигининг 2030 йилга мўлжалланган прогноз функциялар[117]

Кўрсаткичлар	Математик моделларнинг функциялари	Натижа билан омилларнинг боғлиқлик даражаси
Қишлоқ жойларида бандлар сони (Y)	$y = 0{,}0469x^2 - 86{,}079x - 10990$	$R^2 = 0{,}9857$
Инфлация даражаси фоизда (X5)	$y = -0{,}0842x^2 + 340{,}31x - 343751$	$R^2 = 0{,}5787$
Фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони (X6)	$y = 66{,}674x^2 - 246048x + 2E+08$	$R^2 = 0{,}9846$

[117]Жадвал монографиянинг 2.2-параграфи 2.2.3-жадвалидаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

3.2.1-жадвал ва 3.2.1-расмдаги маълумотларга асосан ҳар бир омиллар “Кўрсаткичли даражали функция” усулидан фойдаланган ҳолда аниқланди. Қишлоқ жойларида бандлар сонининг ўсиш суръати бўйича математик моделнинг апракцимацияси, унинг полинамиял чизиғига тўғри келди. Бунинг формуласи қуйидагича ифодаланади:

$$y = 0{,}0469x^2 - 86{,}079x - 10990;$$
$$R^2 = 0{,}9857$$

Бунда: y – натижа кўрсаткичи, яъни таҳлил қилинаётган кўрсаткичнинг і-йилдаги ҳажми;

x – тегишли йилларнинг кетма-кетлигини ифодаловчи ўзгарадиган миқдор;

R^2 - натижа билан омиллар ўртасидаги боғлиқликни ифодаловчи коэффициент.

Бу ерда $R^2 = 0{,}9857$ га тенглиги, ушбу кўрсаткичнинг вақт омили билан узвий боғлиқлигидан далолат беради.

3.2.1-жадвалдаги математик моделларнинг функцияларига асосан 2030 йилга мўлжалланган прогнозини аниқлаш мумкин.

Навбатдаги прогноз қилиниши лозим бўлган кўрсаткич иқтисодиётда банд бўлган аҳолининг ўртача йиллик сонининг ўсиш суръати бўлиб ҳисобланади. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръати бўйича математик моделнинг апракцимацияси, унинг полинамиял чизиғига тўғри келди. Бунинг формуласи қуйидаги шаклда ифодаланади:

$$y = 66{,}674x^2 - 246048x + 2E{+}08$$
$$R^2 = 0{,}9846$$

Мазкур ҳолатда ҳам $R^2 = 0{,}9846$ га тенглиги, ушбу кўрсаткичнинг ҳам ўрганилаётган вақт омили билан узвий боғлиқлигидан далолат беради. Ушбу кўрсаткичнинг 2011-2020 йиллардаги динамикаси асосида, уларнинг ҳам 2030 йилга мўлжалланган прогнозини аниқлаш мумкин.

$$y = -0{,}0842x^2 + 340{,}31x - 343751$$
$$R^2 = 0{,}5787$$

Қишлоқ жойларда банд аҳоли сонини ифодаловчи кўрсаткичнинг 2011-2020 йиллардаги динамикаси асосида, уларнинг ҳам 2030 йилга мўлжалланган прогнозини аниқлаш мумкин. Мазкур ҳолатда ҳам $\mathbf{R^2 = 0,5787}$ га тенглиги, ушбу кўрсаткичнинг ишончлилик даражаси паст эканлигини кўрсатмоқда. Сабаби, инфлация даражаси тескари таъсир этмоқда. Қуйида келтирилган маълумотлар асосида ушбу жараённи илмий асослаймиз:

3.2.1-расм маълумотларидан кўриниб турибдики 2011 йилда қишлоқ жойларда бандлар сони талаб ва таклифнинг мутаносиб эмаслиги аҳоли бандлик даражаси паст бўлишига юқори таъсир кўрсатган. Прогноз йиллар кесимида агар иқтисодий ўсишни таъминламоқчи бўлсак инфляция даражасини реал 1 фоиз миқдорида ҳар йили пасайишига эришиш орқали қишлоқ жойларида муқим иш ўрнига эга 19 тага аҳоли бандлигига эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда (2.2.3-жадвал маълумотларида ҳам келтирилган). 2030 йилга бориб прогноз жадвалдаги нисбий ўсиш орқали 1939,6 минг аҳоли бандлиги таъминланади. Тадбиркорлик муҳитининг шаклланиши ижобий ҳулоса бўлиб, битта янги корхона ташкил этилиши ҳисобига 2030 йилга бориб бизнес муҳити қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлашга таъсир этади. Кейинги йилларда эса қишлоқ жойларида бандлик даражаси ўсишда давом этади, чунки иқтисодий муҳит яхшиланиб тадбиркорлик учун қулай шароит яратилади. Қишлоқ жойларда банд аҳоли сонининг прогнози чизиқли трендни экстраполяция қилиш орқали топилди.

Тадбиркорлик муҳити асосий иқтисодий категория бўлиб нафақат хизмат кўрсатиш соҳасини ривожланишига балки, аҳоли бандлигини таъминлашда ва шу орқали уларнинг турмуш даражаси ортишига таъсир этади.

Қишлоқ жойларида умумий бандликдан ташқари хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сонининг истиқболли таҳлилини ўтказиш мақсадга мувофиқ саналади шу сабабли, ривожланган мамлакатлар тажрибаси шундан далолат берадики хизмат кўрсатиш соҳаси уларнинг ЯИМ таркибида юқори ўринни эгаллайди. Чунки хизмат кўрсатиш соҳасини интенсив ривожлантириш, ривожланаётган мамлакатлар учун дастур бўлиши мақсадга мувофиқ.



3.2.1-расм[118]. Қишлоқ жойларда аҳоли бандлиги прогнози.

Юқоридаги мақсадлардан келиб чиқиб қуйидаги 3.2.2-расмда қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сони истиқболли таҳлилида, қишлоқ жойлари хизмат кўрсатиш соҳасининг асосий фондлари, хизмат кўрсатувчи корхоналар сони, киритилган инвестициялар хажми шунингдек инфляция даражаси таъсирининг коррелляцион ва регрессион боғлиқлиги асосида истиқболли натижаси олинган. Ушбу ҳисоб-китоблар монографиянинг 2-иловасида келтирилган.

[118] Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган

3.2.2-жадвал

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасида бандларнинг 2030 йилга мўлжалланган прогноз функциялар[119]

Кўрсаткичлар	Математик моделларнинг функциялари	Натижа билан омилларнинг боғлиқлик даражаси
Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сони (Y) минг киши	$y = 0{,}3217x^2 - 1184{,}2x + 1E+06$	$R^2 = 0{,}9826$
Қишлоқ жойлари, хизмат кўрсатиш соҳасида асосий фондлар (млрд сўм) X_1	$y = 73{,}288x^2 - 284613x + 3E+08$	$R^2 = 0{,}9673$
Киритилган инвестициялар хажми (млрд сўм)X_3	$y = 13{,}975x^2 - 53570x + 5E+07$	$R^2 = 0{,}9851$

“Кўрсаткичли даражали функция” усулидан фойдаланган ҳолда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сонининг ўсиш суръати бўйича математик моделнинг апракцимацияси, унинг полинамиял чизиғига тўғри келди. Бунинг формуласи қуйидагича ифодаланади:

$$\mathbf{y = 0{,}3217x^2 - 1184{,}2x + 1E+06}$$

$$\mathbf{R^2 = 0{,}9826}$$

Кўрсатгич функция $\mathbf{R^2 = 0{,}9826}$ га тенглиги, ушбу кўрсаткичнинг ҳам ўрганилаётган вақт омили билан узвий боғлиқлигидан далолат беради. Ушбу кўрсаткичнинг 2001-20120 йиллардаги динамикаси асосида, уларнинг ҳам 2030 йилга мўлжалланган прогнозини аниқлаш мумкин.

$$\mathbf{y = 73{,}288x^2 - 284613x + 3E+08}$$

$$\mathbf{R^2 = 0{,}9673}$$

Ушбу кўрсатгич функциянинг ҳам таъсир аҳамияти $\mathbf{R^2 = 0{,}9673}$ бўлиши ишончлилик даражаси юқори эканлигидан далолат бермоқда. Қишлоқ жойларда иш ўринларини яратишда хизмат кўрсатиш соҳаси асосий фондлари муҳим ўринни эгаллайди.

$$\mathbf{y = 13{,}975x^2 - 53570x + 5E+07}$$

$$\mathbf{R^2 = 0{,}9851}$$

[119]Жадвал монографиянинг 2.3-параграфи 2.3.19-жадвалидаги маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Юқоридаги кўрсатгич функцияда **R²** квадратнинг муҳим аҳамият касб этганлигини кўриш мумкин. Инвестиция қуйилмаларини ошириш янги иш ўринлари пайдо бўлишига олиб келади.



3.2.2-расм[120]. Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сони (Y) минг киши

3.2.2-расм маълумотларидан кўриниб турибдики 2001 йилда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сони 3047,2 минг кишини ташкил этган бўлса, 2030 йилга келиб 4690,5 минг кишига етади. Қишлоқ жайларида хизмат кўрсатиш соҳаси мўтадил ривожланишини таъминлайди. Агар биз қишлоқ жойларини зудлик билан ижтимоий иқтисодий ривожлантириш масалаларини ҳал қилмас эканмиз ҳеч қачон ривожланган мамлакатлар қаторига кираолмаймиз. Сабаби, қишлоқ жойларида аҳолининг 49,4 фоизини ташкил этади бундай ҳолатда мамлакат аҳолисининг ярми қишлоқ жойларида яшаётганлигини инобатга олсак, ривожланиш долзарблиги аҳамиятини касб этади.

[120] Муаллиф ҳисоб-китоблари асосида тузилган

3.3.§ Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасида янги иш ўринлари яратиш бўйича тавсиялар

Аҳоли бандлигини таъминлаш, янги иш ўринларини яратиш горбал даражадаги муаммолардан биридир. Чунки, ишчи доимо юқори даромад олишни кўзласа, иш ўрни таклиф қилувчи паст иш ҳаққи тўлашни ҳохлайди. Бундай кескин савдолашув параметрларига ишчиларнинг эгаллаган билим кўникмаси, таълим даражаси, иш тажрибаси юқори таъсир этади. Шу сабабли юқоридаги таҳлиллардан қуйидаги тавсиялар бериш имконини берди.

Диссертациянинг 2.1-параграфида биз Жомбой туман мактабларидаги таълим аҳволи ва сифатини ўргандик. Шу таҳлиллар қуйидаги хулоса қилиш имконини берди. 2.1.3-жадвал маълумотлар таҳлилидан келиб чиқиб, Жомбой туман мактабларида педагог ва ўқувчилар нисбат меъёрини қайтадан кўриб чиқиш тавсия этилади, шунингдек, туман мактабларида ҳар бир ўқитувчига 7-8 ўқувчи тўғри келишини таъминлаш лозим. Шуни ҳисобида 1670 та бўш иш ўринлари мактабларда яратилади ва таълим сифати ошади. Президент Шавкат Мирзиёев 2020 йил 29 декабрда Парламентга қилган мурожаатида “Умумтаълим мактабларидаги таълим сифати пойтахтда ҳам, олис қишлоқларда ҳам юқори бўлиши шарт. Бунинг учун чекка ҳудудларда мактабларни малакали кадрлар билан таъминлаш, таълим сифатини яхшилаш бўйича алоҳида дастур амалга оширилади. Жумладан, бошқа тумандаги олис мактабга бориб, дарс берадиган ўқитувчилар ойлигига 50 фоиз, бошқа вилоятга бориб ишласа – 100 фоиз устама ҳақ тўланади”[121] дея таъкидладилар. Шу сабабли юқори малакали кадрлар сонини қишлоқ жойларида ошириш даркор. Бундай эҳтиёж нафақат таълим хизматлари учун балки, Оилавий Поликлиникалари учун ҳам сезилмоқда.

2.1.8-жадвал маълумотларидан келиб чиқиб Жомбой тумани Оилавий Поликлиникаларга олий маълумотли шифокорларни ишга таклиф қилишнинг рағбатлантириш механизми (иш ҳақисига қўшимча устамалар қўшиб бериш, имтиёзлар бериш ва ҳоказо) тавсия этилади. Шунингдек, Оилавий

[121] https://prezident.uz/uz/lists/view/4057 2020 йил 5 январь 16:36

Поликлиникаларда штат меъёрларини замон талаби даражасида қайта кўриб чиқиш тавсия этилади (1000 нафар кишига 3 нафар олий маълумотли шифокорлар билан таъминлаш). Бундан ташқари хизмат кўрсатиш мавжуд тармоқларининг фаолияти маҳаллаларда қай даражада эканлиги ҳам муҳимдир.

Ҳозирги кунда Жомбой туман аҳолисининг ҳар бир хонадонида, хусусий корхоналарида, тиббиёт муассасаларида, таълим даргоҳларида компьютерлардан фойдаланишади. Уларни таъмирлаш ва ўрнатиш хизматларига эхтиёж бор. 38 та маҳаллада (маҳаллалар номлари 2.1.12-жадвалда келтирилган) 31 та дорихона, 52 та тикувчилик, 16 та эркаклар сартарошхонаси, 30 та аёллар гўзаллик салони, 17 та ўқув марказлари, 18 та пойафзал таъмирлаш устохонаси, 2 та гўшт дўкони, 18 та компьютерларни ўрнатиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш шахобчаларини очиш таклиф этилади (2.1.12-жадвал). Агарда юқорида кўрсатилган хизмат кўрсатиш корхоналари маҳаллаларда ташкил этилса жами бўлиб 202 та янги иш ўринлари яратилади. Бу эса аҳолининг доимий иш ўрнига эга бўлишига олиб келади.

Шу мақсадлардан келиб чиқиб монографиянинг 2 – боб 3 – параграфида “Кунлик ёлланма ишчилар” фаолиятини ҳуқуқий асосда яратиш ҳудудларда “Меҳнат марказилари” очиш борасида илмий тадқиқот таҳлили натижалари келтирилган. Тадқиқот таҳлилидан келиб чиқиб ўтказилган социологик сўровнома иштирокчилари кунлик меҳнат бозори ҳолатини ўрганиш ва уни тартибга солиш, ундаги ёлланма ишчилар меҳнатидан мамлакат равнақи йўлида унумли фойдаланиш бўйича қуйидаги таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишга бердилар:

Биринчиси, кунлик меҳнат бозорида давлат хусусий шерикчилиги асосида “Меҳнат марказини” ташкил этиш ва унда ёлланма ишчиларни жалб этиш лозим. Шу мақсадларда кунлик ёлланма ишчиларни фақат “Меҳнат маркази” орқали иш излашларини ва унга мурожаат қилишларини, шунингдек иш берувчи ҳам “Меҳнат маркази” орқали ишчиларни жалб этишга ўргатиш

бўйича, масалан, “Меҳнат марказига” мурожаат қилинг!, “Меҳнат маркази” сиз учун ташкил этилган!, “Меҳнат маркази” ҳақида нималарни биласиз? каби мавзуларда илмий оммавий рисола, оммавий ахборот воситалар орқали уни тарғибот ва ташвиқот қилиш, ушбу масала юзасидан давра суҳбатларини ўтқазиш орқали кунлик даромад топиш истагида бўлганларни “Меҳнат маркази” орқали кунлик ишга жалб этиш мумкин;

Иккинчиси, кунлик меҳнат бозоридаги давлат хусусий шерикчилиги асосида ташкил этилган “Меҳнат маркази” фаолиятини хуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш. Бу борада “Меҳнат маркази фаолияти” тўғрисида қонун ишлаб чиқиш. Ушбу қонун кунлик ёлланма ишчилар ва иш берувчиларни ҳуқуқларини ҳимоя қилади, мажбуриятларини белгилаб беради. Шунингдек, иш жараёнида иш берувчи ва кунлик ишловчи ўртасида юзага келадиган турли хил низоли ҳолатларни, келишмовчиликларни адолатли ҳал этишда хизмат қилади.

Учинчиси, кунлик ёланма ишчиларни “Меҳнат марказига” жалб этишнинг рағбатлантириш механизмини ишлаб чиқиш ва уни амалиётга жорий этиш. Бунинг учун “Меҳнат маркази” орқали кунлик ишга жойлашиб даромад топаётган ишчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш. Масалан, истеъмол кредитини олишда давлат кафолат бериши, ёки айтайлик, соғлиғини тиклаш учун ўзи истеъқомат қилаётган оилавий поликлиникаларда бепул даволанишига йўлланмалар бериш, фарзандларини ёзги дам олиш масканларига жойлаштиришга ёрдамлашиш каби ишлар амалга оширилса кунлик меҳнат бозорига чиқувчилар фақатгина “Меҳнат маркази” орқали иш топишга интилади ва бу катта самара беради.

Тўртинчиси, кунлик ишчиларни кунлик топаётган даромадларидан мажбурий солиқ ундириш эмас балки, уларнинг ўз ихтиёрига қўйиб, кунлик топаётган даромадидан келгусида масалан айтайлик, ишга яроқсиз бўлган вақтларда ундан фойдаланиш учун пенсия жамғармасига ўзи истаган миқдорда маблағ қўйишини таъминлаш лозим. Бу эса кунлик ишловчиларни келгусида кимгадир боқиманда бўлмаслигига, ёки мажбурий тўловларни, жумладан

коммунал тўловларини мунтазам тўланишига эришилади ва бу жамиятга, ўзига ҳам катта фойда беради.

Бешинчиси, кунлик меҳнат бозоридаги “Меҳнат маркази”да иш берувчилар ҳам рўйхати олинади. Бу кунлик даромад топишга чиқувчилар учун кунлик иш кафолатланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 декабрдаги “Ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 806-сон Қарорида ўзини – ўзи банд қилган шахс сифатида фаолиятни амалга ошириш тартиби белгиланди. Ушбу қарорга асосан ўзини – ўзи иш билан банд қилувчиларга ҳуқуқий нуқтаи – назардан замин яратилиб, аҳоли бандлигини таъминлашга хизмат қилди. Диссертациянинг 2.3 параграфида ҳам ўзини – ўзи иш билан банд қилувчилар сифатида кунлик ёлланма ишчилар ва “Меҳнат марказлари”ни ташкил этишга қаратилган кўрсатгичларни таҳлил этдик. Таҳлиллар қишлоқ жойларида “Меҳнат марказлари”ни очишга зарурат бор эканлигини кўрсатди. Демак, “Меҳнат марказлари”ни очишга зарурат бор экан “Меҳнат марказлари” орқали кунлик ёлланма ишчиларни ўзини – ўзи иш билан банд қилиш мақсадида “Меҳнат марказлари”ни очиш зарур. Ушбу марказнинг ижтимоий – иқтисодий фаолият муносабатларини тартибга солишда ҳуқуқий норматив манба, айнан “Меҳнат марказлари”нинг фаолиятини қонун билан тартибга солиш, низомини ишлаб чиқиш “Кунлик ёлланма ишчилар” фаолиятини ижтимоий – иқтисодий жиҳатдан тартибга солишга зарурат сезмоқда. Сабаби бугунги меҳнат бозорида кунлик ёлланиб ишлаётганларнинг кўплиги, “Ижтимоий аҳволи”, “Маълумоти”, “Касби” жиҳатидан ҳам турли туман бўлиб талаб юқори эканлигидан далолат беради (“Меҳнат марказлари” тўғрисида таҳлил монографиянинг 2.3 параграфида келтирилган). Бу эса “Меҳнат марказлари” орқали ўзини – ўзи иш билан банд қилаётган кунлик ёлланма ишчилар фаолияти учун мўлжалланган Қонун ишлаб чиқиш заруратини янада кучайтиради.

Қишлоқ жойларда “Меҳнат марказлари” очилиши кунлик ёлланиб ишлаётган аҳолининг бандлигини таъминлашга хизмат қилиб шу орқали қишлоқ аҳолисининг яшаш фаровонлиги, даромадлар даражаси, яхшиланишига олиб келади. Қишлоқ жойларда “Меҳнат марказлари” аҳоли бандлигини таъминлаш объекти сифатида қуйидаги ислоҳотларга етаклайди:

1. қишлоқ аҳолисининг бандлигини таъминлайди;
2. қишлоқ аҳолисининг даромадлари ва фаровонлигини оширади;
3. қишлоқ аҳолисининг қўшимча фаолият орқали ёлланишига олиб келади;
4. қишлоқ жойлардаги мавжуд жисмоний ва юридик шахсларининг кунлик талаблари асосида ишга ёлланиб кунлик меҳнат фаолиятини амалга оширади;
5. қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасида аҳоли бандлигини таъминлаш сифатида меҳнат бозорига кириб боради;
6. кунлик ёлланма ишчиларнинг қонуний манфаатларини таъминлаб ҳимоя қилади;
7. кунлик ёлланма ишчиларнинг меҳнат стажи қайд этилади;
8. қишлоқ жойларда аҳолининг кунлик ёлланиб ишлаш имконияти пайдо бўлади;

Хизматлар соҳаси турли туман бўлиб “Меҳнат марказлари” ҳам хизмат кўрсатиш соҳасига киради. Хизмат кўрсатиш соҳасини қишлоқ жойларда ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлашда ривожланган мамлакатлар тажрибасидан мамлакатимиз қишлоқ жойларида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ривожланган мамлакатлар хизмат кўрсатиш соҳасини қишлоқ жойларида қишлоқ аҳолисининг замонавий талабини қондиришда асосий восита сифатида қарашади. Масалан ривожланган Европа иттифоқи мамлакатлари (Белгия, Германия, Ирландия, Франция, Нидерландия, Италия ва бошқалар) қишлоқ жойларини ривожлантириш мақсадида 2020-2023 йилларга мўлжалланган “Ақилли қишлоқ 21” дастурини қабул қилган. “Ақилли қишлоқ 21” дастури

Европа мамлакатлари қишлоқ жойларини инновацион ривожлантириш комплексини ўзида қамраб олади. Ушбу дастур доирасида илмий муассасалар, хусусий илмий фаолият билан шуғулланувчи етакчи ташкилотлар (E40, Finnverra, Pro agria, Luke, Lappia ва бошқалар) қишлоқ жойларини ривожлантирувчи асосий драйверлари (Хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш, аграр хўжалик, ва бошқа соҳалар)ни доимий равишда инновацион ривожлантириш мақсадида илмий асосланган тадқиқотларини олиб борадилар. Хизмат кўрсатиш соҳаси кам ресурс истеъмол қилиши билан бутун дунёда етакчи ўринни эгаллайди. Айнан ривожланган мамлакатлар “Ақилли қишлоқ 21” дастурида ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини барча қолган соҳаларни ривожлантирувчи ва ҳаракатлантирувчи “Локомотив” сифатида қарашган. Шу сабабли хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришда мамлакатимиз қишлоқ жойларида хориж тажрибасидан унумли фойдаланиш имконини берса, иккинчи томондан ривожланган мамлакатлар тажрибаси билан маҳаллий қишлоқ жойларининг тажрибасини солиштириш орқали энг муҳимларини танлаш имконини беради.

Европа иттифоқи мамлакатлари “Ақилли қишлоқ 21” дастурида хизмат кўрсатиш соҳасини қишлоқ жойларида инновацион ривожлантиришда тадқиқот институтларининг илмий тавсияларига таянишади. Ҳозирда “Ақилли қишлоқ 21” дастури қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ихтисослаштириш мақсадида марказ ва комплексларга ажратган (3.3.1-расм).

3.3.1 – расмдан кўриш мумкинки Европанинг қишлоқ жойларда хизматларни хизмат кўрсатиш маркази ва комплексларга ажратиш ҳар битта хизмат кўрсатиш турини алоҳида ихтисослаштиришга эришган. Хизмат кўрсатиш маркази қишлоқларда кичик тармоқ сифатида фаолиятни амалга оширса хизмат кўрсатиш комплекси хизмат кўрсатиш турларини ўзида жамлаган йирик ҳажмдаги хизмат кўрсатишни амалга оширади. Шу орқали Европа мамлакатлари қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳаси ривожига муносиб замин яратилган.



3.3.1-Расм. Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришнинг хориж тажрибаси[122]

[122] Европа Иттифоқи сайти маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси. https://enrd.ec.europa.eu/smart-and-competitive-rural-areas/smart-villages/smart-villages-portal_en

Ўзбекистон Республикасида ҳам қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича бир қанча мақсадли дастур ва чора – тадбирлар ишлаб чиқилган. Шулардан бири Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 – йил 11 – майдаги “Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора – тадбирлари” ПҚ – 5113 сон қароридир. Ушбу қарор қишлоқ жойларида ҳам хизмат кўрсатиш соҳасини жадал ривожлантиришни назарда тутади. Маҳаллалар кесимида қуйидаги 18 та хизмат кўрсатиш турларини жадал ривожлантириш белгиланди:

1. Сартарошхона;
2. Савдо дўконлари;
3. Дорихоналар;
4. Мактабгача таълим ташкилотлари;
5. Таълим марказлари;
6. Гўзаллик салони;
7. Маиший техникаларни таъмирлаш;
8. Автотранспорт воситаларини таъмирлаш;
9. Тантаналар ва оилавий тадбирларни ташкил этиш хизматлари;
10. Пойабзал тикиш ва таъмирлаш;
11. Кийим тикиш ва таъмирлаш (ателье);
12. Интернет заллари;
13. Нусха кўчириш;
14. Автотранспорт воситаларини ювиш шохобчаси;
15. Хўжалик моллари ва уй-рўзғор буюмларини ижарага бериш;
16. Зооветеринария пунктлари;
17. Умумий овқатланиш хизматлари;
18. Спорт майдончалари;

Учинчи боб бўйича хулоса

Қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳамда аҳоли бандлигини ошириш борасидаги истиқболли таҳлиллар қуйидаги хулосаларга келиш имконини берди:

1. Ўзбекистон Республикасида сўнгги ўн йилликда хизмат кўрсатиш соҳаси иқтисодиётнинг мустақил тармоғига айланди. Чунки, тадбиркорлик ва бизнес муҳити ўзгарди. Аҳолининг шахсий харид қобиляти хизмат кўрсатиш соҳасига бўлган талабни шакллантирди.

2. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар таълим, тиббиёт, алоқа, банк ва турли хизмат кўрсатиш соҳаси тармоқларини ривожланишига имкон берди. Бу ривожланиш аҳолининг мавжуд зарур хизмат кўрсатишга бўлган талабини ўз вақтида қондириш имконини оширади.

3. Истиқболли прогноз таҳлили (3.2.1-расм) маълумотлари қуйидаги хулосага келиш имконини берди. Қишлоқ жойларда аҳолининг доимий иш билан бандлигини таъминлаш ва оширмоқчи бўлсак, давлат ўзининг истиқболли дастурлари асосида инфляция даражасини пасайтириш мақсадларини тизимли ташкил этиши зарур. Чунки, (3.2.1-расм) прогноз йиллар таҳлили шундан далолат берадики инфлациянинг реал 1 фоиз миқдорида пасайиши қишлоқ жойларида аҳолининг муқим иш ўрнига эга 19 тага аҳоли бандлиги таъминланишига эришиш мумкинлигини кўрсатмоқда. 2030 йилга бориб прогноз жадвалдаги нисбий ўсиш орқали 1939,6 минг аҳоли бандлиги таъминланади. Тадбиркорлик муҳитининг шаклланиши ижобий хулоса бўлиб, битта янги корхона ташкил этилиши ҳисобига 2030 йилга бориб бизнес муҳити қишлоқ аҳолиси бандлигини таъминлашга таъсир этади. Шу сабабли давлат инфлация даражасини жиловлаши, ижтимоий-иқтисодий комплекс дастурлар орқали инфляция даражаси пасайишига самарали таъсир этиши керак.

4. Қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасида бандларнинг истиқболли прогноз усуллари (3.2.2-расм) ушбу соҳада банд аҳоли улушини

оширишда 2001 йилда қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар сони 3047,2 минг кишини ташкил этган бўлса, 2030 йилга келиб 4690,5 минг кишига етади. Бу жараён қишлоқ жайларида хизмат кўрсатиш соҳаси мўтадил ривожланишини таъминлайди. Агар биз қишлоқ жойларида хизмат кўрсатиш соҳасини интенсив ривожланиш йўлига ўтсак айнан хизмат кўрсатиш соҳасида бандлар улуши 4690,5 минг кишидан ошади.

5. Кунлик ёлланма ишчилар фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан йўлга қуйиш орқали ёлланма ишчиларнинг кунлик киришаётган меҳнат фаолиятида кўнгилсиз воқеаларнинг олдини олишга эришилади. Шу сабабли Кунлик ёлланма ишчилар тўғрисида қонун ва низом қабул қилиниши келишмовчиликлар ва муаммоли вазиятларни қонуний ҳал этиш имконини беради.

ХУЛОСА

Қишлоқ жойларда хизматлар соҳасини ривожлантириш орқали аҳоли бандлигини ошириш йўллари бўйича бажарилган тадқиқот натижасида қуйидаги хулоса ва илмий жиҳатдан асосланган тавсиялар ишлаб чиқилди.

1. Ибтидоий жамоа давридан бошлаб, инсоният тараққиётининг муҳим ютуқларидан бири бўлган турли мулкчилик шаклларининг пайдо бўлиши бугунги кунда айнан кўп сонли корхоналар, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш соҳалари ривожланишига замин яратди. Бундай турдаги корхоналар аҳолига кўрсатаётган моддий ва номоддий хизмат турларини ташкил этди. Ўз навбатида моддий хизмат кўрсатиш сифатида, савдо ва умумий овқатланиш, транспорт, алоқа, маиший хизмат ва уй-жой комунал хўжалиги юқори зарурат билан шаклланди. Ҳозирга кунга келиб ушбу корхоналар томонидан кўрсатилаётган хизматлар инсонларнинг турли хил моддий эҳтиёжларини қондирилишига ва хизмат кўрсатиш соҳаси муносиб ривожланишига хисса қўшмоқда.

2. Хизмат, хизмат кўрсатишнинг моҳияти иқтисодчи олимлар томонидан шунингдек кўплаб иқтисодий адабиётларда назарий ёритилганлиги муҳим аҳамият касб этсада аммо, замонавий талқин бўйича илмий асослаш керак эканлигини кўрсатди. Шу сабабли бизнинг илмий асосланган талқинимиз бўйича рақамли хизматлар хизмат кўрсатишнинг замонавий шаклини ўзида акс эттиради. Сабаби, ҳар бир жисмоний ва юридик шахслар ўзининг кундалик фаолиятини рақамли технологияларсиз тасаввур этаолмаяпти. XXI асрда инсонлар ўз ҳохиш истакларини турли мобил қурилмалар ёрдамида интернет тармоқлари, веб-сайтлар хусусан тижорат сайтларига мурожаати ортмоқда. Бундай шароитда кишилик жамиятининг рақамли хизматлар глобал минтақалар бўйича ишлаб чиқарувчиларнинг бир вақтнинг ўзида тез ва осон уларнинг платформаларига боғланиш имкониятини бермоқда ва бу ўз навбатида рақамли хизматларнинг ўрни қанчалик муҳим эканлиги кўрсатади. Шу сабабли бажарилаётган вазифаларда рақамли хизматларнинг ўрни илмий жиҳатдан асосланди.

3. Иқтисодиётнинг глобал шаклланиши турли даврларни босиб ўтишига ва истеъмол талаби таъсири остида хизмат кўрсатиш соҳасини дунё иқтисодиётининг асосий таркибий қисмига айлантирди. Хизмат кўрсатиш соҳасининг иқтисодий моҳиятига кўра ривожланиш цивилизациясини учта катта босқичга бўлиб кўриб чиқишга замин яратди. Аграр жамият, индустриал ва постиндустриал жамиятларда хизмат кўрсатиш соҳаси ўз ўрнига муносиб ҳолда ривожланди ва ушбу даврларда хизмат кўрсатиш ҳолати олимларнинг илмий назарий қарашлари асосида ўша даврнинг аграр жамият, индустриал ва постиндустриал жамиятларда хизмат кўрсатишнинг ривожланиши қандай ҳолатда эканлиги илмий жиҳатдан тўлиқ асосланди.

4. Қишлоқ жойларида турли ер ва томорқа майдонлари кўплиги, турли бизнес инфратузилмасини йўлга қўйиш қулай бўлишига қарамасдан таҳлиллар аҳолининг аксар кам таъминланган оилалари айнан қишлоқ жойларида яшамоқда. Бунга сабаб турли хизмат кўрсатиш тармоқларининг қониқарли даражада эмаслиги, тадбиркорлар томонидан тўланаётган иш ҳақлари ҳам кам эканлиги, аҳолининг мавсумий ишларда ишлаши кабилар сабаб бўлаётганини кўрсатди. Бунинг натижасида қишлоқ жойларида камбағаллик даражаси ва ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами ортишига олиб келмоқда. Агар биз келажакда аҳоли орасида камбағаллик даражасини қисқартирмоқчи бўлсак биринчи навбатда меҳнат фаолиятига муносиб иш ҳаққи тўлашимиз керак.

5. Мамлакат иқтисодиёти макроиқтисодий ўсишини таъминлаш қулай бизнес муҳитини шакллантириш ва шунингдек тадбиркорлик субъеклари мулк шакли бўйича янги чуққига интилмоқда. Турли мулк шаклларининг вужудга келиши бозор иқтисодиёти механизми амал қилаётганлигидан ва самарали ишлаётганлигидан далолат беради. Шу сабабли қишлоқ жойларида тадбиркорлик соҳаси ривожланмоқда (1.3.5 – жадвал). 2011 йилда қишлоқ жойларида 203063 та тадбиркорлик субъекти фаолият олиб борган бўлса 2020 йилга келиб 410006 та тадбиркорлик субъекти ортган (1.3.5 – жадвал). Бу эса қишлоқ жойларида ривожланиш даражаси тўғри ўсиш амалиётида

эканлигини кўрсатди. Келажакда айнан қишлоқ жойларда тадбиркорлик субъектларининг ортиши аҳоли бандлигига ижобий таъсир этиб муқим даромад манбаи билан таъминланишига хизмат қилади.

